# ТАРБИЯ МЕТОДИКАЛАРИ

Илмий-оммабоп журнал



milliytarbiya.uz
milliytarbiya.uz
@ milliytarbiya.uz

# ТАРБИЯ МЕТОДИКАЛАРИ

EDUCATIONAL METHODS

МЕТОДЫ ВОСПИТАНИЯ

1 - сон

Илмий-оммабоп журнал

Тошкент-2025



*“Юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун бизга замонавий илм ва яна бир бор илм, тарбия ва яна бир бор тарбия керак. Бугунги ва эртанги кунимизни, ёшларимиз тақдирини ҳал қиладиган юксак малакали муаллим ва мураббийлар, профессор-ўқитувчилар, ҳақиқий зиёлилар керак”.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

# Ҳурматли журналхонлар!

“Тарбия методикалари”
журнали таҳририяти сизни ўзаро
ҳамкорликка таклиф этади.

Журнал саҳифаларида тарбия методикаларини ривожлантиришга қаратилган илмий-услубий мақолалар, инновацион таълим технологиялари, методик тавсиялар билан бирга илғор тажрибалар ҳамда тизимда амалга оширилаётган ибратли ишлар ва янгиликларни ёритишингиз мумкин. Ўз илмий қарашларингиз, инновацион ғоялар, методик тавсиялар, илғор тажрибаларингизни “Тарбия методикалари” журналхонлари билан бўлишинг!

# МУНДАРИЖА


| | | |
|---|---|---|
| **Ҳилола УМАРОВА** | Журнал севимли нашрларимиздан бирига айланишига ишонаман | **7** |
| **Холбой ИБРАИМОВ** | Миллий тарбия тарғиботчисига айланади | **10** |
| **Рисбай ЖЎРАЕВ** | Миллий тарбия ва маънавиятга эътиборсизлик – ўзликни англашга таҳдиддир | **14** |
| **Сардор РАЖАБОВ** | Мактаб ўқувчиларида тадбиркорлик компетенцияларини шакллантириш: Назария. Инновация. Амалиёт | **18** |
| **Фарҳод БОҚИЕВ** | Тарбиянинг олтин қоидаси | **25** |
| **Азамат КАМАЛОВ** | Таълимда тарбиянинг моҳияти | **31** |
| **Зухра ИСМАИЛОВА** | Интеллектуал ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар воситасида тарбиялаш – медиа маданият: муаммо ва ечимлар | **36** |
| **Шоди САФАРОВ** | Социальная сущность патриотического воспитания подростков и молодежи в условиях глобализации национальных ценностей Республики Таджикистан | **46** |
| **Муҳаммаджон ҚУРОНОВ** | Миллий тарбия ҳақида: ота-оналар билан педагогик суҳбат | **58** |
| **Шукурулло МАРДОНОВ** | Турли ёшдаги ўқувчиларни тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятлари | **68** |
| **Роҳатой САФАРОВА** | Когнитив ва фикрлаш фаоллигини тарбиялашда аждодлар меросининг ўрни | **80** |

| | | |
|---|---|---|
| **Ҳилолахон ТОЖИБОЕВА** | Шарқ мутафаккирларининг шахс, уни тарбиялаш, ўқитиш ва ривожлантириш ҳақидаги педагогик ғоялари | **90** |
| **Муҳайё УМАРАЛИЕВА** | Миллий қадриятлар - одоб-ахлоқ мезони | **96** |
| **Лобархон ҚОРАХОНОВА** | Тарбияда мактаб-оила маҳалла ҳамкорлиги ундан кутилган асосий мақсад –комил инсонни тарбиялаш | **100** |
| **Набижон ТЕМИРОВ** | Иктидорли талабаларда қобилятини ривожлантириш технологияси | **110** |
| **Озод АБДУҒАНИЕВ** | Талабаларда умуминсоний қадриятларга оид компетентлиликни ривожлантириш мазмун-моҳияти | **118** |
| **Хол ХУДОЙҚУЛОВ** | Замонавий ёшлар тарбиясида ахборот-информацион маданиятни шакллантириш | **128** |
| **Мусаллам АБДУЖАББОРОВА** | Тарбияда анъанавий ва маънавий қадриятлар уйғунлиги | **146** |
| **Нурбой ЖАББОРОВ** | Алишер Навоийнинг тарбияга доир қарашлари | **150** |
| **Ҳусниддин НОРҚУЛОВ** | Оилавий қадриятларни сингдиришда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни | **158** |
| **Дилором ХУДОЙҚУЛОВА** | Экологик тарбияни ривожлантиришда экологик ҳуқуқий тарғиботнинг ўрни ва аҳамияти | **172** |
| **Амир ЖУМАБОЕВ** | Тарбияда ота-она қандай ўрин тутиши керак? | **180** |
| **Амир ЖУМАБОЕВ** | Компетенции профессионального развития учителей физической культурқ XXI веке | **184** |



“Илм ва тарбия бир-биридан ажралмасдир; уларсиз инсоният юксалиш қила олмайди.”

*Абу Райҳон Беруний*

# ЖУРНАЛ СЕВИМЛИ НАШРЛАРИМИЗДАН БИРИГА АЙЛАНИШИГА ИШОНАМАН



*Ҳилола УМАРОВА*
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг таълимни ислоҳ қилиш бўйича ўринбосари

Биз бугун шиддат билан ўзгариб ва янгиланиб бораётган бир даврда яшаяпмиз. Бундай шароитда, айниқса, замонавий ахборот технологиялари ривожини ҳаётимиз ва турмуш тарзимизга таъсирини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Ҳар қандай янгилик ва ўзгаришларнинг, албатта, кўплаб ижобий жиҳатлари билан бирга салбий таъсирлари ҳам бўлиши шубҳасиз. Бу эса, ўз навбатида, миллий анъана ва қадриятларимиз, айниқса, ёшлар тарбиясига жиддий эътибор қаратишни тақазо этади.



Аждодларимиз тарбия масаласига азалдан инсоният маданий ва маънавий юксалишининг асосий воситаларидан бири сифатида қараган, унинг жамият тараққиётидаги ўрни ва ролига юқори баҳо берган. Дарҳақиқат, илм тарбиясиз, тарбия эса илмсиз тўкис бўла олмайди. Абу Райҳон Беруний *“Илм ва тарбия бир-биридан ажралмасдир; уларсиз инсоният юксалиш қила олмайди.”*, деб айтган бўлса, яна бир буюк аждодимиз Юсуф Хос Ҳожиб

> “Тарбия орқали инсоннинг феъл-атвори шаклланади, таълим орқали эса унинг билими кенгаяди.”
> *Юсуф Хос Ҳожиб*

*“Тарбия орқали инсоннинг феъл-атвори шаклланади, таълим орқали эса унинг билими кенгаяди.”,* деб таъкидлаган. Саъдий Шерозий эса *инсоннинг энг яхши зийнати – илм ва яхши тарбиядир,* деб айтади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга қилган мурожаатномасида таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги ҳақида тўхталиб, “Шарқона қарашларимизда таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди. Бу эса бугунги кун ўқитувчисидан катта масъулиятни талаб қилади”, деб таъкидлаган эди. Президентимиз айни шу мақсадда 2024 йил 21 июнда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти негизида буткул янгича асосда “Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институтини ташкил этиш тўғрисида” қарор қабул қилди.

Президент қарорида миллий институт зиммасига бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ёшлар тарбияси соҳасида қўлланиладиган илмий-методик таъминотни амалга ошириш, буюк алломаларимиз, хусусан, жадидларнинг мазкур йўналишдаги қарашларини илмий тадқиқ этиш ва ана шу асосда замонавий методикаларни ишлаб чиқиш, ўқувчилар тарбиясида маҳалла ва ота-оналар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, бу борада ота-она ва ўқитувчилар учун ўқув ва оммабоп адабиётлар яратишни тизимли йўлга қўйиш каби бир қатор муҳим мақсад ва вазифалар юклатилди. Институт янги тарбия методикаларини яратиш ва амалиётга жорий қилиш бўйича олий таълимдан кейинги таълимни амалга оширувчи давлат муассасаси ҳисобланади ҳамда тарбия соҳасини такомиллаштиришга оид илмий асoслантирилган истиқболли таклифлар ишлаб чиқади. Бунда



асосий эътибор тарбия соҳасидаги мавжуд муаммоларга қаратилади.

Институт етакчи хорижий университет ва илмий марказлар билан янги ва замонавий тарбия методикаларини ишлаб чиқиш бўйича ҳамкорлик ўрнатади. Улар билан биргаликда қўшма тадқиқотлар олиб боради. Қарорда институт илмий ходимларини Япония, Россия Федерацияси, Жанубий Корея, Финляндия каби таълим соҳаси ривожланган бир қанча давлатларга бориб тажриба алмашиш, мамлакатимизга хорижий экспертларни жалб этиш, ўзаро илмий анжуманларда қатнашиш, маърузалар билан иштирок этиш каби мақсад ва вазифалар белгиланган.

Президент қарорида, шунингдек, институт ҳузурида “Тарбия методикалари” илмий-оммабоп журналини ташкил этиш вазифаси ҳам юклатилган эди. Бугун сизнинг қўлингизга ана шу журналнинг илк сони етиб бормоқда. Бу, албатта, биз педагоглар учун қувончли воқеа. Журналнинг мазмунли ва мунтазам чиқиши фақат унинг жамоаси эмас, балки ҳаммамизнинг фидойилигимиз, саъй-ҳаракатларимизга боғлиқ.

“Тарбия методикалари” журнали келажакда институт ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларининг фаол тарғиботчисига айланишига, тарбия педагогикаси билан боғлиқ муаммо ва масалаларни кенг ёритишга, таълим ва тарбия жараёнига янги методикаларни жорий қилишда ҳисса қўшишига, ўз ўқувчиларини топиши, аудиторияси янада кенгайиши, севимли нашрларимиздан бирига айланишига ишонаман ва умид қиламан. Журнал жамоаси фаолиятига муваффақият тилайман.

**“Шарқона қарашларимизда таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди. Бу эса бугунги кун ўқитувчисидан катта масъулиятни талаб қилади”**

# МИЛЛИЙ ТАРБИЯ ТАРҒИБОТЧИСИГА АЙЛАНАДИ



*Холбой ИБРАИМОВ*
“Тарбия методикалари” журнали Бош муҳаррири, педагогика фанлари доктори, академик

Ер юзида турли миллат ва элатлар истиқомат қилади ҳамда уларнинг шунга мос равишда тили, лаҳжаси, шеваси мавжуд. Ҳар бир миллат ва элатнинг ўз миллий қадриятлари, одоб-ахлоқи ва урф-одатлари бор. Ва бу миллий қадриятлар асрлар оша яшаб келмоқда. Уларнинг шу кунгача яшаб келишида, албатта, маърифатпарвар аждодларимиз, бугунги ибора билан айтганда миллий тарбия, қолаверса, педагогларнинг ўрни ва ҳиссаси беқиёс. Атоқли адиб Комил Яшин миллий тарбияда педагогнинг ўрни ҳақида шундай дейди: “Педагогнинг асосий вазифаси ёшларни ўз миллатининг маданияти ва тарихий меросига ҳурмат билан қарашга ўргатишдир.” У педагогнинг нафақат билим берувчи, балки ўз миллатининг маданияти ва қадриятларини тарбияловчи сифатида ҳам муҳим рол ўйнашини айтади.

Машҳур жадид бобомиз Абдулла Авлоний миллий тарбия ҳақида куйиниб шундай деган: “Тарбияни кимлар қилур? Қайда қилинур? деган савол келадур. Бу саволга жавобан: биринчи – уй тарбиясидур. Бу оналарнинг вазифасидур. Иккинчи – мактаб ва мадраса тарбиясидур. Бу оталар, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидур.” Демак миллий тарбиянинг бешиги, энг аввало, уй, оила ва унда асосий вазифани бажарадиган аёлларимиз, оналаримиздир. Ундан сўнг эса мактаб ва бошқа таълим муассасалари муҳим ўрин тутади. Шу боис бугунги кунда Президентимиз ташаббуси билан

миллий тарбияга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сонли , 2019 йил 3-майдаги ПҚ-4307-сонли, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ- 5040-сонли Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31-декабрдаги 1059-сонли қарорида миллий тарбияга эътиборсизлик иллати ички таҳдид сифатида қайд қилинган ва мазкур ҳолатни бартараф қилиш бўйича бир қатор вазифалар, чора-тадбирлар белгиланган. Бу, ўз навбатида, бизнинг жамоамиз, яъни Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти зиммасига ҳам катта маъсулият юклайди.

Президентимизнинг 2024 йил 21 июнда қабул қилган қарори асосида Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг Тарбия педагогикаси миллий институти, деб номлангани ва уни буткул янгича асосда ташкил этилгани, тарбия педагогикаси масалалари билан шуғулланадиган махсус илмий тадқиқот масканига айлантирилгани ҳам бугунги кунда миллий тарбияга юқори даражада эътибор қаратилаётганидан яққол далолат беради.

Институтимиз ўз фаолияти давомида асосий эътиборни тарбияга, хусусан, миллий тарбия асосларига қаратади, етакчи хорижий университет ва илмий марказлар билан тарбия методикаларини ишлаб чиқиш бўйича ҳамкорлик ўрнатади. Улар билан биргаликда қўшма тадқиқотлар олиб боради. Бундан ташқари мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари тарбияланувчи ва ўқувчилари



учун миллий тарбия йўналишида туркум адабиётлар нашр этилади.

Институт томонидан тарбия йўналишида янги лойиҳалар амалга оширилади. Уларга хорижий экспертлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари, олий таълим муассасалари ва жамоатчилик институтлари мутахассислари ҳамда олимлари жалб этилади.

Ота-оналарнинг фарзанд тарбияси борасидаги билимини оширишга қаратилган «Намунали ота-оналар мактаби» лойиҳаси ҳамда миллий тарбиянинг ҳудудий анъаналарини ўрганиш, тиклаш ва замонавий маънавий-ахлоқий тарбия тизимига жорий қилишга қаратилган илмий тадқиқотлар амалга оширилади.

Мухтасар айтганда, институмиз зиммасига миллий тарбия билан бевосита боғлиқ бўлган муҳим мақсад ва вазифалар юклатилган. Уларни тўлақонли амалга ошириш ва жорий этиш, тарбия педагогикаси борасидаги тажрибаларни кенг тарғиб қилиш ҳамда оммалаштиришда янги ташкил этилган ва бугун илк сони сиз муштарийлар қўлига етиб борган "Тарбия методикалари" илмий-оммабоп журнали алоҳида ўрин тутади ва ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, деб умид қиламиз.

"Тарбияни кимлар қилур? Қайда қилинур? деган савол келадур. Бу саволга жавобан: биринчи – уй тарбиясидур. Бу оналарнинг вазифасидур. Иккинчи – мактаб ва мадраса тарбиясидур. Бу оталар, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидур."

*Абдулла Авлоний*





Гарчи ҳар бир инсон бешикдан то қабргача тарбия олиш қобилиятига эга бўлса-да, лекин уни боладикдан тарбиялаш таъсирлироқ ва жуда муҳимдир.

Фитрат



# МИЛЛИЙ ТАРБИЯ ВА МАЪНАВИЯТГА ЭЪТИБОСИЗЛИК – ЎЗЛИКНИ АНГЛАШГА ТАҲДИДДИР

Рисбай ДЖЎРАЕВ ,
*педагогика фанлари доктори, академик*

Ҳар бир инсон ҳаёти давомида ўзлигини англашга интилиши, тинимсиз саъй-ҳаракат қилиши керак. Мен кимман, қайси йўлдан кетяпман, яшашдан мақсадим нима, кимларнинг авлодиман, келажакда қандай яшашим керак каби саволларга бугунги давр эҳтиёжи ва талабларидан келиб чиққан ҳолда жавоб излашга ҳаракат қилиши лозим.

Бу саволларга тўғри ва мукаммал жавоб топишда, албатта, инсон билими, дунёқараши ва тафаккури муҳим ўрин тутади. Битта оилада баъзан билими, иқтидори, феъл-атвори, одоб-ахлоқи турли хил бўлган фарзандлар вояга етиши мумкин. Бири одоб-ахлоқли бўлиб, жамиятда ўз ўрнини топса, иккинчиси ҳатто жиноятгача қўл уриши ҳам мумкин. Бу, энг аввало, юқоридаги саволларга ўз вақтида ва тўғри топилган жавобимиз, пировардида, ўзлигимизни англашга бўлган эътибор ва саъй-ҳаракатларимиз натижаси ва маҳсули билан боғлиқ жараён саналади. Бунда, айниқса, узлуксиз маънавий тарбия муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.

Ҳозирги глобаллашув, ахборот коммуникация воситалари кун сайин ривожланиб бораётган бир даврда аҳолининг кенг қатлами, айниқса, ёшларда миллий ғояга содиқлик, ватанпарварлик туйғуси, юксак маънавий-ахлоқий қарашларни тарбиялаш, уларда мафкуравий-маънавий иммунитетни шакллантиришнинг долзарблиги янада ошмоқда. Чунки дунё миқёсида ахборот хуружи, турли хил ёт таъсирлар, оммавий маданият ниқоби остида мафкуравий-маънавий таҳдидлар



тобора кучайиб бормоқда. Бундай маънавий-мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишда бизга миллий тарбия ва юксак маънавият асосий восита ва куч сифатида хизмат қилади. Ёшларимизни юксак маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялаш, уларда маънавий жасорат туйғусини шакллантириш навқирон авлодни турли таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг муҳим омилидир.

Сўнгги йилларда миллий тарбия, миллий маънавият бўйича кўплаб дарслик, қўлланма ва монографиялар яратилди. Тарбия она қорнидан бошланиши, оила ва мактабгача таълим муассасаларида давом этиши, умумтаълим мактабларида изчил амалга оширилиши жамиятда буюк аждодларимизга муносиб ворислар етишиб чиқишида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифаси устувор йўналишлардан бири саналади. Бугунги кунда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва қонунчилик жараёни ўсиб

келаётган ёш авлодни жисмонан ва маънан етук инсонлар қилиб тарбиялаш, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши, бирор касб ёки ҳунар эгаллашига хизмат қилмоқда.

Дунёда маънавий таҳдидлар хавфи ортиб бораётган бир даврда мустақил ва соғлом фикрлайдиган, аждодларга юксак ҳурмат руҳида уларга муносиб бўлишга интиладиган авлодни тарбиялаш республикамизда давлат сиёсати даражасига олиб чиқилган экан, бу жараёнда фаол иштирок этиш ҳар биримиз, айниқса, биз педагогларнинг муқаддас бурчимиздир.

Ёшлар маънавиятини юксалтиришда энг муҳим омиллардан яна бири – тарихий хотира – аждодларга юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси бўлиб, ўтганлар хотирасини ёдда сақлаган ҳолда, эъзозлаб яшаш демакдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, ёшларимиз қалби ва онгини миллий тарбия асосида олиб борилиши билан узвий боғлиқдир.

Асрлар давомида шаклланиб келаётган миллий давлатчилик асослари миллий ўзликни англаш тамойили билан тобора мустаҳкамланмоқда. Миллий-маънавий янгиланиш, қадриятлар қайта тикланиши, иқтисодий юксалиш -тараққиёт омилига айланди.

Ёшларимизнинг фидойи бўлиб улғайиши, ўз олдига қўйган бунёдкорлик, яратувчанлик мақсадлари сари тинимсиз ҳаракат қилиши, ўқиб-ўрганиши, изланиши, бутун-куч қувватини сарф этиши, ўзидаги бундай фазилат ва кўникмаларни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириб бориши улардаги миллий тарбия ва маънавият даражасининг ўзига хос ифодасидир.

Бугун ёшларимизда мустақил фикрлаш кўникмалари пайдо бўлаётгани, маънавий олами, ижтимоий фаоллиги барча ютуқлар пойдевори, куч-қудрат манбаига айланаётгани, айниқса, юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, эришилаётган ютуқларимиз негизида инсон омили ҳал қилувчи роль ўйнаётганини кузатиш мумкин.

Миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик ҳам айнан тарбия билан боғлиқ. Буюк файласуф Афлотун “Яхшилар масъулият билан иш қилишлари учун қонунларга муҳтож бўлмайдилар. Ёмонлар қонунларга чап бериш учун йўл топадилар”, деб айтганидек, миллий тарбия қарор топмаган, маънавият қадрланмаган жамиятда на қонунлар ишлайди, на меҳр-оқибат ғалаба қозонади.

Ёшлар тарбиясига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётган бугунги даврда улар ўзларига яратиб берилаётган бундай имкониятлардан унумли фойдаланишлари, келажак навқирон авлодлар қўлида эканлигини ҳеч қачон унутмасликлари, ота-боболаримиздан бизгача етиб келган миллий қадриятларимиз, маънавий меросимизни асраб-аввайлаб,биздан кейинги авлодларга етказишлари лозимлигини ҳеч қачон унутмасликлари керак.





# МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИК КОМПЕТЕНЦИЯ-ЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ: НАЗАРИЯ. ИННОВАЦИЯ. АМАЛИЁТ

*Сардор РАЖАБОВ*,
*иқтисодиёт фанлари*
*бўйича фалсафа (PhD) доктори*

Бугунги кунда Ўзбекистон мактаб таълими тизимида ҳар бир ўқувчида тадбиркорлик компетенциясини ривожлантириш — нафақат керак, балки замонавий таълимнинг стратегик мақсади ҳисобланади. Чунки тадбиркорлик — XXI асрнинг асосий компетенцияларидан бири. ЮНЕСКО ва Европа таълим ташкилотлари таъкидлаганидек, XXI асрда ҳар бир фуқаро ижодкор, ташаббускор, муаммоларни мустақил ҳал қилувчи ва ўз ғоясини амалга ошира оладиган шахс бўлиши керак. Тадбиркорлик компетенцияси — айнан шу кўникмалар мажмуасини ривожлантиради.

Ўзбекистонда таълим тизимининг муҳим вазифаларидан бири ўқувчиларда тадбиркорлик компетенцияларини шакллантириш ҳисобланади. Бу борада таълим жараёнида амалий йўналтирилган педагогик усулларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Мактабларимизда тадбиркорлик таълими ва ўқувчи-ларда тадбиркорлик компетенцияларини ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари кенг муҳокама қилинмоқда. Бу жараённинг педагогик жиҳатлари, замонавий таълим технологиялари, амалий машғулотлар ва лойиҳалар орқали ўқувчиларда бизнес режа тузиш, молиявий бошқарув, маркетинг тушунчалари каби кўникмаларни шакллантириш усуллари ишлаб чиқилмоқда. Айниқса, тадбиркорлик фазилатини болаликдан шакллантириб бориш ўта муҳим, янги педагогик вазифани пайдо қилади.

Тадбиркорлик фазилати — яъни ташаббускорлик, масъулият, янгича ғояларга

қизиқиш, муаммоларни ҳал этиш қобилияти. У болаларда муайян ёшдан бошлаб шаклланишни бошлайди. Масалан, 6–9 ёш (бошланғич синфлар) болаларда қизиқувчанлик, ташаббускорлик, тақлид қилиш орқали ўрганиш кучли бўлади. Албатта бу ёшда тадбиркорликни тўғридан-тўғри эмас, ўйинлар, ролли машғулотлар, ижодий топшириқлар орқали шакллантириш мумкин. Масалан, савдо ўйинлари (дўкон сотувчиси-харидор ролларида). Кичик лойиҳалар: саватча, буюм, нарсалар ясаш ва сотиш каби ўқув бизнеслари. 10–13 ёш (ўрта синфлар)да болалар мустақил қарор қабул қилиш ва ўз ғоясини ифода этиш қобилиятига эга бўла бошлайди. Уларда жамоада ишлаш, масъулиятни ҳис қилиш, кичик ғоялар орқали “пул ишлаш” қизиқиши пайдо бўлади. Масалан, маҳаллий ярмаркаларда қўл меҳнати маҳсулотларини сотиш, онлайн дўкон тушунчаси билан танишиш ва ҳ.к.

14–17 ёшга келиб, тадбиркорлик фазилатлари фалсафий, ижтимоий, ва амалий жиҳатдан шаклланади. Ўқувчилар ғоялар, жумладан, бизнес ғоялар тўғрисида мустақил фикр юрита бошлашади. Бизнес режа, бюджет, маркетинг тушунчаларини англайди. Тадбиркор сифатида ҳаракат қилишни бошлаши мумкин. Бу ёшдаги болалар учун тадбиркорлик тўгараклари, танловлар ташкил қилиниб, уларнинг стартап ғояларини ривожлантириш мумкин.

Педагог ва психологларнинг якдил фикрича, 7–8 ёш болада тадбиркорликка хос инсонлараро кўникмалар (алоқа, етакчилик, ташаббус) ривожлана бошлайдиган босқичдир. Лекин тадбиркорлик кўникмаси 12 ёшда мустақил намоён бўлади.

Конвергент тадқиқотларга кўра, тадбиркорлик кўникмасини тарбиялашни 6 ёшданоқ ўйин, ижодий топшириқлар ва моделлаш орқали тарбиялай бошлаш мумкин. Буни боланинг ёшига мос усуллар билан, босқичма-босқич ривожлантириш керак. Кўплаб олимлар ўз тадқиқотларида бу фикрни тасдиқлаганлар.

Аввало шуни айтиш керакки, OECD (Organisation for Economic Co-operation and Development) – Халқаро ташкилоти ҳисоботида дунё



мамлакатларига "Тадбиркорлик таълими бошланғич мактабдан бошланиши мумкин, у ижодкорлик, ташаббускорлик ва жамоада ишлаш салоҳиятини ривожлантиради. Таълим қанчалик эрта бошланса, у болаларнинг келажакдаги касбий орзуларига шунчалик кўпроқ таъсир кўрсатади", деган ўта муҳим хулоса ва тавсияни берган.

Француз педагоги Жан Пиаже тадбиркорлик фазилатлари болаларда қайси ёшдан намоён бўлиши ҳақида фикрлаб, "7–11 ёшда болалар мантиқий фикрлашни, режалаштиришни ва сабаб-оқибат боғлиқликларини тушунишни ўрганадилар — бу тадбиркорлик тафаккурининг асосидир", деган хулосага келади.

Кўп интеллект назарияси муаллифи Ҳовард Гарднер эса "Тадбиркорлик қобилияти алоҳида интеллект тури эмас, балки шахслараро, шахсий ва мантиқий қобилиятларнинг бирлашмасидир ва бу имкониятлар мактабнинг бошланғич босқичиданоқ ривожлантирилиши мумкин", деб ҳисоблайди.

Тадбиркорлик тафаккури назарияси (Effectuation) нинг муаллифи Сарас Сарасвачи буни муҳит билан боғлиқ, деб ҳисоблайди ва "Агарда тўғри муҳит яратилса, 10 ёшли болалар ҳам имкониятни кўра билиш ва мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш каби тадбиркорлик фазилатларини намоён этиши мумкин", дейди.

Масаланинг иқтисодий жиҳати шундаки, тадбиркорлик

компетенциялари ўқувчиларни жорий меҳнат бозорига тайёрлайди. Бу жуда муҳим. Чунки бутун дунёда, Ўзбекистонда ҳам меҳнат бозори шиддат билан ўзгариб бораяпти, давлат иш ўринлари чекланган. Янги стартаплар, кичик бизнес ва онлайн иш шакллари кўпайиб, автоматлашув ва рақамлаштириш жараёни кучаяяпти. Мана шундай шароитда ҳар бир ўқувчида тадбиркорлик компетенцияси ривожлантирилган бўлса, у нафақат иш излайди, балки ўзи ўзига иш ўрни яратади, бозордаги эҳтиёжни ўрганиб, топиб, масъулият билан, эркин ҳаракат қилади.

Тадбиркорлик компетенциялари ривожлантирилган ўқувчиларда танқидий ва ижодий фикрлаш ривожланади. Шуни яхши билишимиз керакки, тадбиркорлик фақат пул ишлаш эмас, балки муаммога бошқача қараш, янги ечим топиш, ресурсларни бошқариш, жамоа билан ишлаш каби кўникмаларни ривожлантиради. Бу кўникмалар барча соҳаларда (ҳуқуқ, тиббиёт, фан, таълим ва ҳ.к.) муваффақиятга етаклайди.

Тадбиркорлик кўникмаси ўқувчида шахсий масъулият ва мустақилликни шакллантиради. Яъни тадбиркорлик компетенцияси бор ўқувчи ўз келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади. Муваффақиятсизликдан қўрқмайди, чунки унга рискни тўғри баҳолаш ўргатилган бўлади.

11 синфларда жорий қилинган “Тадбиркорлик асосла-ри” дарслиги ўқувчиларда тадбиркорлик тушунчасини, бизнес режа тузиш, молияни бошқариш, бозор таҳлили каби асосий билимларни шакллантиради. Дарсликда ўқувчилар тадбиркорлик нима ва унинг жамиятдаги аҳамияти, бизнес ғоя ва стартап тушунчасини, бизнес режа тузиш қадамларини, молияни бошқариш ва харажат, даромад каби тушунчаларни билиб олади. Шу билан бирга улар маркетинг асослари, солиқ ва давлат билан муносабатлар, жамоа билан ишлаш, етакчилик ва мулоқат кўникмаларини ҳам ўрганади.

Бу йўналишда иш асосан ўқув дастурлари, қўшимча тўгараклар ва амалий машғулотлар орқали

ташкил этилади. Тадбиркорликка оид билимлар қуйи синфларда асосан “Технология” фани доирасида ўқитилади. Бу фан орқали ўқувчиларга ишлаб чиқариш жараёнлари, касб-ҳунар асослари ва тадбиркорлик кўникмалари ўргатилади. Мактабларда тадбиркорликка қизиқиши бор ўқувчилар учун махсус тўгарак ва клублар ташкил этилган. Уларда бизнес режа тузиш, бозор таҳлили ва молиявий саводхонлик каби мавзуларда амалий машғулотлар ўтказилади.

Ўқувчиларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида мактабларда кичик бизнес лойиҳалари ва стартаплар уюштирилади. Бу орқали ўқувчилар ўз ғояларини амалга ошириш ва реал тажриба орттириш имкониятига эга бўладилар. Муваффақиятли тадбиркорлар билан учрашувлар ва маҳорат дарслари ташкил этилиб, ўқувчиларга реал тажрибалар ва маслаҳатлар тақдим этилади. Бу йўналишлар орқали Ўзбекистон мактабларида тадбиркорлик таълими тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Бу йўналишда асосий юк ўқитувчиларнинг зиммасига тушади. Шунинг учун “Тадбиркорлик асослари” фани ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва уларни мотивациялаш, удавга замонавий методика (start-up, дизайн фикрлаш, agile усуллари), онлайн курслар ва малака ошириш дастурларини ўргатиш керак. Шу мақсадда ҳар йили “Энг яхши тадбиркорлик ўқитувчиси” танловини ўтказиш, танловлар ва грант асосида ёшлар ғояларини қўллаб-қувватлаш, “Ёш тадбиркорлар чемпионати”ни мактаб, туман, вилоят ва республика босқичида ташкил қилиш, ғолибларга ноутбук, китоб, стартап учун кичик грант каби мукофотлар бериш ва бу ишга бизнес-ҳомийларни жалб қилиш яхши самара беради.

Тадбиркорлик машғулотлари замонавий, рақамли технологиялардан фойдаланишга асосланмаса, самараси паст бўлади. Шунинг учун онлайн тадбиркорлик платформалари: videodars.uz, ta’lim.uz, kitob.uz uzedu.uz орқали видеодарслар, интерактив ўйинлар, кейслар яратиш, очиқ маълумотлар базасида “Ёш тадбиркорлар учун

электрон китоблар тўплами"ни жорий қилиш самара беради.

Мактаб ўқувчиларининг тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш тажрибасини, бизнес инкубаторлари тармоғини ҳамда ўқувчиларнинг иқтисодий ватанпарварлик ташаббусларини оммалаштиришга қаратилган "Biznespedagogika.uz" рақамли платформаси яратиш эса соҳага IT ва AI воситаларини кенг жорий қилиш имкониятини яратади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, тадбиркорлик компетенцияси Янги Ўзбекистоннинг тараққиёти учун ўта муҳим ва бебаҳо ресурсдир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев тадбиркорлик таълимига катта эътибор қаратаётгани бежиз эмас, зеро инсон капитали — иқтисодиётнинг асосий драйвери. Тадбиркор, ташаббускор ёшлар — янги иш ўринлари яратувчи, инновация киритувчи, солиқ тўловчи фуқаролар бўлиб етишадилар. Шунинг учун бугун мактабларимизда тадбиркорлик кўникмаларига эга ёшларни тайёрлаш — давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланди.





Тарбия – боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмак, ёш вақтидан маслакини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўсдурмакдур. Тарбия қилгувчилар табиб кабидур. табиб табиб кабидур.

# ТАРБИЯНИНГ ОЛТИН ҚОИДАСИ

**Фарҳод БОҚИЕВ,**
*Мактабгача ва мактаб таълими вазири ўринбосари*



Ушбу мақолада педагогик тарбия, унинг мезонлари, шарқ халқларида фарзанд тарбиясида жадид мутафаккирларининг қарашлари, тарбия усул ва воситалари, қарашлари ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** оила, қадрият, тарбия, ота-она, ҳурмат, хулқ-атвор.

**Introduction.** This article discusses upbringing, its criteria, the role of national values in child-rearing among Eastern peoples, methods and means of upbringing, and the views of Jadid enlighteners on family.

**Keywords:** family, values, upbringing, parents, respect, behavior.

Оила мустаҳкамлигини таъминловчи омиллардан бири бу фарзанддир. Оилада улғаядиган боланинг қандай инсон бўлиб шаклланиши биринчи навбатда ота-онага боғлиқ. Тарбияни қачондан бошлаш зарур экани ҳақида кўплаб манбаларда қимматли маълумотлар берилган. Мўътабар манбаларда қайд этилишича, бола тарбияси уч босқичда амалга ошади. Биринчиси – оила қуриш учун муносиб жуфт танлаш, иккинчиси – ҳомила даврида аёлнинг руҳ ва тан саломатлиги, учинчиси –фарзанд дунёга келган кундан бошлаб уни масъулият билан тарбия қилиш.

Абдулла Авлоний бобомиз “Туркий Гулистон ёҳуд ахлоқ” китобида тарбияга шундай изоҳ беради: тарбия – боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмак, ёш вақтидан маслакини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўсдурмакдур. Тарбия қилгувчилар табиб кабидур.

Жон саломатлиги учун шифокорлар не чоғлик фидои бўлсалар, хулқ-атворнинг гўзаллиги учун устозлар шундай жонкуяр бўлишлари талаб этилади.

Лекин хулқимизнинг яхши бўлишининг асосий панжаси тарбиядур. Ахлоқимизнинг биносининг гўзал ва чиройли бўлишига тарбиянинг зўр таъсири бордур.

Бугун аксарият ота-оналар фарзандларининг тарбиясидан хавотирда. Кимдир ижтимоий тармоқлар бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётганини баҳона қилса, бошқа бировлар мактабни, устозни айбдор қилишдан нарига ўтмаяпти назаримизда.

Фитрат "Ота-онанинг вазифаси ўз болаларини етук кишилар қилиб тарбиялашлари зарурлигидадир", деб таъкидлайди. Тарбияни қуйидагича таснифлайди:

1) жисмоний тарбия –саломатлик;

2) ақлий тарбия – соғлом фикрлилик;

3) ахлоқий тарбия – ахлоқи сано; яъни ахлоқий покликка эътибор бериш кераклиги таъкидланади. Оиланинг асосий вазифаси ёш авлодни тарбиялашдир, деб изоҳ беради.

Болалар ахлоқий тарбиясида аввало ўзи яшаётган атроф-муҳит муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Фитрат болаларни сувга ўхшатади: "Сув қайси рангли идишда бўлса, ўша рангда товлангани каби, болалар ҳам қандай муҳитда бўлсалар, ўша муҳитнинг ҳар қандай одат ва ахлоқини қабул қиладилар. Ахлоқий тарбиянинг энг буюк шарти шундаки, болалар кўпроқ яхши ва ёмон аҳволини ўз уйларидан, кўчадаги ўртоқларидан, мактабдаги ўқувчилардан қабул қиладилар". Бу фикрлари билан айтмоқчи бўлганимиз – бола тарбиясида фақатгина мактаб эмас, балки, аввало, оила ва жамоатчилик шуғулланиши тўғрисида ва оилада ахлоқ тарбияси доирасида ота-онанинг ўрни беқиёслигини инкор этиб бўлмайди.



Ўзбек миллатида одатда тарбия оиладан, ота-она, бува-бувидан ўрганил-



ган. Минг афсуслар бўлсинки, ёшларимиз бугун тарбияни оиладан ололмаяпти. Ота-она банд, иш, юмуш, рўзғор, телефондан ортмаяпти.

Аммо жамият ўқитувчини ёки бутун бошли мактабни бунга айбдор қилиб кўрсатмоқда.

Мактаб болага бошланғич синфданоқ вазифа беради. Бундай вазифанинг берилиши эса боланинг ота-онаси билан ҳам дарс қилиши, унинг ақлий ривожланиши ва қизиқишларини пайқашлари билан алоқадордир. Аммо XXI асрнинг замонавий ота-оналари кўп ҳолатларда ўз фарзандлари билан шуғулланишга вақт топа олишмайди. Бола онасига савол берганда одатда она “отангдан ҳам сўра?” ёки “устозинг ўргатмаяптими?” қабилида муносабат билдиради. Бундан кейин табиий равишда боланинг устозига бўлган ҳурмати пасаяди ва вазифаларини бажармай қўяди.

Таълим ва тарбия борасидаги маълумотларни бир-биридан айри ҳолатда тасаввур қилиш мумкун эмас. Бири иккинчисиз ҳеч нарсага ярамайди, балки ноқис бўлади. XX-XXI асрларда аввалги асрлардагига нисбатан саводсизликка қарши кескинроқ чоралар кўрилди, таълим тизими кучайтирилиб такомиллаштирилди. Умумий

таълим кириб бормаган юрт деярли қолмади. Ҳаттоки баъзи мамлакатлар аҳолиси илм-фан бўйича инсон кўзи кўрмаган, қулоғи эшитмаган ютуқ ва тараққиётларни қўлга киритди. Лекин асосий кўзланган мақсадга эришилаётгани йўқ. Шунинг учун ҳам илм-фан ривожланган мамлакатларда тарбиясизлик, ахлоқсизлик, маънавиятсизлик маданиятсизлик ва ҳаттоки инсон зотига мутлақо тўгри келмайидиган иллатлар кундан -кунга кенг кўламда ёйилиб боряпти.

Бола тарбиясида ота-онанинг бир-бирига муносабати муҳим саналади. Фарзанднинг тарбиясини фақат онага ташлаб қўйиш тўғри эмас. Бу борада отанинг ҳам ўрни беқиёсдир. Ҳаётда ўғил кўпроқ отага қараб эргашади. Отанинг самимийлиги, ҳурмати ва яхшилиги фарзандга куч-қувват бўлади. Оиланинг асосий тиргаги бўлган ота ҳаётнинг машаққатларини кечиб, ўзининг букулмас иродаси, адолатпарварлиги, ҳаёт синовларига бардошлилиги билан ажралиб турувчи буюк шахс сифатида гавдаланади. Ота оилада ўз фарзандларига юриш-туришда, нутқ одобида, ўзаро муомала маданиятида тўғрилик, ҳалоллик, самимийлик юзасидан намуна бўла олади. Оилада самимийлик, бир-бирига бўлган меҳр ва ҳурмат юқори бўлса, фарзанднинг ўсиб улғайишига ижобий таъсир кўрсатади. Алишер Навоий тарбиянинг яна бир кўриниши ота-онани ҳурмат қилиш эканлигини фарзандларга уқтиради: ”Отанг олдида бошингни фидо қилиб, онанг боши учун бутун жисмингни садақа қилсанг арзийди. Икки дунёнг обод бўлишини истасанг, шу икки одам розилигини ол. Туну кунингга нур бериб турганнинг бирисини ой деб бил, иккинчисини қуёш”.

Оилада маънавий-руҳий муҳит, бола тарбиясида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлади. Жамиятда ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлигини, ўзаро ҳурмат ва аҳилликни таъминлаш “2022- 2026-йилларга мўлжалланган "Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” да кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишда таянч бўлади. Ҳар бир тотув оила, обод маҳаллани, обод маҳалла – миллатнинг асосий, бош бўғини

ҳисобланади. Маҳалла – аввало, соғлом миллий ижтимоий муҳит маскани ҳисобланиб, бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради.

Шу маънода маҳаллани одамийлик, инсонпарварлик дарсхонаси, деб ҳам аташ мумкин. Зеро маҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда улкан тарбиявий функцияни бажаради. Кексаларнинг ёшларга панд-насиҳатлари, ёшларнинг хатти-ҳаракатларимни кузатиш, йўналтириш ва бошқа усуллар билан, бир томондан ёт ғояларга қарши курашилади, иккинчи томондан, уларнинг онгига миллий мафкура сингдириб борилади. Маҳаллада миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатларни камол топтиришда маҳалланинг ўрни беқиёс саналади. Бир болага етти қўшни ота-она, деган нақл халқ орасида бежизга оммалашмаган. Ҳар бир миллат ўз истиқболини камолга етаётган ёшлари тимсолида кўради. Шунинг учун ҳам жамиятнинг таянчи оила саналади. Улуғ маърифатпарвар Абдулла Авлоний айтганларидек, “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир”.

## АДАБИЁТЛАР:

1.«Тарбия» энциклопедияси (ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия) “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010. 528 б. (Муаллифлар жамоаси)

2.R.Djurayev, M.E.Inoyatova. Тарбия ва маънавият: тарих, тадриж, истиқбол. Рисола. - Т.: Ўзбекистон, 2021 й. - 224 б.

3.Ibraimov X., Қуронов М. Умумий педагогика. Дарслик. Тошкент, 2022.

4.Р. Джураев, Р. Сафарова. “Дарслик ва ўқув адабиётлари мазмунига сингдириладиган Шарқ педагогик тафаккури дурдоналари воситасида ўқувчи-ёшларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш йўллари” номли қўлланма. “Тафаккур қаноти”. 2019. 160 б.

5. Сафарова Р. Г. Замонавий педагогика фанининг концептуал

асослари ва парадигмалари// Узлуксиз таълим. - Тошкент. 2021 йил махсус сон. -В.14-19.
6. Қуронов М. Оила-Учинчи Ренессанснинг энг мустаҳкам устуни. -Тошкент, ЎзФА «Фан» нашриёти, 2021.
7. Қуронов М. Миллий тарбия. Т.: «Маънавият», 2007.



«Оила» асари орқали намоён бўлади. Унда у оиланинг жамиятдаги ўрни, фарзанд тарбиясидаги роли, айниқса, оналарнинг оила, бола тарбиясидаги вазифалари кенг ёритади.

Абдурауф Фитрат

# ТАЪЛИМДА ТАРБИЯНИНГ МОҲИЯТИ



**Азамат КАМАЛОВ,**
*Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Таълим ташкилотларида тарбиявий ишларни ва чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи*

**Кириш.** Мақолада таълимда тарбиянинг моҳияти, шахс тарбиясида ота-она, оила ва таълим муассаларининг ўрни ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** маърифатли жамият, тарбия, тарбия жараёни, тарбияланганлик, миллий тарбия методлари, инсоний фазилатлар, тарбия мазмуни.

**Introduction.** The article discusses the essence of upbringing in education, the role of parents, family and educational institutions in the upbringing of a person.

**Key words:** enlightened society, upbringing, upbringing process, upbringing, national upbringing methods, human qualities, content of upbringing.

Ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва юртга садоқат руҳида тарбиялаш учун ўрта таълим мактабларида таълим ва тарбияга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аждодларимиз асрлар давомида севиб мутолаа қилган «Қобуснома», “Ҳиббаттул ҳақойиқ”, «Оила», “Туркий «Гулистон» ёхуд ахлоқ” сингари асарлар шулар жумласидандир. Ушбу нодир асарларда аввал ахлоқ-тарбияга оид бирор сўз ва тушунчани изоҳлаб, кейин унга ўқувчи амал қилиш учун наклий ва ахлоқий далиллар келтиради. Умуман уларнинг мазмун-мундарижаси, уларда илгари сурилган илғор ғоялар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бугун ёшларга таълим ва тарбия бериш нафақат ота-она, педагогларнинг, балки, бутун бир жамиятнинг бурчидир.

Таълим ва тарбиянинг ўртасида очиқ-ойдин фарқ бор. Таълим, тарбиянинг бир

бўлагидир. Тарбия эса таълимни ўз ичига олади, аксинча эмас. Демак, тарбия ўз-ўзидан таълимга нисбатан комил ва кенг қамровлидир. Исломий тарбиянинг маъноси эса жамиятда ҳар тарафлама комил инсон шахсиятини барпо қилиш ва албатта, бу тарбия руҳий, ақлий ва жисмоний тарбияни ўз ичига олади.

Тарбия жараёни ўзаро боғлиқ икки фаолиятни
– ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятидан ташкил топади.

Жадид маърифатпарварлари Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитратларнинг маънавий-маърифий қарашлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Таниқли жадид маърифатпарвари, биринчи ўзбек педагоги Абдулла Авлонийнинг тарбияга берган таърифи жадидчилик фаолиятида тарбия масалалари нечоғлик юксак ўрин тутганидан далолат беради “Алҳосил тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидир”. Тарбия масаласи бугунги кунда ҳам долзарб масала ҳисобланади. Жадидчилар орасида Абдулла Авлоний ўз фаолияти давомида тарбия масалаларига жуда кенг ўрин ажратади. Авлоний ўзи яратган асарларда таълим билан бир қаторда тарбияга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди. Унинг “ Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асари айнан тарбия масалаларига бағишланган.

Авлоний шунингдек:
– Мактаб – тарбиянинг бош манбаи;
– Ўқитувчи – маънавият тарғиботчиси;
– Тарбия – халқнинг келажагини белгиловчи куч, деган ғояларни илгари суради.

Буюк маърифатпарвар зиёлиларнинг ғоялари “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” Концепцияси асосида миллий ғоя ва мафкурасининг теран томирлари бўлиб қолаверади.

Фитратнинг педагогик қарашлари, асосан, «Оила» асари орқали намоён бўлади. Унда у оиланинг жамиятдаги ўрни, фарзанд тарбиясидаги роли, айниқса, оналарнинг оила, бола тарбиясидаги вазифаларини кенг ёритади. Фитрат болага

ёшлигидан бошлаб миллий ўзликни англаш, тарих ва диний билимларни ўргатишни тавсия қилади. Унинг фикрича, халқнинг маънавий тикланиши оила ва мактабда бериладиган тарбияга боғлиқ.

Беҳбудий янгича таълим тарбияни афзалликларини исботлашда кўпроқ ўзи эришган ютуқларга, ўзи амалиётга татбиқ қилган янги тартибларга таянади. Беҳбудий ахлоқ ва тарбиянинг асоси – мактаб, барча илмларнинг боши мактаб, саодатнинг, фозил инсоннинг маънавий чашмаси-мактаб деган ақидага қатъий амал қилган. Маҳмудхўжа Беҳбудий учун миллий ғоя-миллатни тараққи-ётга олиб чиқиш ғояси эди. Бугунда маърифарпарвар жадидларнинг бебаҳо асарлари, илмий, назмий ва насрий мерослари, ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий ғоялари ўзбек халқининг маънавий маърифатини, миллий тарбия, миллий қадриятлар ва миллий онгни юксалтириш йўлида хизмат қилиб, ёшлар қалбида ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини тарбиялаб келмоқда. Уларнинг дунёқарашларида баён этилган фалсафий-ахлоқий фикрлари



халқимизнинг маданий-маънавий қадриятлари сифатида ҳанузгача сақланиб келмоқда.

Абдулла Авлонийнинг фикрича: "...хулқ – нафснинг сурати". Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг таърифлашича: "Ахлоқ хулқнинг жаъмидур. Ахлоқ икки қисм

бўлур. Бири ахлоқи ҳусния (яхши хулқлар), иккинчиси ахлоқи замима (ёмон хулқлар)дур.

Ёшларда ахлоқий хислатлар билан бирга, умуминсоний фазилатларни, маънавий сифатларни тарбиялашда педагогик диагностика ва коррекциялаш фаолиятига мурожаат этиш зарур. Бунинг учун, энг авало, инсон фазилатларининг ўзаро муносабатларини ва ўрнини аниқлаб олмоқ лозим. Маънавият эса ақлий, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий билимлар замирида шаклланади. Мазкур билимлар, ўз навбатида, инсон ижобий сифатларининг камол топиб, бойиб боришига олиб келади.

Тарбиянинг яна бир хусусияти унинг узоқ муддат давом этишидир. Таълимдан фарқли равишда у бола туғилганидан бошланади, мактаб йилларида, ундан кейин ва бутун умр бўйи давом этади.

Тарбиянинг таълимдан фарқлантирувчи яна бир хусусияти шундаки, у яхлит ҳолда ва концентрик асосда амалга оширилади. Тарбиянинг турли томонлари бир-бири билан узвий боғланган. Бошланғич синфда ҳам, ўрта ва юқори синфда ҳам айни бир нарса, масалан, дўстлик, аҳиллик, ватанпарварлик кабилар-ини тарбиялаш кўзда тутилади.

“Тарбия – маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари эҳтиёжларининг назар-да тутган ҳолда ўқитувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулоқотидир”.

“Тарбия-тарбиячи хоҳлаган си-фатларни тарбияланувчилар онгига сингдириш учун тарбия-ланувчининг руҳиятига муайян суратда ва тизимли таъсир кўрсатиш жараёнидир”.

Бола ривожланишининг, ўзлигини билишнинг асосий омили бу фаолиятдир. Фаолият нуқтаи назаридан ёндошилган қоида мактаб ҳаётининг ҳамма жабҳаларида таълим-тарбия жараёнларига сингиб кетади. Фаолият ўқувчилар билимларини мустақил эгаллашга ундайди, уларни қай ихтисосга мойил-ликларини аниқлашга ижодий фаолият тажрибасини, ҳиссий қадрият муносабатларини ўзлаш-тиришларига ёрдам беради. Ўқувчиларнинг биринчи синфдан

бошлаб имконият даражасидаги фойдали меҳнат билан шуғулланишларига эришиш лозим. Бундай меҳнат кўпчилик жамоа бўлиб бажарилганида яхши натижа беради.

Одатлар ёшларга яқинларидан мерос бўлиб ўтмайди, балки улар билан мунтазам мулоқотлари туфайли тақлид қилиш, тарбия орқали ҳосил қилинади. Охир-оқибатда одат

эҳтиёжга айланади. Ёш авлод қалбида Ватан туйғусини шакллантириш, оилани қадрлаш, ота-онага, Ватанга муҳаббат туйғусини уйғотиш, миллий қадриятларга садоқатни кучайтириш, эзгулик тимсоли бўлган йўлни улуғлаш, умуминсоний қадриятларга, илмга интилиш ва илғор маданиятни шакллантириш, диннинг дунёвийлик билан қарама-қарши эмаслигини англаш, хуқуқий маданият – соғлом дунёқарашнинг муҳим омили экани тўғрисидаги маълумотларни кўпайтириш, маърифатнинг шахс интеллектуал салоҳиятини ошириш – буларнинг барчасига тарбия методлари орқали эришилади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. - Тошкент, 1993.

2. Бахтли бола маънавияти. Узлуксиз маънавий тарбия трилогияси. II қисм. 3-7 ёшли болаларни маънавий тарбиялаш бўйича методик қўлланма. Тузувчи-муаллифлар: A.Qodirov, M.Quronov ва бошқ. - Тошкент, «Маънавият» нашриёти, 2018. - 260 б.

3. Бозорова М. Илм - жадидлар байроғи // Muloqot.-Toshkent, 2005.-Н4.-Б.40-

4. Ёш ота-она китоби. Узлуксиз маънавий тарбия трилогияси. I-қисм. 0-3 ёшли гўдак ва болаларни маънавий тарбиялаш бўйича методик қўлланма. Тузувчи-муаллифлар: 2.A.Qodirov, M.Quronov ва бошқ. – Тошкент, «Маънавият» нашриёти, 2018. - 200 б.

5. Қуронов М. “Миллий тарбия”. – Т.: Маънавият, 2007 . -Б. 220.

6. Қуронов М. "Оила – Учинчи Ренессанснинг энг мустаҳкам устуни." – Тошкент, ЎзФА «Фан» нашриёти, 2021.

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВОСИТАСИДА ТАРБИЯЛАШ – МЕДИА МАДАНИЯТ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР



*Зуҳра ИСМАИЛОВА,*
*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти-миллий тадқиқот университети профессори, педагогика фанлари доктори.*

Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренесанс пойдеворини яратиш йўлида кенг кўламли ва улуғвор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Барча соҳадаги ислоҳотлар ватанимиз истиқболи, тинчлиги ва ободлигига йўналтирилган. Ана шундай улкан орзу ва мақсадларимизни рўёбга чиқаришда интеллектуал ёшларни тарбиялаш энг муҳим вазифа саналади. Илм-фан ва технологияларнинг жадал ривожланиши, глобал дунёда рақобатнинг ортиши шароитида ҳар бир давлат ва жамиятнинг бу жараёнда рақобатбардошлиги ёшларнинг интеллектуал ривожи ҳамда уларнинг истеъдоди ва қобилиятларини тўлиқ рўёбга чиқариш билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис Президентнинг 2021 йил 13 июлдаги ПФ-6260-сон фармонига мувофиқ ёшлар томонидан кўтарилган таклиф ва ташаббуслар, муаммо ҳамда масалалар ечими юзасидан ҳар йили Ёшлар куни арафасида Ҳукуматнинг дастури, шунингдек, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликларининг алоҳида

ҳудудий дастурлари қабул қилинади.

Таълим ва тарбиянинг бош вазифаларидан бири жамиятдаги ёшларни Она-Ватанга меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялашдир. Бу, ўз навбатида, замонавий билимлар орқали ёшларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришни тақозо қилади. Бундай долзарб вазифанинг кун тартибига қўйилиши бежиз эмас. Ёшлар дунёқарашида тафаккур, жаҳон тараққиётида рўй бераётган ўзгаришлар, таъсир ўтказувчи сифатида сақланиб қолмоқда.

Шуниси аёнки, тарихий билимлар ёшларни кўп нарсага онгли равишда қарашга ундайди. Уларнинг ҳар бири қалбида Ватанга меҳр туйғуларини, бугунги кун қадрига етиш ҳиссини шакллантиради. Юқори цивилизациялашган бугунги маконда ёшлар билан якка тартибда ишни йўлга қўйиш, уларда ахлоқийлик фазилатларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки одоб ва ахлоқ азалдан инсон учун энг зарур зийнатлардан ҳисобланган. Одамзодни юксакларга кўтарадиган ҳам, унинг қадр-қимматини оширадиган ҳам ана шу ахлоқий баркамолликдир. Шу ўринда қадимги Рим файласуфи Эпикратнинг “барча кашфиётлар ичида гўзали яхши тарбия олган инсондир”, деган ўгитини ҳамиша



ёдда тутиш ўринлидир. Ёшларда ана шундай фазилатларни тарбиялашда оила ва ташқи муҳит, хусусан, мактаб ва ўқув юртларининг аҳамияти катта.

“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” ги қонуннинг 3-моддасида “Ёшларга оид давлат сиёсати - давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар

яратилишини назарда тутадиган ижтимоий иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора тадбирлар тизимини яратиш” каби мақсад ва вазифалар белгиланган.

Мамлакатимиз инсонларнинг яшаш шарт-шароитларини яхшилаш, ёшларга билим бериш, бўш вақтларини самарали ташкил этиш ва бунинг натижасида жамият ҳаётида фаол иштирок этиш, оиласи, касби, ватанини севиш каби ижобий хислатларни жо қилишга катта эътибор қаратмоқда. Шу боис ҳамжамият тараққиётига тегишли бўлган барча соҳаларга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида ёшларга давлат сиёсати даражасида эътибор берилиб, кундан-кунга фан, таълим ва ишлаб чиқариш жараёнида ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва тафаккур тарзи ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз, нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларни мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.”

Бироқ замонавий трансформацион жараёнлар ҳозирги дунёда тобора жадаллашиб, унинг ёшлар ҳаётига таъсири натижасида маданиятнинг универсиаллашуви тобора кучайиб бормоқда. Бугунги кунда мазкур жараёнларнинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳада кўриш ва кузатиш мумкин. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестиция воситасида кўплаб янги иш ўринлари яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, илм-фан ютуқларининг тезкорлик билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунла-

шуви, цивилизацияларaро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши, табиийки, ёшлар масаласига жиддий эътибор бериш ва уларни турли маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ва дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини топишга кўмаклашиш заруратини долзарб қилиб қўймоқда. Бу борада Шарқ мутафаккирларининг пурмаъно ҳикматларига эътибор берадиган бўлсак, улар муаммони ҳал қилишда илмга алоҳида эътибор қаратган. Ўз даврининг етук мутафаккирларидан ҳисобланган Низомий Ганжавий ёшларни илм-маърифатли қилиб тарбиялаш жуда муҳим эканлигини кўп бор таъкидлаган. У, жумладан, шундай дейди: “Куним кундан-кунга бўлсин десанг хуш, илм пайидан бўл борида эс-ҳуш!”

Бугунги ёшлар янгича фикрлашга ва замон билан ҳамнафас бўлишга интилмоқда. Унинг асоси эса интеллект ҳисобланади. Компьютер технологияларининг юқори суръатдаги тараққиёти инсоният тафаккурида янада сермазмун аҳамият касб этмоқда. Ахборот таъсири деб ном олган асримизни телекоммуникациясиз тасаввур қилиш қийин. Сўнги русумдаги телефон, планшет, ноутбук ва компьютерлар интернет орқали бизга керакли маълумот ва янгиликларни бир зумда аниқлашда беминнат хизмат қилади.

Ҳозирги замонда интернет тармоғидаги сайтлардан ўзимизга керакли бўлган ахборотларни бир неча дақиқаларда олишимиз мумкин. Бу бизга жуда қулай, осон ва вақтдан ютиш имконини беради. Аммо масаланинг иккинчи тарафи ҳам бор. Интернетдан кераксиз ва бузғунчи ғоялар мақсадида, ахборот хуружи сифатида ҳамда ёшларнинг миясини заҳарловчи восита сифатида фойдаланувчилар ҳам йўқ эмас. Тўғри, мустақил тафаккурга, интеллектуал илмий салоҳиятга эга бўлган ёшлар ҳар қандай хуружлардан ўзини ҳимоя қила олади. Бу борада ёшлар маънавияти ва миллий маданияти устувор ахамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида қайд этилганидек: “Биз ҳақиқатни

ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак, мамлакатимизда маданият ва санъат тараққий этмаса, жамият ривожланмайди.Халқимизнинг ривожланиш даражаси, аввало, миллий маданиятимизга қараб баҳоланади.Шумаънода,маданият бу халқимиз, жамия-тимиз қиёфасидир. Биз Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратишга киришган эканмиз, буни, аввало, миллий маданиятимизни ривожлантиришдан бошлашимиз лозим"

Ҳар қандай жараённинг салбий ва ижобий томонлари бўлганидек, интернет ва ахборот коммуникация технологиялари-нинг ҳам салбий жиҳатлари мавжуд. Тан олиб айтишимиз керакки, интернет ва ахборот-коммуникация технологиялари ривожланмаган вақтларда ёшлар илм олишга, китоб ўқишга, спорт машғулотлари билан шуғулланишга ошиқиш-ган. Бугунги ёшларнинг қизи-қиши эса аксинча. Энди уларнинг кўпчилиги интернет кафелари, компьютер ўйинлари марказларига интилмоқда. Аммо улар бу ёшида билим эгаллаш, касб-ҳунар ўрганиш, ўзини келажагини яратиш учун ҳаракат қилишлари лозим.

Интернетда тарқаладиган турли ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётган хабарлар, беъмани расмлар, видеолар ва компьютер ўйинлари натижасида ёшларнинг савияси пасайиб, ҳаётга, атроф-муҳит ва инсонларга бўлган муносабати тубдан ёмонлашиб бормоқда. Бешафқат компьютер ўйинлари



ёшлар онгини заҳарламоқда. Бу ўйинларда кимнидир ўлдиришади, атрофни вайрон қилишади ва вайронкор ғояларни амалга оширишади. Бундай жангари ўйинлар билан машғул бўлаётган ёшлар келажакда қандай инсон бўлиб вояга етади, деган саволга жавоб топишимиз лозим бўлади?

Бу каби компьютер ўйинлари ёшларни бемеҳр, қўпол қилиб қўяди, яхшиликдан узоқлаштиради. Бундан ташқари асаб тизимига салбий таъсир кўрсатади ва бунинг оқибатида улар асабий ва жаҳлдор бўлиб, жамиятга ва ўз яқинларига турли даражада жабр-зулм, зарар етказаётгани сир эмас. Ушбу кўнгилсиз воқеаларни олдини олишда, ёшларни интернетдаги зарарли хуружлардан асрашни, уларни ахборот технологияларидан унумли фойдаланишга ўргатишни ҳар биримиз ўзимиз учун масъулиятли вазифа сифатида қабул қилишимиз ва биргаликда чора-тадбирларни амалга оширишимиз зарур. Зеро, ҳозирги кунда Юртбошимиз ташаббуси билан ёшларга бўлган эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, навқирон авлодда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, юртимиз ёшлари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Шоир Аҳмад Шавқий айтганидек: “Миллатлар аҳлоқи билан миллат бўлади, аҳлоқи кетса, миллат ҳам кетади”. Миллатимиз узоқ йиллик тарихга эга. Ушбу даврлар мобайнида қанчадан-қанча мутафаккирлар, олимлар, уламолар, дин пешволари етишиб чиқди. Улар дунё олимлари ва мутафаккирлари томонидан тан олиниб, жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшганлар. Бугунги кунга келиб эса бизни қийнаётган муаммолардан бири, айнан ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва тафаккурининг сустлиги, бу эса уларнинг интернетдан фойдаланишида ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Бу борада биз томошабин бўлиб турмасдан уларда илмга, маърифатга қизиқишини

уйғотишимиз ва интернетдан самарали фойдаланишни йўлга қўйишимиз керак. Бизга бу борада қўл келадиган омил сифатида хориж медиа таълимини намуна сифатида кўрсатишимиз мумкин.

Хитой миллий интернет доменида ҳар қандай андишасиз фотосуратларни аниқлаган инсонга маълум миқдорда мукофот бериш ваъда қилинган. Америка Қўшма Штатларида мактабларни шу мазмундаги сайтлардан муҳофаза қилиш мақсадида контент фильтрлар билан таъминлаш учун маблағ ажратилган. Австралия таълим вазирлиги барча мактаб ва университетларда андишасиз сайтларга киришни тақиқлаш учун 1,3 млн. доллар сарф қилади. Исроилда эса махсус ультратовушли асбоб ишлаб чиқилди. Унинг ёрдамида фойдаланувчининг ёшини аниқлаш мумкин. Агар у ёш бўлса, автоматик равишда ҳаёсиз сайтларга киролмайди. Бирлашган Араб Амирликларида глобал тармоққа кириш мамлакатдаги ягона интернет-провайдер - Этисалат орқали амалга оширилади. Саудия Арабистонида эса, “Internet national” номли комплекс метод ишлаб чиқилган бўлиб, унинг воситасида фойдаланувчилар манзили ва жўнатилаётган хабарлар фильтрланади. Булардан шундай хулоса келиб чиқадики, ўз болалик даврини ўтаб, янги ҳаётга қадам қўяётган келажак авлодларни биз катталар ҳимоя қилишимиз ва уларни ижобий томонга йўналтиришимиз керак.

Бундан 3,5 минг йил илгари яшаб ўтган фиръавнлардан бири қабртоши устига “Ёшларимиз ўжар ва қайсар, кексаларнинг айтганини назар писандга олмайди, аждодлар қадриятини инкор этади” деган сўзлар битилгани ҳам ёшлар тарбияси башарият тараққиётининг барча босқичида асосий масалалардан бири бўлиб келганини тасдиқлайди. Яна бир мисол: антик давр буюк файласуфи Суқрот ўз даврида: “Эҳ, бу ёшлар қаёққа қараб кетмоқда” - деб хитоб қилган эди. Ўз даврида жадид намоёндаларидан бири Исҳоқхон Жунайдуллахонхўжа ўғли Ибрат ўзининг мақолаларида тўйлардаги исрофгарчиликлар, ортиқча сарф-сурфлар, ёшларнинг илм

олишдан кўра кўпкари, яъни улоқ чопишга бўлган ишқибозликлари ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиради. У халқни ҳар хил иллатлардан сақловчи куч-илм олиш эканлигини кўрсатади. У шундай деб ёзади: “Илмсиз киши, асоссиз девор дегани. Асоссиз девор ғоятда беэътибор бўлур. Илм ўқунг - ўқутунг ахлоқи фунун, замонага даркорлик илмлар зарур”. Ибрат ушбу фикрлари билан замона ёшларини ўз даври дунёвий билимларидан ҳам тўлиқ ҳабардор бўлишга ундайди. Жадидлар кишиларнинг аҳлоқий-маънавий тарбиясига эътибор қаратиб, уларни ҳар хил чет маданиятлардан, аҳлоқлардан сақланишга чақирганлар.

Абдулҳамид Чўлпоннинг бу соҳадаги фикрлари ғоят ибратлидир. “...Эй қариндошлар! Катта илтимосимиз шулдурки, Оврупанинг мўдосидан, шишасидан, бузуқ аҳлоқидан намуна олмасдан ва буларга бул жиҳатдан тақлид қилмасдан балки, илм, фан, ҳунар, саноатга ўхшашлик маданиятларидан намуна олуб бул жиҳатдан тақлид қилмоқимиз лозимдур. Оврупанинг мўдоси ва бузуқ аҳлоқи сизларни хонавайрон, беватан, асир-қул қиладур.

Бундан сақланингиз Оврўпонинг мактаб, мадраса, илм-фан, саноат, ҳунарга ўхшаш маданиятлари сизларни обод, маъмур, олим қилуб, жоҳилликдан асорат қуллигидан қутулдуродур. Биродарлар, кўзларингизни очуб яхши ўйланглар!!! ” Демак тарбия масаласи ҳар қайси даврда долзарб бўлган ва у бугун ҳам азалдагидек ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор вазифаларининг кўлами тобора ортиб бормоқда.

Айниқса, интеллектуал ёшлар тарбияси, ташаббускорлик қобилияти, илмий салоҳияти, уларда ижодкорлик ва ижтимоий фаолликни ошириш тамойиллари



муҳим саналади.

Ёшларни тинчлик, тоқатлилик, инсонпарвар, миллатлараро мулоқот руҳида тарбиялаш ҳамда уларни жамиятда ижтимоий фаоллигини ошириш борасида қилиниши керак бўлган ишлар ўз долзарблигини ҳеч қачон йўқотмайди. Ёшларнинг порлоқ келажагини ўйлаб самарали фаолият олиб бориш, интеллектуал ёшларни тарбиялаш энг муҳим вазифа бўлиб қолишини алоҳида таъкидлаган ҳолда малакали ёш кадрларга бўлган эҳтиёжни тўла амалга ошириш борасида қуйидаги тавсия ва мулоҳазаларни келтириш мумкин:

-Ёшлар ўртасида медиа маданиятни шакллантиришда уларнинг эътиборига асосли, муҳим, зарур, фойдали ахборотларни ўрганишларини тавсия этиш;

-Ота-оналарнинг медиа саводхонлигини ошириб, оила, таълим муассасалари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

-Тарбиявий ишлар баҳс-мунозаралар, дебатлар, муаммоли ва зиддиятларни таҳлил қилиш педагогик-психологик профилактика ишларини олиб бориш;

-Узлуксиз таълим тизимининг барча босқичида вояга етмаганларнинг медиа муҳитга самарали ҳаракатланиш, кўникма, малакаларга эга бўлишларини таъминловчи ўқув ва тарбиявий ишларни ташкил қилиш;

-Медиа таълимни самарали ташкил этиш юзасидан тўпланган хорижий ва маҳаллий тажрибаларни оммалаштириш;

- Таълим муассасаларида медиатаълимни ташкил этилишини йўлга қўйиш учун зарур педагогик шарт-шароитларни яратиш.



# СОЦИАЛЬНАЯ СУЩНОСТЬ ПАТРИОТИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ ПОДРОСТКОВ И МОЛОДЕЖИ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ НАЦИОНАЛЬНЫХ ЦЕННОСТЕЙ РЕСПУБЛИКИ ТАДЖИКИСТАН

*Сафаров Шоди Асомуродович – доктор педагогических наук,*
*профессорпрезидент Академии образования Таджикистана,*
*адрес: 734024, Республики Таджикистан,*
*г.Душанбе, улица А.Адхамова 11/2;*
*тел:(+992) 918421063,*
*E-mail: safarov.sh@mail.ru*

В статье утверждается, что воспитание нравственных качеств является главным стержнем педагогического образования, а комплекс педагогических мероприятий обеспечивает воспитание у подрастающего поколения национального патриотизма, интернационализма, рационального отношения к труду, гуманизма, сознательной дисциплины, культуры поведения, высоких нравственных убеждений и эмоций. Также отмечено, что для существования мира, стабильности государства и нации, сохранения национальных ценностей, толерантности необходимы, прежде всего, понимание и единое понимание патриотизма.

Также было отмечено, что родина, отчизна, место рождения — это, безусловно, священные слова, которые дороги всем народам мира. Эти слова усваиваются человеческим обществом от взрослых в процессе социализации. Содержание и сущность этих слов через стихи, песни, произведения и другие элементы творчества берут начало в нравственных чувствах нового

поколения.

**Ключевые слова:** сущность, социализация, воспитание, патриотизм, подростки, условия, глобализация, ценность, аспект, теория, мораль, позиция, формирование, просвещение, принцип, проблема, вера, чувство, доверие.

## SOCIAL ESSENCE OF PATRIOTIC EDUCATION OF TEENAGERS AND YOUTH IN THE CONDITIONS OF GLOBALIZATION OF NATIONAL VALUES OF THE REPUBLIC OF TAJIKISTAN

Safarov Shodi Asomurodovich – doctor of pedagogical sciences, professor, president of the Academy of Education of Tajikistan, address: 734024, Republic of Tajikistan, Dushanbe, A. Adhamov, street 11/2; tel.: (+992) 918421063, E-mail: safarov.sh@mail.ru

The article states that the development of moral qualities is the main core of pedagogical education, and a set of pedagogical activities ensures the development of national patriotism, internationalism, rational attitude to work, humanism, conscious discipline, culture of behavior, high moral convictions and emotions in the younger generation. It is also noted that for the existence of peace, stability of the state and nation, preservation of national values, tolerance, it is necessary, first of all, to understand and share patriotism. It was also noted that the homeland, fatherland, place of birth are, of course, sacred words that are dear to all the peoples of the world. These words are learned by human society from adults in the process of socialization. The content and essence of these words through poems, songs, works and other elements of creativity originate in the moral feelings of the new generation.

**Key words:** essence, socialization, education, patriotism, teenagers, conditions, globalization, value, aspect, theory, morality, position, formation, education, principle, problem, faith, feeling, trust.

Воспитание нравственных качеств является главным стержнем педагогического образования, а комплекс педагогических мероприятий обеспечивает воспитание у подрастающего поколения национального патриотизма, интернационализма, рациональ-

ного отношения к труду, гуманизма, сознательной дисциплины, культуры поведения, высоких нравственных убеждений и эмоций.

Родина, отчизна, место рождения – это, безусловно, священные слова, дорогие всем народам мира. Эти слова усваиваются человеческим обществом от взрослых в процессе социализации. Содержание и суть этих слов через стихи, песни, произведения и другие элементы творчества берут начало в нравственных чувствах нового поколения.

Как всем известно, развитие общества и культуры зависит от существования мирной и процветающей родины. Но война и беспорядки наносят вред обществу, этот процесс приносит только страх и беспокойство, ведь страшная война может в одно мгновение привести к разрушению тысяч городов и деревень, парков и садов, всего того, что было построено руками человека с помощью умственных и физических сил.

Прогрессивные и миролюбивые люди каждой страны мечтают о процветании своей Родины, счастье своих родных и детей. Любовь к своей Родине, защита ее границ и интересов основаны на человеческих эмоциях, и роль социализации в этих вопросах имеет первостепенное значение.

Конечно, патриотическое воспитание таджикских воинов было в рядах Красной Армии, они дошли до Берлина, победили в страшной войне 20 века, а после окончания Второй мировой войны вернулись на родину, чтобы восстановить мир, трудились вместе с народом на полях и долинах Таджикистана, строили электростанции, чтобы сделать свою родину еще светлее. Они хранили в своих сердцах священную мечту обустроить землю так, чтобы люди могли счастливо жить на ней. Он даже не думал о войне, он думал только о благополучии мирной жизни. Поэтому он был сторонником патриотизма, мира и терпимости. Война противозаконна. Это чуждо людям послевоенной эпохи. Когда слезы не высыхают на глазах матери, раны не заживают, а несчастья и разрушения не



забываются, только жестокие люди могут призывать к войне.

Матери растят своих детей ради счастья и выживания, но никогда не ради того, чтобы они стали жертвами войны. Народы мира не хотят войны. Наш народ пережил огромные разрушения и лишения в результате войны, поэтому он считает мир, стабильность и спокойствие основой для воспитания патриотизма. Таджикский классик Сайдо Насафи сказал:

Люди — это большая река. А кто падает с вершины реки, тот превращается в берег и исчезает в нем.

Пусть об этом подумают враги народа, зачинщики войны. Любой, кто попытается это сделать, наверняка будет уничтожен в этой войне. Потому что широкая общественность всегда выступает за мир и спокойствие.

Исследователи в области отечественной педагогики Рахимов Х., Нуров А. В своей книге «Педагогика» особое внимание уделили воспитанию патриотизма и его связи с глобализацией общечеловеческих ценностей, отметив, что «Главное содержание нравственного воспитания —

глубокое чувство патриотизма и интернационализма.

Патриотизм и дружба народов — высокие человеческие чувства, часть мировоззрения и отношения личности к любимой стране, к человечеству. Патриотизм фактически начинается с Родины, ибо цельный человек никогда не забывает частичку Родины, любимой Родины» [8, с. 222-223].

Конечно, вопросы патриотического воспитания и его связь с глобализацией национальных ценностей нашей любимой республики требуют многолетнего изучения героических личностей персидс-ко-таджикской нации, что, по мнению М. Давайте опираться на Лутфулозода. В своем произведении «Шахнома ва тараба» («Книга о таджиках и воспитании») мастер высказывает свои мысли о воспитании патриотизма, отмечая, что «Каждый задает себе вопрос – у кого нам учиться о Родине и ее защите? Естественно, на земле есть и такие народы или племена, которые молчат по этому вопросу. Но у нас есть история – славная, у нас есть героические и реалистические истории, все из которых стоит узнать. Кроме того, углубимся в биографии Каюмарса, Фаридуна, Манучехра, Кайхусрава, Нушервана, Рустама Достана, Сухроба, Исфандиера, Маздака, Спитамена, Гурака, Муканы, Исмаила Сомони, а также героев Таджикистана: Садриддина Айни, Бободжона Гафурова, Мирзо Турсунзаде, Эмомали Рахмона, Нусратулло Махсума, Шириншаха Шохтемура и другие деятели, защищавшие Родину. Давайте узнаем, поймем и возьмем в пример то, чему нас учили эти исторические деятели о защите Родины. Какие благородные поступки совершили защитники Родины [5, с. 24-25].

Действительно, в контексте мыслей Учителя Лутфуллозода можно отметить, что истории всех героев нации закладывают действенную основу для укрепления высокой нравственности, миролюбия, патриотизма, национальной сущности, гуманизма, свободомыслия, гражданственности и инициативности сегодняшней успешной таджикской молодежи.

Все эти чувства формируются у молодых людей, а сегодня границы и родина нашего любимого Таджикистана заперты и окованы.

Стоит отметить, что Основатель мира и национального единства – Лидер нации, Президент Республики Таджикистан Эмомали Рахмон в каждом своем выступлении, как мастер патриотического воспитания, поощрял и пропагандировал дух подростков и молодежи в этом направлении, в том числе в одном из своих выступлений, состоявшемся 8 сентября 2021 года, по случаю 30-летия государственной независимости, он заявил: «С полной уверенностью заявляю, что военнослужащие наших Вооруженных Сил и правоохранительных органов и впредь будут преданно и мужественно защищать независимость и свободу Родины, границы и родные земли страны, мирную жизнь народа Таджикистана от всех угроз и опасностей, с честью исполнять свой сыновний долг перед Родиной, государством и народом» [9].

Конечно, эти речи вселяют в умы всех слоев общества слова и концепции самосознания, единства, солидарности, мира и терпимости, патриотизма и безопасности, независимости как священного элемента, а также уважения и веры. Народ, нация или общество играют ключевую роль в воспитании этих важных элементов, а образовательные учреждения являются для этого основным местом. Знание корней патриотизма тесно связано с возникновением нашего народа, но до сих пор мы сами этого не знали. До сих пор мы не отразили в полной мере вышеупомянутые характеристики как имеющие национальный характер. Конечно, в условиях независимости нашей любимой Республики Таджикистан все уровни образовательных учреждений взяли на себя задачу формирования высокой нравственности, миролюбия, патриотизма, национальной сущности, гуманизма, свободомыслия, гражданственности, инициативности.

Национальная концепция образования — это актуальное политическое решение,

охватывающее общество и население, особенно молодое поколение. Содержание, цели, задачи и содержание отечественного образования на новом историческом этапе адаптируются к мировым стандартам. Они определяют их роль и место в формировании человеческой идентичности.

Гражданин должен работать на благо своего государства, видеть социальные недостатки в своей стране и работать над их исправлением. Гражданин обязан любить свою Родину и защищать ее интересы, а как основоположник национальной идентичности и культуры он должен вносить вклад в развитие общества. События, происходящие сегодня в мире, заставляют каждого человека направлять все свои усилия на благо государства и нации, на укрепление мира и безопасности как основы патриотизма.

Если представить себе все события, происходящие в мире, и хорошенько подумать, можно прийти к удивительному противоречию. Понятно, что некоторые страны агрессивно и настойчиво угрожают развитым странам с целью закупки сырья для развития их промышленности. Они не позволяют развивающимся странам использовать имеющееся у них сырье для развития своих собственных стран. Некоторые люди на нашей планете устанавливают дружеские отношения с другими миролюбивыми народами и стремятся поддерживать мир и спокойствие на Земле. Некоторые развитые страны создают разногласия и конфликты для достижения своих грязных целей. Подобные идеи были внедрены в нашу страну несколько лет назад, и, как мы уже знаем, это принесло нашему государству серьезные огорчения и скорбь.

Конечно, для существования мира, стабильности государства и нации, сохранения национальных ценностей, толерантности необходимо, прежде всего, понимание и единое понимание патриотизма. Если бы народ Республики Таджикистан под руководством Основателя мира и национального единства, Лидера нации, Президента Республики Таджикистан уважаемого Эмомали Рахмона не простили

бы обиды и не простили бы все нанесенные им оскорбления, и если бы мы сами не согласились на это, не подумали бы о развитии Таджикистана, не объединились бы с народом, не трудились бы усердно, то Таджикистан не был бы тем, чем он является сегодня.

Именно ради мира, безопасности и единства народа Таджикистана и всей страны был подписан документ о национальном согласии, который подписали лидеры некоторых организаций и партий, выступавших против него в период гражданской войны. Это был благонамеренный и необходимый шаг, объединивший некоторые политические силы ради одной цели — улучшения положения неспокойного Таджикистана.

Приняв столь мудрое решение, каждый гражданин нашей республики, независимо от национальности, всем своим существом понял, что судьба Таджикистана – это его судьба. Современные образовательные учреждения, прежде всего, должны уделять внимание проблемам мира, безопасности и патриотизма. Потому что этот процесс играет первостепенную роль в содействии глобализации национальных ценностей. Эта точка зрения является отражением общественного мнения об образовательном процессе. В связи с этими вопросами академик Академии образования Таджикистана, доктор педагогических наук, профессор М. Лутфуллозода утверждает: «Образование и патриотизм являются сутью примирения, и необходимо воспитывать



национальную гордость. Это формирование духовности, мира и толерантности между разными народами» [1, с.-63].

Независимость Таджикистана нельзя назвать результатом распада Советского Союза. Независимость Таджикистана — закон формирования общества.

Внутренние и внешние

враги воспользовались временной слабостью властных структур, возникшей в результате распада Советского Союза и рождения нового государства, которое еще не было сформировано. Во время отсутствия их армии враг нанес удар по молодому государству. Таджикистан участвовал в гражданской войне, и достойные сыны нашей Родины, почувствовав опасность исчезновения страны, начали бессмысленную войну.

Горький урок событий 1991-1997 годов показал, что нарушение законов принесло страдания таджикскому народу. После долгих совещаний самых блестящих умов наконец-то удалось провести 16 ноября 1992 года в древнем Худжанде XVI сессию Верховного Совета. На этом Совете народу было обращено внимание на нужды и единство таджикской нации. В истории Таджикистана началась новая эра. Таджикистан избрал человека, который возглавит его, человека, которому народ доверил высшую государственную должность. Эмомали Рахмон возглавил страну, находившуюся в состоянии войны и глубокого экономического кризиса. Он стал лидером страны, находившейся в отчаянном положении после бессмысленного кровопролития. По словам Хабиба Юсуфи:

Мир и покой нашей Родины крепки, как тяжелая гора. Великий лидер нации Эмомали Рахмон с первых дней вступления в должность в Верховном Совете обещал народу с трибуны Сессии добиться мира: «Или я



восстановлю мир в Таджикистане, или я пожертвую своей жизнью ради этого дела». Конечно, в этих словах заключена суть воспитания патриотических чувств, которые всегда должны прививаться в процессе обучения и воспитания, развития в сердцах молодых людей чувства Родины и патриотизма[10]. В тот момент трудно было поверить в эти слова, ведь в этой огромной «семье» шла война между братьями, сыновьями и отцами. Некоторые решили бежать. Другие, потеряв детей, остались жить на руинах своих некогда уютных домов. Все жили скромно и ждали восстановления мира.

Но великий лидер нации Эмомали Рахмон сдержал свое обещание. Ему удалось восстановить мир в этой сложной ситуации, собрав все враждующие стороны за одним столом и предложив им примирение. Таджикский народ под руководством Лидера нации добился мирного существования и совершил великую работу по восстановлению страны. С наступлением мира было сделано многое, что заложило основу для представления нашего любимого Таджикистана на мировой арене, и это создало глобализацию национальных ценностей.

В этой связи, наряду с тысячами достижений эпохи независимости, можно отметить один важный этап, который является одной из основ глобализации национальных ценностей. Важным этапом 2018 года является улучшение отношений между Республикой Таджикистан и Республикой Узбекистан. Теперь граждане Таджикистана и Узбекистана могут путешествовать друг к другу без виз. Это историческое событие в отношениях двух стран позволило двум братским народам сблизиться, и теперь родственники могут общаться без каких-либо проблем. Восстановлена железная дорога из Хатлонской области в город Термез, что позволило жителям Куляба и других городов юга республики выезжать в страны СНГ. Потому что вот уже 25 лет связь между двумя странами прервана. Реальными стали и экономические связи: на рынке Таджикистана появилась продукция из братской Республики Узбекистан, а наша

продукция экспортировалась в соседнюю страну.

Начались совместные предприятияна благо процветания наших дружественных стран. Строительство новых современных автодорог, соответствующих высоким международным стандартам, таких как Душанбе – Чанак, Душанбе – Пенджикент. Благодаря этим дорогам вы можете добраться до Худжанда, Самарканда и Ташкента всего за несколько часов. Тысячи людей из нашей страны уже посетили древние города Узбекистана, а люди из соседней страны посетили нашу республику. Президенты двух дружественных стран — Эмомали Рахмон и Шавкат Мирзиёев — построили в центре нашей столицы новый парк дружбы и воздвигли памятники великим мыслителям прошлого Абдурахману Джоми и Алишеру Навои.

На протяжении многих лет эти два известных мыслителя дружили, а Абдурахмон Джими был наставником, другом и учителем Алишера Навои. Следует отметить, что труды мыслителей являются гордостью наших дружественных народов и играют большую роль в нравственном воспитании подрастающего поколения. На этой церемонии современные таджикские и узбекские поэты и композиторы создали произведения: стихи, песни, которые укрепляют дружбу между нашими народами.

В 2018 году в Республике Таджикистан прошли Дни культуры Узбекистана, на концертных площадках Душанбе и других городов республики выступили лучшие артисты и деятели культуры соседней страны. Жители столицы с большим энтузиазмом приняли участие в этих концертах. Таджикские артисты также провели дни культуры в Узбекистане и добились большого успеха у зрителей соседней республики.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Каландаров А. Патриотическое воспитание в педагогической деятельности учителей Республики Таджикистан. Дисс. кандидата педагогических наук: 13.00.01 / Тадж. науч.– исслед. ин–т педагогических наук. – Душанбе, 2006. – 178 с.
2. Лутфуллоев М. Педагогикаи

шафқат. – Душанбе: Маориф, 1994. С.-24
3. Лутфуллоев М. Шарафномаи миллат / Душанбе, - 2003. С.-63.
4. Лутфуллоев М. Эҳёи педагогикаи Аҷам/ / М.Л. Лутфуллоев. – Душанбе: Дониш, 1997. –148 с.
5. Лутфуллозода М. Шоҳнома ва тарбия – Душанбе, 2022. С. 24-25.
6. Мирзозода Х. Таърихи адабиёти тоҷик: (Аз давраи қадим то асри XIII). Кит. 1 (2). – Душанбе: Маориф, 1989. - 424 с.
7. Њ. В. Кошифї. Футувватномаи султонї. Душанбе, - 1991, с. 27
8. Рањимов Х., Нуров А., Педагогика – Душанбе, «Маориф ва фарњанг», 2007.- С. 222-223
9. Суханронии Президенти Ҷумҳурии Тоҷикистон Эмомалӣ Раҳмон ба муносибати 30-солагии Истиқлолияти давлатӣ, шаҳри Душанбе, 8 сентиябри соли 2021.
10. Суханронии Президенти Ҷумҳурии Тоҷикистон Эмомалӣ Раҳмон дар Иҷлосияи тақдирсоз, шаҳри Хуҷанд, 16 ноябри соли 1992.
11. Унсурулмаолии Кайковус. Ќобуснома. – Душанбе, 1979, с. 15.
12. Харламов И.Ф. Педагогика.-М., 1990. С.380–382.

# МИЛЛИЙ ТАРБИЯ ҲАҚИДА: ОТА-ОНАЛАР БИЛАН ПЕДАГОГИК СУҲБАТ



*Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,*
*Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти бош илмий ходими, педагогика фанлари доктори, профессор*

Антропологларнинг гувоҳлик беришларича, одамнинг ташқи кўриниши, туси, сиёғи кейинги 40000 йилдан буён(сўнгги палеолит-кроманьонлар давридан бери) ўзгармай келмоқда. Одамнинг биологик эволюцияси тугади. Лекин унинг маънавий эволюцияси чексиз. Энди тарбия инсонни камолотнинг янги марраларига кўтариб, ўзгартира боради. Зеро педагогик нуқтаи-назардан ҳар бир инсон – ўз ҳаёти давомида олган тарбиянинг маҳсулидир. Демак, тарбия фарзандимизнинг, оиламизнинг, Ўзбекистонимизнинг, инсониятнинг келажагини ҳал қилувчи омилдир.

Дунёда рўй берган, бераётган ҳар бир нотинчлик, низо, бахтсиз воқеа, бузилган оила, синган тақдир тарихи “лента”сини орқага қайтарсак, тарбияга бориб тўхтайди. “Олдин пул, кейин маънавият” йўлини тутиш бўлиб чиқади. Уларнинг бу хатоси дунёда “бой берилган авлод” – “Lost generation” иборасини пайдо қилди.

Европада бутун бошли оилалар моддий бойликни қувиб кетишди. Уйидаги фарзандлари тарбиясини эса бегоналарга бериб қўйишди. Тарбиядан(!) вақтларини тежадилар. 10 пуллик фойда топдилар ҳам. Бугун эса... жонсарак бўлиб, болаларини қайта тарбиялашга 1000 пул сарфлашмоқда. Лекин самара 10 пуллик бўлаётир. Чунки вақт бой берилган. Мана

сизга "олдин моддий ҳаёт, кейин маънавият"нинг аянчли моддий, маънавий оқибати. Бу - "Бой берилган авлод" муаммосининг педагогик диагнози.

Миллий тарихимизга қарасак, ҳукмдорларимиз ўз фарзандлари тарбиясини оталиқларга,устоз-мураббийларга, замонасининг пешқадам, содиқ инсонларига ишониб, юклашганини кўрамиз. Темурийлар авлодлар тарбиясида ҳам ана шу фазилатларга устуворлик берилиб, бола характерида қатъиятсизлик, тадбирсизлик, лоқайдлик, номардлик ва журъатсизлик каби иллатларнинг пайдо бўлишининг олди олиб борилган.

XIX аср ўрталарида халқимиз ҳаёти, феъл-атворини ўрганган можор олими Г.Вамбери ўзбекларнинг миллий тарбияси натижаси ўлароқ, феъл-атвори билан бир хиллигини қайд этади. XIX аср ўзбекларини кўрган олим бобо-момларимиз ҳақида шундай дейди: "Олтин Ўрдада "ўзбек" деган ном анча олдиндан маълум бўлиб, улар "шафқатсиз одатлардан бош тортишиб, Осиё маданиятига йўл очишган: ўтроқ ва ярим ўтроқ, асл деҳқон; ҳарбий миллат; савдода оғир вазмин; саноатда мўътадил; очиқ кўнгил, мард; жиддий, ҳақиқий туркий ҳимматга эга; маъюсликгача кам гап, оғир вазмин; совуққонлик одоб-ахлоқ намунаси ҳисобланади; бир гапни ўйлаб оғзидан чиқаргунча бир қанча дақиқалар ўтади; ўзбек ўйлаброқ гапиришга мойил, у буни табиий деб билади; садоқатли ва довюрак бўлиб, тўғри гапирадиган, тўғри ҳаракат қиладиган, кўзга тик қарайдиган эркакни мукаммаллик намунаси деб билади. Давлат ҳимоясини ўз зиммасига олган, ўзбекларнинг оилвавий муносабатларини асл намуна ҳисобласа бўлади – кўп хотинлик фақат ҳукмдорларга хос; ўрта ёшга бориб қолган фарзандлар ўз ота-оналарига жуда эҳтиромли. Ўзи 30-40 ёшларга бориб қолган ўғил отасининг бир қарашидаёқ чўчиб кетади ва ҳеч қачон отаси бор пайтда чилим чекмайди, биринчи ўтирмайди, биринчи гапирмайди; туркий шевада гапирадилар; ўзбеклар болаларидан қунт талаб қилишади; муғомбирлик камдан-кам учрайди; ўзбеклар яхши мусулмондирлар – шу жиҳатдан анатолиялик туркларга



ўхшайдилар; ашула ва мусиқани жон дилидан севишади ва ҳ.к.

Миллий тарбия тизимининг ўткир воситаларидан бири – ҳар бир кишининг ўз аждодлари тарихини билиши лозимлиги ва шунга илк ёшларданоқ болаларнинг ўргатила бориши эди. "Турк ва тожикда барча одам фарзанди ичинда расм турар, етти отани санад қилмоқ. Турк халқи айтур, етти орқадан бери темурчиман ва ё айтурки, менинг етти отам шу юртда ўтгандур" – деб ёзади "Шажараи турк" муаллифи Боҳодирхон Абдулғозихон. Хоразм тахтининг 1644-1664 йиллар соҳиби бўлган Абулғозихон ўзидан бошлаб то Одам Сафиуллоҳгача "отасини отаси фалонча", -дея номма-ном баён қилади. Бу мисолдан илгари аждодларимиз етти ота наслини батафсил айтиб бера олганликлари аён бўлади. Аждодлар ёди ўзбекка ўзлигини англатиб, аждодлар номига доғ туширувчи ҳатти-ҳаракатлардан сақлаб, мардлик, яхшилик олийжанобликка чорлаб турган.

Бугун миллат, ватан ҳимояси болаларимиздан огоҳлик, курашчанликни кутмоқда. Демак, мактаб парталарида ўтирган ҳар бир ўзбекистонлик ўғил-қиз бу курашчанликни намоён қилишга тайёр бўлмоғи керак. Бунга бизни маънавий-ахлоқий тарбия махсус ўргатмоғи лозим. Мисол: ёшларимиз ўзларига "Мен сенга бир яхши нарсани ўргатаман" деган кишининг асл ниятини биринчи мулоқотдаёқ билиб, уни таниб, унга нима дейиш, нима қилишнинг яхши машқидан ўтишлари керак. Яъни "Мафкураси мустаҳкам Ўзбекистон боласи" сифатидаги ўзининг миллий вазифасини аъло бажариши, душманнинг ниятларини пучга чиқариши керак. Ана шунда душман умидсиз, ниятсиз, дастурсиз қолади. Уйидан чиқмайди. Бизга таҳдид солмайди. Бошқа, мафкураси

заиф, бирлашмаган халқларни, мамлакатларни излаб кетади.

Ҳар ўғил-қизимиз – миллат фарзанди. Ҳозир чет элларда меҳнат қилаётган, ўқиётган йигит-қизларимиз ўзлари билиб-билмай, Ўзбекистонни, ўзбек халқини тақдимот қиладилар. Ер шарининг қайси нуқтасида бўлмасин, болаларимиз халқимизнинг гўзал фазилатларини ўзларида намоён қила олишлари керак. Афсуски, ижтимоий тармоқларда айрим ёшларимизнинг миллатимиз шаънига доғ туширадиган хулқларни намоён қилаётганлигини ҳам кўраяпмиз. Шунинг учун миллий тарбия ғояси, зарурати қайта тикланди. Ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан “Қори-Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти”га асос солинишининг ҳикматларидан бири шунда кўринади. Шунинг учун педагогика фанимиз “Ўқувчининг миллий роли”, “Миллий хулқ” тушунчаларини чуқур ўрганиши керак. Бунда социологиянинг “Ижтимоий роллар назарияси” педагогикага катта ёрдам беради. Чунки бу назариянинг кўпқирралиги миллий-замонавий ҳаёт жабҳаларини, миллий тарбия йўналишларини илғаб олиш имконини беради.

Миллий тарбия тизимини "миллий рол" тушунчаси орқали ўрганиш ҳар бир ўзбек ўғил-қизининг илк ёшларидан "яхши бола", "яхши ака, ука, сингил, опа" яхши жиян, тоға, бўла..."; "яхши меҳмон, мезбон"; “яхши қўшни”, "яхши дўст", "одобли бола" каби "унвонли" муносабатга тайёрлаш механизмини очиб беради. Кенг маънода эса ўқувчининг миллий ролини ўзлаштиришга ўз ичига миллий фазилатларни, миллий ахлоқ меъёрларини сингдириш, миллий-ижтимоий ҳаётга тайёргарлик жараёнларини ҳам англатади.

Биз ош қилишни, балиқ тутишни, машина ҳайдашни, пул топишни, компьютерда ишлашни яхши билармиз. Тарбияни-чи? Афсуски, ёшларимиз турмуш қуришга аҳду паймон қилиб, келин-куёв, эр-хотин вазифаларини озми-кўпми билишади. Лекин улар ота-оналикни билмай бошлашади. Мана шу ерда педагогик компетенциялар етишмаслиги бизга панд бераяпти. Ваҳоланки, болани

боқиш осон, тарбиялаш қийин. Боламизни биз тарбияламасак, бошқалар, кўча тарбиялайди. Ким тарбияласа, бола ўшаники. Туғдирган, туққан, боққан эмас, тарбиялаган оқибат кўради. Бола тарбия режасини тузиб, уйқуни бузиб кузатганга, тузатганга, қараганга, тараганга, кўрсатганга, ўргатганга, машқ қилдирганга, чиниқтирганга, оқибатни ўргатганга оқибат кўрсатади.

Кўнглингиздан: "Фалончи ака боласини тарбиялашга алоҳида шуғулланмаган. Лекин болалари жуда яхши чиқишди ку. Болани ҳаётнинг ўзи тарбиялайди", деган ўй ўтгандир. Тўғри. Ҳаёт тарбиялайди. Лекин, бу кафолатга эмас, таваккалга таяниш.

"Ҳаёт тарбияси"нима? Бу – ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда кўчанинг, сиз танийдиган, танимайдиган одамларнинг болангизга берадиган хулқ намуналари. Уларнинг ҳам ўз болалари бор. Улар сизнинг болангизга ўз фарзандидек қарашига, жон куйдиришига ишонасизми? "Ҳа", дегувчиларга савол: "Сиз ўзингиз қачон, қаерда бировнинг боласини нотўғри иш қилаётганида тўхтатиб, танишиб, тўғри йўлга солиб, ота онасига бу ҳақда хабар бериб қўйгансиз?"

Иккинчидан, сиз машинангиз, кредит картангизни, кафолат хатини бегона кишига ишониб бериб қўясизми? "Йўқ". Бу матоҳлар фарзанд деган давлат олдида ҳеч нима эмас. Унда нега Оллоҳнинг сизга ато этган неъматининг тақдирини, ўзингизнинг кексайганда суянадиган суянчингиз масаласини бировларга ишонмоқчисиз? Таваккал қилмоқчисиз? Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда?

Тўғри, бола кундалик ҳаётда ижтимоийлашади. Ижтимоийлашув бу – болангиз мактабга бораётиб, дуч келадиган минглаб ўткинчи, таниш нотаниш одамлар, вазиятлар, воқеалар дегани. Болангиз эртага мактабга кетаётганда, ёки қайтаётганида кимларга, қандай яхши ёмон вазиятларга дуч келишини биласизми? Йўқ, албатта. Ҳаёт тарбиялайди, деб болангизни таваккал ихтиёрига бериб қўясизми? Йўқ. Тарбия бу – аниқ фазилатларни бола хулқида кўриш мақсадини кўзлаб,



муайян вақт давомида, ишончли, билимли одамлар томонидан амалга ошадиган аниқ натижали иш.

Махсус, атайлаб, аниқ ўлчанадиган натижага эришиш учун қилинадиган тарбия бу – суғориладиган ерда, “ҳаёт тарбияси” бу – лалми ерда деҳқончилик қилишга ўхшайди. Суғориладиган ерда деҳқончиликнинг ҳосили 90 фоизи сизга боғлиқ. Чунки ишни сиз бошқарасиз. Лалми ердаги деҳқончиликнинг ҳосилининг қандай бўлиши эса 90 фоиз об-ҳавога, 10 фоизи ота-онага боғлиқ. Сиз боласи тақдирини об-ҳавога ишониб қўядиган ота-онамисиз? “Вақтим йўқ”, деб бу ишни ота она қилмаса, уларнинг ўрнига кўча, ўткинчи одамлар, тасодифвоқеалар тарбиялайди. Бунинг натижаси қандай бўлиб чиқишини ҳеч ким билмайди.

XXI аср рақамли оммавий ахборот воситалари жамиятимизга беқиёс таъсир кўрсатмоқда. Глобал ахборот асри деб юритила бошланди.

Медиа – лотинча media, medium – восита, ўртада турувчи, ахборот ташувчи, муҳит маъносини англатади. У анъанавий (босма, радио, овозли, кинематограф, телевидение) ҳамда замонавий (видео, мобил телефонлар, CD, DVD, компьютер, Интернет) оммавий ахборот воситаларини ўз ичига олади. Жамиятимизнинг бугунги ривожланиш даврида ушбу оммавий ахборот воситалари инсонлар

ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Оилаларда оналарнинг энг севимли жанрларидан бири – сериаллар бўлди. Албатта, улар ичида тарбиявий жиҳатдан қимматга эгалари ҳам бор, лекин бизнинг миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга мос келмай-диган, бизнинг ўзлигимизга тамомила тескарилари кўп. Улар гўёки реалистик, ҳаётий вазиятлар асосига қурилган сюжет орқали телетомошабинларга зўравонлик, беҳаёлик ғояларини худди бир



оддий ҳолат, маданият нормаси сифатида сингдирмоқда. Чунки ёш бола атрофидаги оламни образлар орқали англай-ди, улар асосида ўзининг шахсий дунёқараш моделини қуради. Шундай экан, журналист олима В.Қаршибоева ибораси билан айтганда “ёқимли… ва хавфли” маҳсулотлар ёт ғоялари билан фарзандингиз онгини ўзгартиришига сиз тинч қараб турасизми?

Интернет бугунги кунда улкан ахборот манбаи, билим олишнинг энг самарали воситаларидан бирига айлан-ди. Интернет тармоғи орқали ўқувчилар ўзларининг билимла-рини ошириши, тенгдошлари билан мулоқотга кириши мумкин. Албатта, шак-шубҳа-сиз Интернет кунлик ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллайди. Лекин ҳар қанча ютуқларини тарифламайлик, Интернетнинг ҳам ёшлар тарбиясига негатив таъсири жиҳатидан камчилик томонлари мавжудки, бунга кўз юмиб бўлмайди.

Ёшлар ўртасида Интернет-нинг энг кўп тарқалган хизматларидан бири – бу чат, форум ва турли ижтимоий тармоқларда бошқа инсонлар билан мулоқот қилиш. Бундай мулоқотларнинг энг хавотирли жиҳати шундан иборатки, бунда ёшлар билмасдан хавфли инсонлар

билан мулоқот ўрнатишлари мумкин. Чунки виртуал мулоқотда ҳар ким аноним ҳолатда мулоқот юритиши мумкин ва ким аслида кимлигини аниқлаб бўлмайди. Бундай ҳолатларда ўсмирлар турли радикал оқимлар ва диний секталар таъсирига тушиб қолиши мумкин.

Видео ўйинларнинг зарарли оқибатлари ҳақида ОАВ орқали кўплаб маълумотлар бериб борилмоқда. Интернетомания касаллигига дуч келган ўсмир ёшлар ўзининг кўп вақтини беҳудага сарфлаш билан ўтказмоқдалар, унинг оқибатида ҳам психологик ҳам жисмоний зараретмоқда. Кўпинча ҳолатларда виртуал дунё Z ва Альфа авлодларига мансуб ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ўрнини қоплаб реал дунёдан ажратиб қўймоқда ва ундан мустақил равишда ёшларимиз чиқиб кетолмай қоляптилар. Демак, ҳар бир ота-онага медиапедагогик саводхонлик сув билан ҳаво қадар зарур. Чунки бугунги ёшларда медиа ахборотларни тўлиқ ва тўғри тушунишлари учун ахборотларни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш керак. Оилада фарзандларимизни турли вайронкор ва ёвуз ғоялар билан сингдирилган ахборотлар таъсиридан ҳимоя қилганимиз билан, улар оила ташқарисида хоҳлаймизми йўқми, турли



ахборот таъсирига учрайдилар. Бунда медиатарбия ёшларимизда бугунги ҳаётимизада ўта муҳим бўлган “ғоявий иммунитетни” шаклланишига ва ўзнинг шахсий хаётий позициясининг шаклланишига ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, Тарбия педагогикаси миллий институти томонидан ўтказилган тадқиқотлар миллий тарбиянинг, айниқса, унинг методик жиҳатларини чуқур ўрганиш зарурлигини кўрсатмоқда. Жумладан, мактаб, оила ва маҳалланинг миллий тарбиявий ҳамкорлигини такомиллаштириш; замонавий ўзбек қизларида ижтимоий

фаоллик, тадбиркорлик сифатларини шакллантириш; бўлажак ўқитувчиларни миллий тарбиявий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш; олий ўқув юртлари талабаларини миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мазмун, услуб, воситаларини такомиллаштириш; маҳалла, оиланинг миллий тарбиявий имкониятларини такомиллаштириш; миллий тарбия жараёнини тадқиқот қилишда кибернетик услубларни жорий қилиш; мактабдан ташқари муассасаларда миллий тарбия тизимини ишлаб чиқиш; миллий тарбия услубларини такомиллаштириш; ота-оналарнинг миллий тарбиявий билимлари, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш; миллий тарбиянинг ҳарбий педагогик моҳияти; ўқувчиларнинг бўш вақти ва миллий қадриятлар тизимини социологик ўрганиш; миллий тарбия бўйича тарихий тадқиқотларни ривожлантириш; миллий тарбияни амалга оширишнинг минтақавий хусусиятлари ва уларни такомиллаштириш масалалари; миллий тарбияга қиёсий-педагогик ёндашув ва унинг самарадорлигини ошириш; мактабгача тарбия ёшидаги болаларни миллий тарбиялашнинг назарий ва услубий педагогик асослари; миллий тарбияга геронтопедагогик ёндашув; хорижда истиқомат қилаётган ўзбек оилаларида миллий тарбиянинг хусусиятлари; Президент мактаблари, ижод мактаблари, “Темурбеклар мактаблари”да миллий тарбия жараёнини ташкил қилишнинг педагогик хусусиятлари каби истиқболли йўналишлар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.


KONSTITUTSIYA
BURCHAGI
8
DEKABR
"KONSTITUTSIYA
ERKIN VA FAROVON
HAYOT GAROVI!"
KONSTITUTSIYASI
KONSTITUTSIYASI
MILLIY TARBIYANING XAZINASIDAN
DURDONALAR

# ТУРЛИ ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



*Шукурулло МАРДОНОВ,*
*Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти бўлим мудири, п.ф.д., профессор*

Кичик мактаб ёши ўз ичига 6 дан 10 ёшгача бўлган болаларни қамраб олади. Бола олти ёшида илк бор “катта ўзгариш”ларга дуч келади. Мактаб ёшига ўтиш унинг кундалик фаолияти, ҳаёт тарзи, мулоқоти ва бошқа одамлар билан муносабатларида ҳал қилувчи ўрин тутади. Бу даврда, айниқса, унинг ўқиши етакчи фаолиятга айланади, ҳаёт тарзи ўзгаради, масъулият ҳисси пайдо бўлади, бошқалар билан янгича тарзда муносабат ўрнатади.

Кичик мактаб ўқувчилари биологик жиҳатдан ҳам иккинчи даврни бошдан кечиради: уларнинг ўсиши секинлашади, тана оғирлиги сезиларли даражада ошади, суяги қаттиқлаша бошлайди. Мушаклар тизими интенсив ривожланади. Қўлидаги кичик мушаклар ривожлана боргани сайин нозик ҳаракатлар қобилияти пайдо бўла бошлайди. Бунинг натижасида болада тез ёзиш қобилияти пайдо бўлади.

Бошланғич мактаб ёшида асаб тизими яхшиланади, миянинг катта ярим шарлари функциялари интенсив ривожланади, мушакларнинг аналитик ва синтетик функциялари кучаяди. Бошланғич мактаб ёшидаги бола мияси оғирлиги катталарникига деярли етиб қолади ва ўртача 1400 грамни ташкил этади, бола психикаси тез ривожланади. Қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари ўртасидаги муносабатлар ўзгара бошлайди: тормозланиш кучая боради, лекин қўзғалиш жараёни ҳали устунлик қилади. Ҳиссий органларнинг аниқлиги ошади. Мактабгача ёшга нисбатан рангга сезгирлик 45% га ошади, бўғим-мушак ҳисси 50% га, кўриш ҳисси 80% га яхшиланади.

Бошланғич синф ўқувчиси

билиш фаолияти, асосан, ўқув жараёнида содир бўлади. Шу боис бу даврда мулоқот доирасини кенгайтириш муҳим саналади. Боладаги тез ривожланиш, мактаб ўқувчиларига хос ва мос бўлган кўплаб янги фазилатлар ўқитувчилардан барча таълим фаолиятига жиддий эътибор қаратишни талаб қилади.

Кичик мактаб ўқувчилари идроки беқарорлик ва ташкилотчилик етишмаслиги билан ажралиб туради, лекин шу билан бир пайтда ўткирлик, топқирлик ва “тафаккур қизиқувчанлиги” ҳолатлари ҳам кузатилади. Идрокнинг нисбатан паст даражада фарқланиши ва таҳлил заифлиги қисман идрок эмоционаллиги билан қопланади. Шу боис тажрибали ўқитувчилар мактаб ўқувчиларини бу даврда босқичма-босқич мақсадли тинглаш ва кузатишга ўргатади, уларнинг кузатиш қобилиятини ривожлантиради. Бола мактабнинг биринчи босқичини идрокнинг мақсадли фаолиятга айланиб, мураккаб ва чуқурлашиб бориши, таҳлил ва фарқлай бошлаши ва уюшган характерга эга бўлиши билан якунлайди.

Кичик мактаб ўқувчилари диққат-эътибори ҳали тўлиқ барқарорлашмаган ва чекланган



ҳолатда бўлади. Шу боис бошланғич мактаб ўқувчиларини ўқитиш ва тарбиялаш жараёни, асосан, уларда диққат-эътибор кўникмаси ва маданиятини шакллантиришга қаратилади. Мактаб ҳаёти боладан доимий равишда эътибор ва диққатни жамлаш учун ихтиёрий ҳаракатни талаб қилади. Ихтиёрий эътибор бошқа функциялар, биринчи навбатда, мотивация ва самарали таълим билан уйғун ривожланади.

Бошланғич синф ўқувчилари тафаккури ҳиссий тасаввурдан мавҳум-мантиқийгача ривожланади. Машҳур педагог олим К.Д. Ушинский бу даврда "Бола шакллар, ранглар, товушлар, умуман, ҳислар ҳақида ўйлайди", деб мактаб ўз фаолиятининг дастлабки босқичида болалар тафаккурининг ушбу хусусиятларига асосланиши ва эътибор қаратиши лозимлигини таъкидлайди. Мактабнинг биринчи босқичдаги вазифаси -бола тафаккурини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, ақл-заковатни сабаб ва оқибат муносабатларини тушуниш даражасига кўтаришдир.

Машҳур педагог



Л.С.Выготскийнинг таъкидлашича, мактаб ёшидаги боланинг ақли нисбатан заиф, лекин сезги ва хотира функциялари билан солиштирганда анча яхши ривожланган бўлади. Одатда мактабда бола ақли нисбатан тез ривожланади. Бу ерда, албатта, мактаб ва ўқитувчи муҳим рол ўйнайди.

Бола тафаккури унинг нутқи билан биргаликда ривожланади. Бугунги тўртинчи синф ўқувчиси луғат бойлиги тахминан 3500-4000 сўздан иборат. Мактаб таълими таъсири нафақат боланинг сўз бойлиги сезиларли даражада ошганида, балки унинг ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда ифода этиш каби жуда муҳим қобилиятни қай даражада эгаллашида намоён бўлади.

Ўқувчининг чуқур билим олишида хотира катта аҳамиятга

эга. Биринчи босқич мактаб ўқувчисининг табиий имконияти, яъни мия фаолияти пластик хусусияга эга бўлади, айниқса, сўзма-сўз ёдлаш вазифасини осон уддалай олади. Масалан, мактабгача ёшдаги бола 15 та жумладан 3-5 тасини, бошланғич синф ўқувчиси эса 6-8 тасини эслаб қолади. Унинг хотираси, асосан, визуал ва мажозий характерга эга. Қизиқарли, аниқ ва жонли материал, шубҳасиз, тез эсда қолади. Бироқ бошланғич синф ўқувчиси ўз хотирасини қандай бошқариш ва бўйсундиришни билмайди.

Кичик мактаб ўқувчиси шахсини шакллантириш катталар (ўқитувчилар) ва тенгдошлари (синфдошлари) билан янги муносабатлар, янги фаолият турлари таълим, ўзаро мулоқот, жамоа (мактаб миқёсида синф)га қўшилиш таъсири остида содир бўлади. У ижтимоий туйғулар элементлари - ижтимоий хулқ-атвор кўникмалари (жамоага қўшилиш, ҳаракатлар учун масъулият, дўстлик, ўзаро ёрдам ва бошқалар)ни ривожлантиради. Бошланғич мактаб ёши ахлоқий фазилат ва ижобий хусусиятларни шакллантириш учун катта имконият яратади. Ахлоқий хулқ-атвор асослари бошланғич мактабда, айниқса, бола шахсини ижтимоийлаштириш жараёнида муҳим ўрин тутади.

Кичик мактаб ўқувчиларини имконият доирасида оқилона ташкил этилган, самарали меҳнатга жалб қилиш керак. Бу унинг шахс сифатида ижтимоий фазилатларини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Болалар қиладиган иш, оддатда, ўз-ўзига



хизмат қилиш, катталар ёки катта ёшдаги мактаб ўқувчиларига ёрдам бериш хусусиятига эга бўлади. Болалар ташаббус ва рақобатбардошлик хусусиятлари ёркин намоён бўладиган иш ва ўйинлар орқали яхши натижаларга эришиши мумкин.

Ўрта мактаб ёши ўз ичига 10-11 ёшдан 15 ёшгача бўлган

ўқувчиларни қамраб олиб, болаликдан ўсмирликка ўтиш даври саналади. У мактаб таълимининг иккинчи босқичи ёки даражасига тўғри келади . Бу давр бола ҳаётий фаолияти умумий ўсиши ва организмининг чуқур қайта тузилиши билан тавсифланади.

Бу ёшда ўқувчилар организмининг нисбатан тез ўсиши ва ривожланиши содир бўлади. Энг аввало бўй ўсиши кузатилади: ўғил болаларда йилига 6-10 см, қизларда эса 6-8 сантиметргача ўсади. Айниқса 15 ёшли ўғил болалар тез ўса бошлайди: улар бўйи 20-25 см га ошади. 13 ёшли қизларда ҳам ана шундай жараён кузатилади. Тана мустаҳкамланиши жараёни давом этади, суяклар эластиклик ва қаттиқликка эга бўлади. Мушаклар кучи сезиларли даражада ошади. Ички органлар ривожланиши нотекис, қон томирлари ўсиши юрак ўсишига мувофиқ келмайди. Бу эса унинг фаолият ритми бузилиши ва юрак тезлиги ошишига олиб келади. Ўсмир ўпкаси гарчи унинг ҳаётий кучи (сиғими) 3400 куб сантиметргача кўтарилса-да, лекин тез ривожланмайди. Ўсмирнинг нафас олиши тезлашади. Ўрта мактаб ёшидаги боланинг нотекис жисмоний ривожланиши уларнинг хулқ-атворига таъсир қилади. Улар бу даврда нисбатан кўп имо-ишора қилади, саъй-ҳаракатларида тезлик, шошилиш аломтлари кузатилади.



Ўсмирликнинг ўзига хос хусусияти – бола жинсий балоғатга эришади. Қизлар учун бу ўн бир ёшдан, ўғил болалар учун эса ўн икки ёки ўн уч ёшдан бошланади. Балоғат ёши тана ривожига жиддий таъсир этади, ички мувозанатни бузади, янги тажрибалар пайдо

қилади.

Ўсмирлик даврида асаб тизими ривожи давом этади. Ўсмир мияси оғирлиги ва ҳажми катталарникидан унчалик фарқ қилмайди. Бу даврда онг роли кучаяди, мия ярим шарининг инстинкт ва ҳиссиётлар устидан назорати ортади

Ўсмир идроки кичик мактаб ўқувчисиникига нисбатан мақсадли, режали ва уюшган бўлади. У баъзан нозиклиги ва чуқурлиги билан ажралиб туради, баъзида эса психологлар таъкидлаганидек, юзакилиги билан ҳайрат уйғотади. Ўсмирнинг, айниқса, кузатилаётган объектга нисбатан муносабати ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шу боис ён-атрофдаги ҳаётни идрок этишни ўқув материали билан боғлай олмаслик ўрта мактаб ўқувчиларига хос хусусиятлардан бири саналади. Ўрта мактаб ёшидаги ўқувчиларни қизиқарли дарс ёки машғулотлар ўзига тез жалб қилади ва улар узоқ вақт давомида битта материал ёки ҳодисага эътибор қаратишлари мумкин. Аммо озгина қўзғалувчанлик, ғайриоддий ва ёрқин нарсаларга қизиқиш эътиборнинг ўзгаришига сабаб бўлади.

Ўсмирлик даврида ақлий фаолиятда ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй беради. Фикрлаш тарзи янада тизимли, изчил ва етук бўлади. Мавҳум фикрлаш қобилияти яхшиланади: аниқ-мажозий фикрлаш билан мавҳум фикрлаш ўртасидаги нисбат иккинчиси фойдасига ўзгаради. Ўсмир тафаккури янги, яъни танқидий қараш хусусиятига эга бўлади. Ўсмир энди ўқитувчи ёки дарсликка кўр-кўрона таянмайди: ўз фикрига эга бўлишга интилади, низо ва эътирозларга мойил бўлади. Ўрта мактаб ёши ижодий фикрлашни ривожлантириш учун энг қулай давр саналади.

Фикрий ривожланиш жараёни ўсмир нутқидаги ўзгариш билан узвий ҳолатда содир бўлади. Унда тўғри таъриф бериш, мантиқий асослаш ва кўргазмали фикр юритиш тенденцияси сезиларли даражада рўй беради. Ўсмир нутқида мураккаб синтактик тузилишга эга бўлган жумлалар нисбатан кўп учрайди, унинг нутқи мажозий ва ифодали бўла бошлайди.

Ўсмирлик даврида интенсив ахлоқий ва ижтимоий шаклланиш

жараёни содир бўлади. Аммо дунёқараши, ахлоқий идеаллари, хатти-ҳаракатларида устувор бўладиган қадриятлар тизими, ахлоқий тамойиллар ўртоқлари таъсири ёхуд ҳаёт зиддиятлари туфайли осонликча йўқ бўлиб кетиши ҳам мумкин. Бунда, шубҳасиз, тўғри ташкил этилган таълим ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ўсмир шахсияти унинг қандай ахлоқий тажрибага эга бўлишига қараб шаклланади.

Ўсмирларнинг ахлоқий ва ижтимоий хулқ-атворида ҳис-туйғулар алоҳида ўрин тутади. Улар ўз ҳис-туйғуларини зўравонлик ёхуд таъсирчан тарзда ифодалайди. Айниқса, ғазаб кучли бўлади. Кўп педагог ва психологлар ўсмирликни оғир инқирозли давр, деб ҳисоблайди. Бу ўжарлик, худбинлик, изоляция, чекиниш ва ғазабланишдан иборат бўлиши мумкин. Шу боис бу даврда ўсмирларнинг руҳий дунёси ва ҳис-туйғуларининг намоён бўлишига ғамхўрлик қилиш жуда муҳим саналади.

Ўсмирларнинг ахлоқий идеали ва ишончи турли омиллар таъсирида шаклланади ва хилма-хил бўлади. Ижобий фазилатлар билан бир қаторда нотўғри, ҳатто, ахлоқсиз ғоялар ҳам шаклланади. Ўсмир ўғил болалар кучли, жасур ва ақлли одамларни ўзларининг "кумири, деб билади. Ўсмирлар уларга тақлид қилиб, ўзлари сезмаган ҳолатда хавфли чегарани кесиб ўтади, бунинг натижасида жасорат шафқатсизликка, мустақиллик ёлғонга, ўзини ҳурмат қилиш эса бошқаларга нисбатан зўравонликка айланади. Ўсмир қизларда ҳам сохта идеаллар кўпая бошлайди. Айрим ўсмир қизлар фоҳишабозлик, фойдахўрлик, паразитликни қораламайди, ҳатто, қонунбузарлар билан танишлигидан фахрланади.

Ўсмирлик даври поёнида



мактаб ўқувчилари касб танлаш муаммосига дуч келади. Аксарият ўсмирлар ҳалол ва виждонли меҳнатни ёқлаб, ўз келажагига масъулият билан ёндашади. Аммо кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар инфантилизм, бефарқлик ва ижтимоий етуклик ривожланиб бораётганини тасдиқламоқда. Ҳаттокелажакдаги ҳаётини меҳнат билан боғлашни истамайдиган ўсмирлар борлиги ҳам сир эмас.

Ўқитувчи замонавий ўсмир ривожланиши ва хулқ-атворининг ўзига хос хусусиятларини чуқур англаши, реал ҳаётнинг энг мураккаб ва қарама-қарши шароитларида ўзларини унинг ўрнига қўя олишлари керак. Бу



ўсмирларнинг ўқитувчи, мактаб ва жамиятдан узоқлашиб бораётган бегоналашувини енгишнин энг тўғри йўлидир. Ўрта мактаб ўқувчиси аргументни тушунишга, унинг асослилигини текширишга ва асосли далилларга рози бўлишга қодир. Мактаб ҳаётини инсонпарварлаштириш, жамоани эркин танлаш, ўз хоҳишига кўра фаолият, ўқиш мавзуси, таълим муассасаси - буларнинг барчаси ўсмирнинг ўзини намоён қилиши, ўзи учун муҳим бўлган эътиқодни тасдиқлаши, тенгдошлари ва катталар билан ўзаро мулоқот қилиш ва тушуниши учун қулай шарт-шароит яратади.

Катта мактаб ёши ўз ичига 15-18 ёшли ўқувчиларни қамраб олади. Бу ёшда ўспириннинг жисмоний ривожланиши асосан якунланади: скелет ўсиши ва мустаҳкамланиши тугайди, мушаклар кучи ошади ва болалар катта юкларга ҳам бардош бера олади. Қон босими ўрнатилади, ички секресия безлари ритмик ишлай бошлайди. Ўрта мактаб ёшида балоғатга етишнинг биринчи даври тугайди. Ўсмирда қўзғалувчанликни оширадиган қалқонсимон без фаоллиги

сезиларли даражада заифлашади. Мия ва унинг юқори бўлими - мия ярим шари функционал ривожланиши, организмнинг умумий «пишиши» давом этади.

Ўспиринлик эътиқод, характер ва ҳаётда ўз йўлини белгилаш даври ҳисобланади. Ёшлик - бу ўз-ўзини тасдиқлаш ва англашнинг тез ўсиши, келажакни белгилаш, изланиш, орзу ва умидлар давридир.

Ҳаётда муваффақиятга эришиш учун муҳим саналган билимга бўлган эҳтиёж бугунги ўрта мактаб ўқувчисининг энг характерли хусусиятларидан биридир.Бу ақлий жараёнларнинг ривожланиши ва ишлашини белгилайди. Идрок - мақсадга мувофиқлик, диққат, ўзбошимчалик ва барқарорлик, хотира эса мантиқий табиати билан тавсифланади. Ўрта мактаб ўқувчилари тафаккури умумлаштириш ва абстракциянинг юқори даражаси билан ажралиб туради ва у аста-секин назарий ва танқидий йўналишга эга бўла боради.

Ёшлик - барча ақлий фаолиятнинг гуллаш даври. Ўрта мактаб ўқувчилари табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларининг моҳиятига кириб боришга, уларнинг ўзаро боғлиқлигини тушунтиришга интилади. Бу деярли ҳар доим ўз нуқтаи назарини ривожлантириш, содир бўлаётган воқеаларга ўз баҳосини бериш истаги билан бирга кечади.

Ўғил болалар ўсмирлик даврида асосан жисмоний кучни қадрласа, ўрта мактаб ўқувчилари эса интеллектуал фазилатларни ҳурмат қилди. Бошқаларга қараганда, ақлий ҳушёрлик, топқирлик, муаммони чуқур ҳис қилиш ва уни ҳал қилиш учун зарур бўлган материални тезда бошқариш қобилияти қадрланади.

Ўсмирлик ва ўспиринлик даврларида шахсни ҳар томонлама баҳолаш қобилияти шаклланади. Ўспиринлар ақлли, яхши фазилатлар соҳиби, жисмонан баркамол, ташқи жиҳати жозибадор ва яхши хулқ-атворга эга бўлган одамларга ҳавас билан қарайди.

Ўрта мактаб ўқувчиси ахлоқий ва ижтимоий фазилатлари тез суръатлар билан шаклланади. Бунга нафақат ахлоқий камолот даври, балки янги муҳит фаолият характери

ўзгариши, жамият ва жамоадаги мавқеи, мулоқот интенсивлиги ҳам ёрдам беради. Ахлоқий тушунча ва баҳолар аниқроқ бўлиб, ахлоқий эътиқод мустаҳкамланади. Вояга етганлик ҳисси чуқурроқ ва ўткирроқ намоён бўлади. Ўз шахсини ифода этиш истаги кучаяди, баъзи ёшларда бу истак энг юқори даражага кўтарилади. Улар қандай бўлмасин бошқалар эътиборини жалб қилиш ва ўз шахсини тасдиқлашни хоҳлайди.

Ўсмирлик даврида жисмоний туйғуларга эътибор кучаяди. Биринчи севги ёшлар учун нафақат ҳаётий тажриба, балки уларни кўплаб мураккаб муаммоларни амалда ҳал қилиш кўникмасини пайдо қилади.



Ўрта мактаб ўқувчиларида хулқ-атворнинг онгли мотивлари мустаҳкамланади. Бу даврда, айниқса, шахснинг жамоадаги ҳолати, жамоа аъзолари ўртасидаги мулоқот ва муносабатлар характери муҳим аҳамиятга эга. Жамоа одатда шахсий фазилатларга “сайқал” беради, тўғрилайди ва маълум бир хусусиятларни шакллантиради. Жамоа ҳам салбий, ҳам ижобий фазилатларнинг пайдо бўлишига ҳисса қўшиши мумкин. Сўнгги пайтда жамиятда ёшлар ташкилотларининг роли ошди, улар ўз дастурларига кўплаб ўрта мактаб ўқувчиларини ҳам жалб этяпти. Ёшларнинг мавжуд воқеликка танқидий муносабати кучайди, баҳолаш мезонлари, ўқитувчи ва катталарга қўйиладиган талаблар ортди.

Касб танлаш арафасида турган ўрта мактаб ўқувчилари ҳаётий режаси, қизиқиш ва ниятлари keskin фарқ қилиши билан ажралиб туради. Тўғри ҳар бир инсон ҳаётда ўз ўрнини топишни хоҳлайди. Ишла, яхши пул топ ва бахтли оилага эга бўл. Сўнгги йилларда касблар «нуфузи» қайта баҳоланиб, янги иқтисодий шароитларга ўтиш жараёни ёшларни ташвишга солиб келаётгани сир эмас. Яхши

касб - бу ўз қобилиятини рўёбга чиқариш ва яхши пул топиш мумкин бўлган касбдир.

Таълим мақсади келажакда инсон учун асқотадиган умумий ва касбий билимларни ўзлаштириш ҳисобланса, тарбиянинг мақсади эса умумий ва махсус хулқ, феъл-атвор шаклларини ўзлаштиришдан иборатдир.

Хулоса қилиб айтганда, умумтаълим мактаблари ўқувчилари хулқ ва феъл-atворини тарбиялашда уларнинг ёш хусусиятларини инобатга олиш яхши самара беради.



# КОГНИТИВ ВА ФИКРЛАШ ФАОЛЛИГИНИ ТАРБИЯЛАШДА АЖДОДЛАР МЕРОСИНИНГ ЎРНИ



*Роҳатой САФАРОВА,*
*Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти "Миллий тарбия, мутафаккирлар ва жадидларнинг педагогик таълимотлари" илмий-тадқиқот бўлими мудири, п.ф.д., профессор.*

Ҳар қандай халқ мероси ёш авлоднинг маънавий – ахлоқий ривожланиши ва ўзлигини англаши учун методологик манба вазифасини ўтайди. Чунки унда миллат фахри ва ғурури бўлган аждодлар ақл-идроки, тафаккури, маънавияти ва маданияти намоён бўлади. Маънавий-ахлоқий мерос авлодлар тараққиётида муҳим ўрин тутади. Уларни маънавий-интеллектуал фаолликка ундайди. Мазкур фаоллик когнитив фаоллик сифатида намоён бўлади.

Когнитив фаоллик ўқувчиларнинг ҳақиқий билим олиши ва уларда фаолият тажрибаси ҳосил бўлишига хизмат қилади. Шахс когнитив фаолияти муайян даражаларга эга бўлиб, унинг ақлий тараққиётини таъминлайди. У ҳиссий билиш – сезги, идрок, тасаввур орқали ҳосил қилинади, рационал билиш – тушунча, мулоҳаза, ақлий хулосалар воситасида назариялар тарзида намоён бўлади. Шунингдек, инсон билиш фаолиятининг кундалик, бадиий, илмий даражалари ҳам мавжуд. Илмий билиш фаолияти табиат ва жамиятнинг ўзига хос хусуситларини билишга қаратилган. Шунга кўра когнитив фаолият муайян йўналиш, аниқ мақсад ва вазифаларига эга бўлади.

Шахс когнитив фаоллик ёрдамида тарихий, маданий, ижтимоий тажрибанинг моҳияти, атроф олам, ундаги воқеа-ҳодисаларни тўлақонли тарзда англайди. Ўқувчилар эса когнитив фаолият жараёнида тарихий тажриба, воқеа-ҳодисалар мазмун-моҳиятини англаш билан бирга унга у ёки бу даражада жавоб

қайтаради. Инсон билиш жараёни аниқ билимлар ёрдамида ривожланади. Ўқувчилар мутафаккир аждодларимиз мероси ёрдамида билишнинг турли шаклларини ўзлаштиради. Бунга ақлий ва ҳиссий билишни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўқувчи ёшлар билиш фаолияти орқали маънавий-маданий, интеллектуал бойлик, аждодлар мероси ва халқнинг кўп асрлик ижтимоий тажрибаси



ҳамда қадриятларини эгаллайди. Инсон ўзлаштирган билим ва ижтимоий тажрибаларини тушунча, қонун, принцип ва назариялар сифатида талқин қилади ва кейинги авлодларга етказади.

Билиш жараёни муайян босқичларга эга. Босқичлар шахснинг дунёни англаш даражаси, билиш фаолиятининг шакл ва методларидан келиб чиққан ҳолда турли-туман бўлади. Шахснинг билиш фаолияти ўз характерига кўра ҳиссий ҳамда ақлий билиш шаклларига ажратилади.

Ҳиссий билиш жонли мушоҳададан иборат бўлиб, билимнинг дастлабки манбаидир. Ҳиссий билиш орқали шахс онгида нарса ва ҳодисалар тўғридан-тўғри акс этади. Ҳиссий билиш сезги, идрок, тасаввур каби муайян шакллардан иборат бўлади. Ҳиссий билишда нарса ва ҳодисалар шахс онгида алоҳида акс этади. Шунинг учун ҳам улар орасидаги алоқадорлик баъзи ҳолларда шахс эътиборидан четда қолади. Инсоннинг сезгилари ақлий билиш манбаи ҳисобланади. У муайян далилларга асосланади. Ушбу жараёнда буюм ва ҳодисалар орасидаги алоқадорлик намоён бўлади.

Маълумки, инсон тафаккури нисбий мустақилликка эга.

Шунинг учун ҳам тафаккур мантиқий хулоса чиқаришга кўмаклашади. Инсон ҳиссий билишдан ақлий билишга ўтганда, унинг билиш фаолияти сифат ўзгаришига учрайди. Ақлий билиш – тушунча, ҳукм ва хулоса шаклида намоён бўлади. Илмий билиш жараёнида эмпирик билиш билан назарий билиш уйғунлашади. Эмпирик билиш жараёнида инсон нарсаларга бевосита таъсир кўрсатади. Эмпирик билишнинг методлари сифатида кузатиш, тасвирлаш, тажриба ҳамда ўлчовларни кўрсатиш мумкин.

Назарий билиш жараёнида инсон ҳодисаларнинг мазмун моҳиятини чуқурроқ англашга муваффақ бўлади. Назарий билишнинг шакллари аниқлаш, моделлаштириш, абстракциялаш, формаллик, назариялар яратиш кабилардан иборат. Инсон билиш жараёнида мантиқий фикрлашнинг муайян методларидан фойдаланади. Улар ўрганилаётган объектга яхлит ёндашув ҳамда нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш жараёнини ифодалайди. Инсоннинг билиш жараёнида нутқ бирликлари ва турли шартли белгилар алоҳида аҳамият касб этади. Чунки уларда когнитив фаолият кўрсаткичлари акс этади.

Шахснинг билиш фаолияти муайян вазифаларни бажаради. Ўқув топшириқлари ёрдамида ўқувчиларда тарихий-маданий тажрибалар, ахборотлар ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилинади. Бу эса ўқув-тарбия жараёнида аждодларимиз меросига оид маълумотлар, билимларни ўзлаштириш имконини беради. Улардан фойдаланишга оид ижтимоий тажриба шакллантирилади.

Мутафаккир аждодларимиз инсоннинг билиш фаолияти билан боғлиқ муаммоларнинг ечимига қаратилган методологик ёндашувларни илгари сурганлар. Чунки улар, биринчи навбатда, таълим олувчиларнинг билиш имкониятларини кенгайтиришга эътибор қаратган. Бунинг учун таълим олувчилар олдига уларнинг ақлий тарбияси, изланувчанлигига қаратилган топшириқлар қўйишга ҳаракат қилганлар. Когнитив топшириқларни бажариш ўқувчилардан интеллектуал

фаоллик, эвристик изланувчанлик ҳамда идрок жадаллигини талаб қилади. Шу мақсадда мутафаккир аждодларимиз мактаб ва мадрасаларда таълим олувчиларнинг мустақил фикрлаш ва изланишга оид фаолиятларини тизимли тарзда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратган. Бунинг учун, биринчи навбатда, фикр тарбиясига устуворлик берилган. Шу мақсадда мутафаккирлар ўқувчиларни мустақил мутолаа билан шуғулланишга даъват этган. Мустақил мутолаа қилиш ва мантиқий машқларни узлуксиз бажартириш орқали таълим олувчиларнинг когнитив фаолиятини ривожлантиришга муваффақ бўлганлар. Натижада, ўқувчиларда ўз меҳнатидан қониқиш ҳисси, ижобий ҳис-туйғулар, муваффақият қозонишга интилиш каби сифатлар тарбияланган. Чунки X-XVI асрларда яшаган мутафаккирларнинг аксарияти мактаб ва мадрасаларда ёш авлодга таълим-тарбия берган ёки тарбия масалалари билан мунтазам шуғулланган. Таълим олувчилар янги ахборот ва билимларни ўзлаштириш билан бир қаторда, уларни кундалик ҳаётий фаолиятларига тадбиқ этганлар. Шунинг учун ҳам ўзлаштирилган билимлар ёш авлод учун тарбия манбаи сифатида хизмат қилган. Уларни хатти-ҳаракатлари ва шахсий сифатларига ижобий таъсир кўрсатган.

Улар бу масалага дидактик нуқтаи назардан ёндошган ҳолда, таълим олувчиларнинг ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган билимларни ўзлаштириш ва унга



амал қилишларини таъминлашга эришган. Бундай ёндашув мутафаккир аждодларимиз фаолиятида етакчи ўрин эгаллаган. Айниқса, мадрасада мударрислик қилган мутафаккир аждодларимиз таълим олувчилар томонидан билимларнинг чуқур ўзлаштирилиши ва уларнинг баркамол шахс сифатида шаклланиши учун тарбиявий восита бўлиб хизмат қилишига интилганлар. Когнитив фаолият таълим олувчиларда турли креатив ғояларнинг туғилиши ва уларда эмоционал кечинмаларнинг вужудга келишига асос яратади.

Шунга кўра мазкур фаолият шахсни фаоллик кўрсатиш ва позитив ҳаракатларни амалга оширишга ундайди. Бундай фаолиятга йўналтириш мақсадида аждодларимиз педагогик муҳитнинг идеал моделларини яратишга муваффақ бўлганлар. Таълим олувчилар эса мазкур жараённинг фаол субъекти сифатида фаолият кўрсатганлар. Чунки таълим олувчилар биринчи навбатда, ўзларини ўраб турган ижтимоий-педагогик муҳитнинг мазмун-моҳиятини англаган ҳолда, мақсадга йўналтирилган фаолиятни амалга оширишлари зарурлигини мутафаккир аждодларимиз қайта-қайта уқтирганлар. Ўз хатти-ҳаракатларининг моҳиятини англаш натижасида инсоннинг билим олиш, маънавий юксалиш, атроф муҳитдаги воқеликни англаш, маънавий-ахлоқий ҳамда интеллектуал ривожланиш эҳтиёжлари қондирилишини таъкидлаганлар.

Когнитив фаолиятга эгалик инсоннинг ўйлаш, фикрлаш, изланиш, воқеа-ходисаларни олдиндан кўра билиш лаёқатини кўрсатади. Аждодлар мероси эса



худди мана шундай лаёқатни тарбиялашга хизмат қилади. Ўзлаштирилган билим ва шахсий сифатлар когнитив фаолият жараёнининг маҳсули ҳисобланади. Мазкур жараён фаол, креатив, танқидий характер касб этиши учун ўқувчиларга уларни интеллектуал ривожлантириш, ўйлашга ундаш, мушоҳада қилиш, аниқ хулосалар чиқариш, таҳлил қилиш имконини берадиган дидактик материаллар тақдим этилиши керак. Бундай дидактик материаллар мавсирасига халқнинг кўп асрлик ижтимоий тажрибасини ўзида мужассамлаштирган тасаввуф адабиёти ва халқ педагогикаси намуналарини киритиш мумкин.

Марказий Осиёда яшаган буюк алломалар шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун тарбия воситалари ва уларни когнитив ўзлаштириш методларига алоҳида эътибор қаратганлар. Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Абу Наср Форобий каби мутафаккирлар ўз асарларида мазкур воситалар ва методларни ҳар томонлама таҳлил қилиб, унинг тарбиявий имкониятларини кўрсатганлар. Шахсни ҳар томонлама тарбиялаш учун ақлий ва интуитив билиш методларини қўллаш зарурлигини уқтирганлар. Эмпирик билиш методлари сирасига мутафаккирлар кузатиш, тажриба, тавсифлаш, ўлчаш кабиларни киритганлар.

Назарий билиш методлари сифатида эса абстракция, формаллаштириш, моделлаштириш кабиларни кўрсатганлар. Алломалар ҳар бир методнинг операционал, қадриятли жиҳатлари мавжудлигини эътироф этганлар. Методнинг операционал жиҳати шахснинг билимдонлиги, тарбияланганлик лаёқатини кўрсатади. Қадриятли жиҳати эса унинг самарадорлиги, аниқлиги, тушунарлилиги, ишончлилиги кабиларда намоён бўлади.

Аждодлардан авлодларга шах-сий иқтидор, нутқ, мақсадга йўналтирилган ҳолда меҳнат қилиш, фикрлаш фаолияти, фаолият жараёнида ўз хатти-ҳаракатларининг ижтимоий тажриба сифатида узатилишини кўрсатганлар.

Аждодлардан бир қатор сифатлар миллий менталитет

доирасида келгуси авлодларга ўтиши фанда исботланган. Миллий қиёфа, жисмоний қувват, қон гуруҳлари, иқтидор ва лаёқат, интеллектуал ҳамда маънавий-ахлоқий сифатлар шулар жумласидан.

Биологик хусусиятлар шахснинг ўзига хослиги ва фарқли жиҳатларини намоён этади. Мерос тушунчаси доирасида аждодлардан келгуси авлодларга ўтадиган бир қатор сифатлар назарда тутилади. Аждодлардан авлодларга ўтадиган хусусиятлар сирасига уларнинг когнитив фаоллиги ҳам киради. Аждодларимиз юксак ақл-заковат эгаси бўлганликлари туфайли ҳам уларнинг хусусиятлари ва интеллектуал имкониятлари маҳсули бўлган когнитив маънавий сифатлар ёш авлоднинг шахсий сифатларини тарбиялашнинг манбаи ҳисобланади.

Мутафаккир аждодларимиз томонидан яратилган улкан тарбиявий мерос ёш авлодни баркамол шахс сифатида тарбиялашга хизмат қилади. Бу эса уларнинг маънавий интеллектуал жиҳатдан ривожланиши учун педагогик асос яратади. Ўқувчи ёшларда маънавий ахлоқий сифатларни шакллантириш натижасида жамиятнинг маънавий қиёфаси таркиб топади ва соғлом маданий-ижтимоий муҳит вужудга келади. Таълим-тарбия мазмунида халқ ижтимоий тажрибасининг ифодаланиши ўқувчиларда когнитив фаолликнинг вужудга келишига асос бўлади ва таълим муассасасининг тарбиявий имкониятлари кенгаяди. Уларда қизиқишлар, лаёқатлар, иқтидорнинг тўлиқ намоён бўлиши учун шароитлар яратилади. Ўқувчиларда когнитив лаёқатларнинг шаклланишида аждодлар мероси ва мавжуд педагогик шарт-шароитлар муҳим ўрин эгаллайди. Аждодларимиз мероси асосида танланган дидактик воситалар ўқувчиларнинг сифатлари билан бир қаторда, уларнинг анатомик, морфологик хусусиятларини ҳам ривожлантиришга кўмаклашади.

Ўқувчилардаги ривожланиш кўрсаткичлари уларнинг интегратив характердаги лаёқатлари орқали намоён бўлади. Бу жараёнда ўқувчиларнинг

умумий ва индивидуал лаёқатлари ўзаро фарқланади. Умумий лаёқатлар ўқувчиларни маънавий-ахлоқий ривожлантириш билан боғлиқ вазиятларнинг муваффақиятли кечишини таъминлайди. Бу ақлий лаёқатлар, қўл ҳаракатларининг аниқлиги ва нозиклиги, хотиранинг ривожланиши, нутқ ва муомала маданиятининг такомиллашувида акс этади.

Махсус лаёқатлар эса шахснинг ўзига хос лаёқатлари сифатида намоён бўлиб, ўқувчиларнинг ўқув тарбия жараёнидаги фаолияти муваффақиятларини белгилайди. Бундай лаёқатнинг намоён бўлиши учун ўқувчиларнинг иқтидорини тарбиялаш лозим. Ушбу мақсадга йўналтирилган тарбиявий жараёнлар ўқувчиларнинг креатив, мантиқий ва танқидий фикрлаш, техник-ижодкорлик, ташкилотчилик иқтидорларининг намоён бўлишини таъминлайди.

Ўқувчиларнинг умумий ва махсус лаёқатлари бир-бирини бойитишини мутафаккир аждодларимиз кўрсатиб ўтганлар. Бунда иқтидорнинг аждодлардан авлодларга ўтишига ҳам эътибор қаратиш лозим. Масалан, поэтик, мусиқий, тасвирий фаолият, техник ижодкорликка оид лаёқатлар аждодларимиз



фаолиятида яққол намоён бўлган. Бундай лаёқатларни ёш авлодда тарбиялаш орқали унинг аждодлардан мерос бўлиб келаётган куртакларини ривожлантириш мумкин.

Аждодлар мероси воситасида ўқувчиларнинг когнитив соҳаларини фаоллаштиришда уларнинг қизиқишлари ва майлларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ота-оналар ва ўқитувчиларнинг болаларнинг ҳар бир ҳаракатини чуқур таҳлил қилишни тақозо этади. Уларда мавжуд бўлган иқтидор нишоналарини тарбиялаш ва

ривожлантириш ота-оналар ва педагоглардан ҳам масъулият талаб этади. Бу кўп жиҳатдан ўқитувчиларнинг тарбиявий жараёнларни мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этишларига боғлиқ.

Ҳар бир бола фаолиятнинг муайян турига қизиқади. Шунга кўра аждодлар тажрибасига кўра мазкур фаолият усулларини ўзлаштиради. Ота-оналар ва ўқитувчилардан болаларни аждодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтиб келаётган фаолият турларига қизиқтириш талаб қилинади. Бу ўз навбатида, аждодлар тажрибасининг давомийлиги ва миллатимиз вакиллари орасида иқтидорларни тарбиялашга масъулият билан ёндашишни таъминлайди. Ҳар бир ўқувчининг қизиқишларини рағбатлантириш асосида уларни ўзлари қизиқган фаолият турига жалб этиш лозим. Бунинг учун дастлаб ўқувчиларда когнитив фаолликни таъминлаш талаб қилинади.

Ҳар бир шахснинг иқтидори муайян фаолият орқали намоён бўлади. Мутафаккир аждодларимиз санъат ва фаннинг муайян соҳасида фаолият кўрсатиб, бутун дунёга ўзбек миллатини танитишга муваффақ бўлганлар. Миллатимизнинг ҳар бир вакилида миллий ғурур туйғусини тарбиялаш учун асос яратади ҳамда ўқувчиларда когнитив фикрлаш фаолиятининг ривожланишини таъминлайди. Иқтидор муайян фаолиятни муваффақиятли бажариш орқали намоён бўлади. Ушбу фаолиятни инсоннинг ўзи мавжуд билимлари, шарт-шароитлари, қизиқишлари, мотивлари ҳамда ижтимоий тажрибадан келиб чиққан ҳолда танлайди. Инсоннинг ушбу фаолият турида муваффақият қозониши унинг билим даражаси, ўзлаштирган ижтимоий тажрибасига бевосита боғлиқ. Ўқувчиларда интеллектуал фаолият ва когнитив фаолликнинг ривожланишида халқнинг ижтимоий тажрибаси муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида, ижтимоий тажриба аждодлар меросида мужассамлашган бўлиб, кўп асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб, бойиб, ривожланиб боради. У аждодлар тафаккури маҳсули ҳисобланади.





# ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ШАХС, УНИ ТАРБИЯЛАШ, ЎҚИТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАҚИДАГИ ПЕДАГАОГИК ҒОЯЛАРИ

*Ҳилолахон ТОЖИБОЕВА,*
*Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти директорининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари, педагогика фанлари доктори (DSc), профессор*

Ёшларнинг шаклланиши ва маънавий камолоти барча даврда ҳам долзарб масала ҳисобланган. Шунинг учун ҳам аждодларимиз фарзандларнинг камол топиши, билим эгаллаши, юксак маънавиятли бўлишига эришиш мақсадида ўзларининг қимматли қарашлари ва фикрларини баён қилганлар. Уларнинг турли сохта таълимотларга берилишига йўл қўймасликка ҳаракат қилганлар. Жумладан, йирик аллома ва ватанпарвар Нажмиддин Кубро педагогик фикр тараққиётига катта ҳисса қўшган. Унинг мақсади одамларни жисмонан, ақлий, руҳий-маънавий жиҳатдан етук шахс сифатида тарбиялашдан иборат бўлган. У тариқат ва саховатлиликни ўзаро уйғунлаштирган, ахлоқий поклик, мардлик, ҳожатбарорлик ғояларини тарғиб этган. Илоҳни севиш билан яхши инсонларни севишни бирга олиб қараган, нафсни қаттиқ қоралаган.

Билиш назариясида ақлий ва ҳиссий-интуитив билишни бирлаштирган, тасаввуфда ҳушёрлик (саҳв) маслагини танлаб, беҳуд – девоналикни инкор этган. У инсонни кичик олам деб, унинг камолоти чексиз эканини таъкидлаган. Нажмиддин Кубро таълимотини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва унинг Ўрта Осиё маънавий педагогик фикр тараққиётидаги аҳамиятини кўрсатиш учун илгари сурган ғояларни бугунги давр нуқтаи назаридан ёндашган



ҳолда ўрганиб, турли тадбирлар ёрдамида ўқувчи-ёшлар онгига етказиш лозим. Чунки Нажмиддин Кубро қарашларини ўрганиш ва билиш ўқувчи-ёшларнинг миллий ўзлигини англаши учун катта аҳамиятга эга.

У ўзининг ахлоқий қарашларини “Фавойиҳ ал-жамол ва фавотиҳ ал-жалол” (“Жамол хушбўйиликлари ва жалолнинг кашфи”), “Ал-усул ал-ашара” (“Ўнта усул”), “Фи одобус соликин” (“Солиҳлар одобида”) номли китобларида баён қилган бўлиб, педагоглар ушбу асарлар билан яқиндан танишишлари лозим

Нажмиддин Кубро ўз асарларида тафаккурга асосланган ақлий билимни ривожлантиришга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаган. Аллома инсон руҳий кечинмалари, нозик ҳолатларини пухта билган. Шу асосда «латоиф» (“нозик таъблилик”) назариясини ишлаб чиққан. Бу назарияга кўра, инсон руҳи кўзга кўринмас латиф марказлардан иборат. Бу онг ва туйғу, руҳ ва жисм орасидаги ҳолат. Уни илғаб олиш мушкул. Аммо инсон ҳаёти ва кундалик фаолиятида ушбу қарашлар муҳим аҳамиятга эга.

Нажмиддин Кубро ирфоний ҳикмат ва инсоний поклик, илоҳий маърифат ғояларини бутун Шарққа тарқатган мутафаккир сифатида фаолият кўрсатган бўлиб, унинг қарашлари бугунги кунда ўсмирларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришда алоҳида ўрин

тутади.

Ўз ғоялари билан баркамол шахс тарбияси борасида алоҳида ўрин эгаллаган мутафаккирлардан бири Ҳусайн Воиз Кошифийдир. Ҳусайн Воиз Кошифий “Ахлоқи муҳсиний”, “Ахлоқи Карим”, «Суҳайлий», «Жавоҳирнома», “Рисола дар илми эъдод” (“Сонлар ҳақида рисола”), “Равзат уш шуҳадо” (“Шаҳидлик боғи”), “Ойнаи Искандарий”, “Тафсири Ҳусайний”, “Рисолати Ҳотамий ёки Китоби Ҳотамнома” (“Ҳотамтой ҳақида рисола”), “Саҳифаи шода”, “Бадоэ ал-афкор фи санноэ ал ашъор” каби асарларида ахлоқий тарбиянинг назарий асосларини ёритган. Унинг таъкидлашича, одоб қалбни ёмон сўзлар ва ножўя хулкдан сақлай олиш, ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қила билишдир. Кошифий тарбияда ота-оналар ва педагогларнинг тарбия соҳасидаги вазифаларини белгилаб берган. Ўсмир ёшидаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришда Кошифийнинг қарашларидан фойдаланиш ижобий самара беради.

Бу борада “Ахлоқи муҳсиний” асари педагогик аҳамиятга эга. Асарда, асосан, ёшларнинг таълим-тарбияси ҳақида фикр юритилган. Таълим-тарбия инсонда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш омили эканлигини мутафаккир алоҳида таъкидлайди.

“Бурчни бажармоқлик бу инсоннинг олийжаноблигидан ва юксак даражада билимдонлигидан далолат беради”, - дейиш билан Кошифий инсоний бурчни, билимдонликни улуғлайди. Билимдон инсон ўз бурчини тушунади, бу унинг олийжаноблигини намоён қилади. Кошифийнинг бу фикрлари бугунги кун учун ҳам педагогик қимматга эга.

“Одоб, бу – қалбини ёмон сўзлардан ва ножўя хулкдан сақлай олиш, ўзини ва ўзгаларни



ҳам ҳурмат қила билиш, шу билан бирга ўзини ва ўзгаларни обрўсини тушурмасликдир”. “Ёлғончилик сени жарликка етаклайди, ростгўйлик эса бахтсизликдан сақлайди”, - дейди Кошифий. У ижобий фазилатларни мақтаб, инсонларга зарур, деб ҳисоблайди. Инсон ёлғончилик, хасислик, адолатсизлик, виждонсизлик каби хислатлардан холи бўлиши керак, деб насиҳат қилади Кошифий. “Инсоннинг ахлоқсизлиги унинг ўзигагина эмас, балки ўзгаларга ҳам салбий таъсир қилади”; “Одоб – олтиндан қиммат”; “Виждони, номуси, диёнати бўлмаган киши дунёда бўлган ҳамма ёмонликни қилишга тайёрдир”, - дейди Кошифий.

Кошифий ёшларда софдиллик, ростгўйлик, сахийлик, виждонлилик, иродалилик, қатъиятлилик каби фазилатларни шакллантириш зарур, деб ҳисоблайди. У хасис, тамагир, очкўз, дилозор, пасткаш, туҳматчи, сотқин, ёлғончи, лақма кишиларни ахлоқсиз кишилар сирасига киритади.

Воиз Кошифий ўз қарашларида инсон маънавиятининг бир қатор масалаларига эътибор қаратган. У, биринчи навбатда, инсонда олийжаноблик хусусияти бўлиши зарурлиги ҳақида тўхталган. Оқ кўнгиллилик, бағрикенгликни ҳам одоб меъёри, деб ҳисоблайди. “Софдиллик, сабрлилик, ростгўйлик, сахийлик, меҳнатсеварлик инсоннинг баркамоллиги ва ўзини англашидан далолат беради. Софдиллик, ростгўйлик ва мурувватлилик бехатарлик ва ишонч гаровидир” – деб уқтиради Кошифий. Бу фикри билан у ёшларни қора кўнгил, ёлғончи, тамагир, пасткаш, нокас, гап ташувчи, лақма бўлмасликка, мард, олижаноб, сахий бўлишга чақиради. Бундан ташқари, Воиз Кошифий, айниқса, инсондаги ростгўйлик ва меҳнатсеварлик хислатларига кенг тўхталади. Мутафаккирнинг таъкидлашича, инсонийликни белгилайдиган энг асосий жиҳатлардан бири – бу ростгўйликдир. Кошифий ахлоқнинг бу жиҳатига алоҳида эътибор қаратганлигининг сабаби шундаки, у яшаган даврда ёлғончилик, бир-бирини алдаш, ота болага, ака укага қарши кураш олиб бориш каби салбий жиҳатлар

кенг ёйилган эди. Кошифий ҳалққа бахтсизлик, давлатга зарар келтирувчи ёлғончи, ишёқмас, хасис, сотқин кишиларни етти гуруҳга ажратади.

"Ахлоқи муҳсиний" асарининг мазмунини белгиловчи яна бир ахлоқий хусусият бу инсонпарварликдир. Кошифий инсонни ҳурматлаш, эъзозлаш, ғамхўрлик қилиш фақат яқинлик, қариндошлик учунгина эмас, балки бу энг муҳим одамийликдир, деб ҳисоблайди. Шунингдек, унинг дўстлик ҳақидаги мулоҳазалари ҳам жуда ибратлидир. "Инсон дўстлари бирор нарсага муҳтож бўлиб қолсалар, уларга ёрдам қўлини узатиши, ҳеч нарсасини дўстларидан аямаслиги керак". Кошифийнинг мазкур фикрлари "оммавий маданият"нинг салбий оқибатлари кенг тус олган бугунги кун учун ҳам аҳамиятлидир. Чунки "оммавий маданият" таъсирида худбин, манфаатпараст, ёлғончи, ота-онаси ва дўстларини ҳурмат қилмайдиган шахсларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли кучаймоқда. Бундай иллатларга барҳам бериш учун буюк аждодларимизнинг таълимотларига таяниш лозим. Унинг бунга ўхшаш кўплаб фикрлари барча даврлар учун ҳам қадрлидир. Чунки инсон объектив оламдаги энг буюк мавжудотдир. Уни эъзозлаш, бир-бири билан ҳамкорлик қилиш, бошқача айтганда жамоавийлик, халқлар дўстлиги туйғуси "оммавий маданият" кенг авж олган айни кунларда ҳар бир кишининг ахлоқий меъёри, бурчига айланиши керак. Воиз Кошифийнинг инсоний бурч, ота-она қадри ҳақидаги фикрлари ҳам салмоқли ва бугунги кунда ўсмирларнинг маданий онгини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ақидапарастлик, фундаментализм, диний фанатизм, миллатчилик каби бир қатор салбий ҳолатлар бутун дунёдаги ёшлар хатти-ҳаракатида яққол намоён бўлмоқда. Бугунги кунда ахлоқсизликни маданият, деб билиш оддий ҳолга айланмоқда. Ўзбек халқининг асл маънавий қадриятларини менсимаслик, уларни эскилик сарқити сифатида баҳолаш инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёш авлод тарбиясига катта хавф солмоқда. Шунинг учун ҳам "оммавий маданият"нинг

мазмун-моҳиятини очиб бериш, педагоглар ва ота-оналарни унинг асл моҳияти ва зарарли оқибатларидан хабардор қилиш зуруряти кучаймоқда. Биз бугун аждодларимиз меросига таянган ҳолда маънавий тарбияга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.





# МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР - ОДОБ-АХЛОҚ МЕЗОНИ

*Муҳайё УМАРАЛИЕВА,*
*Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти "Илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш илмий-тадқиқот" бўлими бошлиғи, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD), катта илмий ходим*

Тарихчи Геродотни Шарққа қилган сафари чоғида Миср эҳромларида дуч келган "Ёшларнинг тарбияси бузилиб кетяпти. Нима қилмоқ керак?!", деган битик ниҳоятда ажаблантирган. Муаррихнинг бу ёзувни ўқиганига, табиийки, икки минг йилдан ошиб кетди. Ёзувнинг битилганига эса ундан ҳам кўпроқ вақт ўтгани эҳтимолдан холи эмас. Демак ёшлар масаласи ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмаган, унга барча даврларда турли даражада муносабат билдирилган.

Улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий ёшларга мурожаатномасида, жумладан, бундай ёзади: "... Ушбу тараққий этган замонда илмсиз, маърифатсиз, қуруқ таассуб билан яшаб бўлмайди. Ҳозирги замонавий тараққиёт ва ривожланиш шундай кучли бўлмоқдаки, озгина фурсат ўтар-ўтмас қуруқ ва чириган таассубларимизни илдизи билан қўпориб ташлайди. Шунинг учун барча ёшларимиз бу борада бир нарсага таянишлари мумкин. Бу нарса илму маърифатдир". Эътибор қаратинг, бу гаплар гўё бугун, бугунги кун учун айтилгандай.

Зеро, ёшлар тарбияси бугунги кун учун ҳам асосий ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ёшларнинг қизиқишлари, орзу-умидлари, ўз келажагига қарашлари, улар жамиятда қандай ўринни эгаллашни хоҳлаши билан боғлиқ бўлган жараёнларни кузатиш, таҳлил қилиш, бу хусусда тўлиқ ва холис маълумотга эга бўлиш бугунги кунимиз учун ҳам ниҳоятда муҳим масала саналади.

Социолог ёхуд жамиятшунослар ҳам асосий эътиборни ёшларга қаратган, уларга ўзига хос маданий хусусиятлар, қизиқишлар, қадриятлар ва ўзини тутиш меъёрларига эга бўлган ижтимоий гуруҳ сифатида қараган, навқирон авлоднинг ўзига хос муаммолари, уларнинг ижтимоий илдизлари



ҳақида фикр юритган.

Илмий таҳлиллар ёшлар муаммоларини алоҳида ижтимоий гуруҳ сифатида тадқиқ қилиш уни ўрганишнинг асосий методологик принципи эканини кўрсатмоқда. Ёшлар жамиятнинг таркибий қисми, унинг ўзига хос гуруҳи сифатида намоён бўлади. Шу боис навқирон авлод шаклланиши ва ҳолатини унинг асосий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда аниқ бир жамият доирасида таҳлил қилиш зарур.

Миллий мафкура билан боғлиқ вазифалар тарбиявий жараёнда махсус ташкил этилган маънавий-маърифий ишлар воситасида амалга оширилади. Тарбиявий жараён таълим муассасаларида ўзига хос маъно касб этади. Таълим муассасаларида илғор миллий, маънавий-ахлоқий қадрият ва мезонлар, халқ педагогикаси, маросим, байрам ва ўйинлар тарбиявий жараён асосини ташкил этади.

Таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари миллий истиқлол ғояси билан қуролланган бўлиб, уни ҳар бир ўқувчи онгига етказиш малакаси ва маҳоратига эга бўлиши лозим. Баркамол шахс тарбияси барча даврда ижтимоий жамиятнинг муҳим талаби ва асосий мақсади бўлиб келган.

Таълим муассасаларида тарбиявий жараённи ташкил этиш ва ўтказишда тарбия технологиялари ёки интерфаол услублардан фойдаланиш ўқувчида ўз юртига меҳр-муҳаббат, оилапарварлик, касбий фидоийликни шакллантиришга ёрдам беради. Тарбиявий жараён

умумий ўрта, ўрта-махсус ва касб-ҳунар, олий таълим муассасаларида ўзига хос аҳамият касб этади.

Тарбия – шахсни шакллантиришга йўналтирилган, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорлиги учун махсус ташкил этилган, бошқариладиган ва назорат қилинадиган, ўзининг пировард мақсади сифатида шахсни шакллантирадиган жараён саналади. Тарбия жараёнининг энг асосий мақсади ва натижаси ҳар томонлама ва уйғун камол топган юксак маънавиятли шахсни шакллантиришдан иборат.

Таълим муассасаларида тарбиявий жараённи ташкил қилиш ва муваффақиятли давом эттириш учун зарур бўлган тарбиявий иш услублари, билим, малака ва маҳорат тизими, замонавий педагогик технологияларни тарбиявий ишлар амалиётида қўллаш билан боғлиқ масалалар педагогик жамоалар учун энг муҳим муаммо бўлиб қолмоқда. Ўқувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан тарбиявий ишлар технологиясини тўғри ташкил қилиш ва қўллашга боғлиқ.

Бу эса таълим муассасаларида тарбиявий ишларни амалга ошириш услубини замонавий педагогик технологиялар асосида олиб боришни тақазо этади. Таълим муассасаларида тарбиявий ишлар технологияси ижодий ёндошув, мустақил фикрлаш, моҳирона ҳаракат, ўқитувчи ва



ўқувчи ҳамкорлиги, тарбиявий ишларда энг фаол шакл, усул ва услублардан фойдаланиш, доимий ва жамоавий фаолиятни тақазо этади. Таълим муассасаларида тарбиявий ишлар услубиёти ва уни амалга оширишнинг педагогик технологияси лойиҳалаштириш, амалга ошириш, назорат ва таҳлил қилиш каби ҳаракат ва амалиёт кетма-кетлигидан иборат бўлади.

Билимли, маънавияти юксак ва соғлом ёшлар мамлакатимиз келажаги саналади. Бундай

авлодни тарбиялаб вояга етказишни эса, асосан, педагог-ўқитувчилар амалга оширади. Педагог-ўқитувчилар ёшларни юксак маънавиятли, комил инсонлар этиб тарбиялаш билан бирга, уларни дунёвий билимлар билан қуроллантиради, келажак ҳаётга тайёрлайди. Демак, Ватан келажаги, унинг равнақи кўп жиҳатдан ўқитувчи-устозлар бераётган билим миқёси, мазмун-моҳияти ва ҳаётийлигига боғлиқ. Ёшларимизда замонавий билим ва малакаларни шакллантириш, касбга ўргатиш, уларни одоб-ахлоқли, маънан юксак, жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш, иродасини мустаҳкамлаш бугунги куннинг муҳим вазифасидир.



# ТАРБИЯДА МАКТАБ-ОИЛА-МАҲАЛЛА ҲАМКОРЛИГИ

## *УНДАН КУТИГАН АСОСИЙ МАҚСАД – КОМИЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШ*

Болаларни тарбиялаш ота-онанинг муқаддас бурчи саналади.

*Лобархон ҚОРАХОНОВА,*
*Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти бўлим мудири, (DSc)*

Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънавий етук, ҳар томонлама уйғун ва баркамол ривожланган, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятга, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун маъсулиятни ўз зиммасига оладиган ёш авлодни тарбиялаш асосий мақсад ҳисобланади. Ҳозирда ёшларимизнинг барқарор ҳаёти учун янгича «тарбия» усул ва шаклларини яратиш кучли ижтимоий зарурият сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилган асосий масалалардан ҳисобланади.

Оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигида олиб борилган маънавий-ахлоқий ишлар сифати ўқувчи-ёшларнинг тарбияланганлик даражаси билан қийматли сналади.

Умумий ўрта таълим муассасаларида тарбия механизмларини такомиллаштириш, маънавий тарбия самарадорлигини баҳолаш ҳамда маънавий-ахлоқий тарбия муаммоларини самарали ҳал этишда педагогик ҳамкорлик муҳим ўрин тутади. Жамият маънавий-ахлоқий муҳитини такомиллаштиришда ўқитувчи — ўқувчи — ота-она, жамоатчилик ташкилотлари — ўқувчи — ўқитувчи, таълим муассасалари — ўқувчи — маҳалла органлари,

маҳалла органлари – ўқувчи — ота-оналар фаолияти муштараклиги ёхуд педагогик ҳамкорлик муносабатлари асосий таянч омиллар саналади.

«Ахлоқ» (лотинча – хулқ-атвор маъносини билдиради) ижтимоий онг шаклларидан бири бўлиб, ижтимоий муносабатлар ҳамда шахс хатти-ҳаракатини тартибга соладиган қонун қоидалар мажмуидир. Ахлоқ — маънавиятнинг таркибий қисми сифатида шахс камолотининг юқори босқичи саналади. Зеро, ахлоқ ёхуд ахлоқий меъёрларсиз



шахс руҳий ва жисмоний етуклиги мезони бўлган маънавий камолотга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам маънавий-ахлоқий тарбияда узвийлик, алоқадорлик диалектик характерга эга бўлиб, шахснинг маънавий-ахлоқий шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Ёш авлодни ахлоқий, маданий-маърифий жиҳатдан етук инсонлар қилиб тарбиялаш оиладан бошланади. Баркамол авлодни тарбиялашда ота-она, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик каби хислатлар билан бирга диний ва миллий бағрикенглик, юксак маънавият эгаси ҳамда бошқа миллатларга нисбатан ҳурмат билан қарайдиган, инсоний қадр-қимматни эъзозлайдиган қилиб тарбиялашда уч асосий омил – оила, маҳалла ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда ўқувчи маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламида глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин. Ҳар бир ота-она ўз фарзанди камолини кўриш учун уни вояга етказади, албатта, бу жараён ўз-ўзидан амалга

ошмайди.

Келинг, «Нима эксанг, шуни ўрасан» деган халқ нақлини бошқача, яъни «Нима ўришни хоҳласанг, шуни эк», шаклида талқин қилиб кўрайлик. Ота-она фарзандига мол-мулк, уй-жой, автомобиль ёки бошқа моддий бойликларни бера олиши мумкин, лекин тарбия ёхуд бахтни ҳамма ҳам ҳамиша топиб бера олмайди. Бу, энг аввало, уларнинг ўзлари қандай тарбия кўрганлик даражаси билан бевосита боғлиқ жараён саналади. Бир куни ота ўғлини етаклаб кетаётиб, "ўғлим қадамингни ҳамиша ўйлаб бос" деб насиҳат қилса, ўғли "ота сиз қандай йўлдан юрсангиз мен ҳам ана шу йўлдан юраяпман, сизга эргашаяпман», деб жавоб берган экан.

Педагогик адабиётларда педагогика ибораси «бола етакламоқ» маъносида талқин қилинади. Демак, биз педагоглар фаолиятимиз жараёнида болаларни етаклаб юрамиз, биз қандай қадам боссак, фарзандларимиз ҳам шу йўлдан юради. Бу тарбиянинг ибрат-намуна усулига мисол бўла олади. Таълим-тарбия масаласи ҳар доим кун тартибидаги масалалардан бири бўлиб келган ва шундай вазифа бўлиб қолади. Чунки янги авлодлар дунёга келади ва улар ҳам таълим-тарбияга эҳтиёж сезади.

Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, ўз Ватани ва халқига содиқ фуқарони шакллантириш бўйича мактабларнинг ота-оналар, оилалар, маҳалла қўмиталари, Маънавият ва маърифат маркази бўлинмалари, жамоат ташкилотлари ва жамғармалар билан мустаҳкам ўзаро ҳамкорлигида амалга оширилади.

Болаларнинг маънавий баркамол ва жисмоний соғлом бўлишларида, айниқса, оила муҳим ўрин тутади. Соғлом ижтимоий муҳитни яратиш, миллий руҳ ва турмуш тарзини ҳисобга олган ҳолда фарзандларда ота-она, Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, болаларнинг қизиқиши, иқтидори ва эҳтиёжларини ҳисобга олган касбга йўналтириш, уларни мустақил фикрлашга ўргатиш, истиқлол ғоялари ва миллий мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш, болалар

бўш вақтларини тўғри ташкил этиш ва уларнинг қўшимча таълим олишларига шарт-шароит яратиш, улар онгига санитария-гигиена ҳамда экологик билим ва кўникмаларни сингдириш, диний ақидапарастлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандликка қарши тарбиявий ишларни амалга ошириш оила маданиятини ошириш ва уларга умумий тарбияга оид билим бериш давримизнинг долзарб масалаларидан биридир. Оилаларни тарбия педагогикаси ютуқлари билан таништириш, уларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш асосий вазифалардан бири саналади. Ота-оналар



зиммасидаги муҳим вазифалар саналади.

Давлатимиз оилага ҳамиша жиддий эътибор қаратиб келган. Шу боис давлат оилага ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам бериб, оилавий тарбияни мактаб ва жамоатчилик билан уйғунлаштиришдан манфаатдор.

### *Оила вазифалари*

Оила тарбиясида ота-оналарнинг тарбия борасидаги ва оилаларни тарбияга оид билимлар, тарбия услублари билан қуроллантириш ниҳоятда зарур.

Тарбия жараёнида ота-она ва ўқитувчиларнинг болаларни ижтимоий фойдали ишларга тортиш борасидаги масъулияти ниҳоятда муҳим. Тарбияга оид билим фақат ота-оналар иши бўлиб қолмай, балки кенг жамоатчилик, кенг маънода

давлат аҳамиятига молик ишдир.

Оиланинг энг муҳим хусусият ёхуд вазифларидан бири келажак авлодни кўпайтиришдан иборат. Оила болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш борасида ижтимоий ташкилотлар билан ҳамоҳанг ҳолда фаолият юритмоқда.

Оила тарбияси муаммоларини тадқиқ этиш, асосан, икки йўналишда олиб борилмоқда. Биринчи жиҳати оила тарбияси масаласи педагогиканинг анъанавий қисми сифатида ўрганилмоқда. Иккинчи томондан оила социология ва филология йўналишида ҳам тадқиқ этилмоқда.

Мамлакатимизда айни пайтда оиланинг ижтимоий аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Оиланинг моддий эҳтиёжини қондириш асосида болалар



тарбияси учун жавобгарлик кучайтириляпти. Бугунги кунда оила мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган ахлоқий руҳий алоқалар жуда муҳим саналади. Айни шу алоқадорлик оилавий муносабатлар, тўлақонли ҳиссий-эмоционал, оталик ёки оналик, бир сўз билан айганда, бахтли оилани барпо қилишга хизмат қилади.

## *Маҳалла вазифалари*

Таълим муассасалари билан биргаликда таълим-тарбия жараёнида амалга оширилиши керак бўлган масалаларни муҳокама қилиш, оқилона ечимлар топишда фаоллик кўрсатиш, фарзандлари тарбияси билан етарлича шуғулланмайдиган ота-оналарни маҳалла йиғинларида муҳокама қилиш, уларга жамоатчилик таъсирини ўтказиш, лозим ҳолларда бундай ота-оналар билан тегишли профилактик тадбирларни белгилаш мақсадида маҳалла фаолларини бириктириш ёки қонун доирасида бошқа чоралар кўриш маҳалланинг муҳим вазифаларидан бири саналади.

Бундан ташқари ёшлар

диний мазҳаб ва секталар, ақидапарастликнинг салбий таъсирини тўғри англаб етишида уларга ота-оналар орқали таъсир кўрсатиш, улуғ аждодларимизнинг тарбиявий ўгитларини сингдириб боришга кенг жамоатчиликни сафарбар қилиш, маҳалла ҳудудидаги нотинч оилаларни аниқлаш ва уларда содир этилиши мумкин бўлган келишмовчилик ва низоларнинг олдини олиш ҳам ана шундай вазифалар сирасига киради.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳаллаларнинг мавқеини юксалтириш, давлат ва жамият қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, ушбу соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунда маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадрият ва анъаналаримиз тикланиб, замон талаблари асосида бойитилмоқда. Маҳаллалар имконияти ва ваколатларининг тобора кенгайиб бораётгани фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳиллик, ҳамжиҳатлик, осойишталик муҳитини асраб-авайлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти ортаётганида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маҳалла тарбия ўчоғидир. Фарзанд оилада дунёга келиб биринчи бор ота-онасини таниса, улғайган сайин маҳалладаги одамларни таний бошлайди ва юриш-туриш, одоб-ахлоқ, жамики ижобий фазилатларни, аввало, маҳалладан, аниқроғи, ота-оналари, қўни-қўшнилари, табаррук отахонлар, дуогўй онахонлардан ўрганади.

Шу нуқтаи назардан таҳлил этилганда, «Оила – маҳалла» тизимидаги ишларни такомиллаштириш, оила ва маҳаллага тааллуқли бой ва сермазмун миллий анъаналарни авайлаб-асраш, уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўли билан оиланинг мустаҳкамлиги, барқарорлигини таъминлаш, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигига эришиш

яхлит жамият барқарорлиги ва тинчлигининг муҳим омилларидан саналади.

Ижтимоий бошқаришнинг ўзига хос шакли бўлган маҳалла маданий-маънавий тадбирларни амалга ошириш билан бирга, оилавий урф-одатлар, анъаналар, оиладаги қувончли лаҳзалар ҳамда оила ҳаёти билан боғлиқ бўлган аҳамиятли воқеаларни тарғиб қилишнинг ишончли маркази сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Маҳалла ҳар бир оила ва шахс билан имконият даражасида иш олиб бориш учун маънавий салоҳият ва ҳуқуқий имкониятга эга бўлган маскан ҳисобланади.

Маҳаллада кишиларни одоб-ахлоққа ўргатиш, уларга урф-одатлар, турли қадриятларни сингдириш, илғор удумларни кенг ёйиш борасида ажойиб анъаналар қарор топган. Оила кичик ватан бўлса, маҳалла унинг мустаҳкам таянчи ҳисобланади. Оилалар фаровон, обод бўлса, маҳалла кўркига кўрк қўшади. Маҳаллалар обод бўлса, юртимиз ҳам шунчалик обод бўлади. Яъни бугунги куннинг маҳалласи, энг аввало, соғлом ижтимоий муҳит масканидир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Шу маънода маҳаллани демократия дарсхонаси ҳам, деб аташ мумкин.

Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд, айниқса,



миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатларни камол топтиришда маҳалланинг ўрни беқиёс. Таълим муассасалари вазифалари:

Болаларга таълим беришда илғор педагогик технологиялар, ахборот-коммуникация воситаларидан ўринли фойдаланишга шарт-шароит яратиш, ўқувчи-ёшларнинг таълим-тарбия олиш

жараёнида турли хил чалғитувчи воситаларнинг зарари ва улар оқибатларининг олдини олиш бўйича кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, ҳозирги мураккаб шароитда ёш авлод онги ва шуурига таъсир этишга қаратилган маънавий таҳдидларга нисбатан мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш, таълим муассасаларида ёшларнинг бирорта касб-ҳунарни эгаллаши учун пойдевор яратиш, ёшларни мустақил фикрлашга ўргатиш, уларни истиқлол ғоялари ва миллий мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш, ўқувчи-ёшларнинг спорт турлари билан шуғулланишларига шарт-шароитлар яратиш, уларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш таълим муссасалари зиммасидаги вазифалар сирасига киради. Оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги таълим ва тарбия жараёнида биргаликда ҳаракат қилиш, тарбияланувчига ҳурмат ва талаб уйғунлиги, ҳамкорлик жараёни субъектларининг тенг ҳуқуқлиги, бунда миллат ва давлат манфаатлари устуворлиги, ҳамкорлик ишларининг илмийлиги каби тамойил ва босқичларга амал қилинганда самарадорлик янада юқори бўлади.

Мактабнинг том маънода тарбия маркази ролини ўйнаши учун ўқитувчи ва ота-оналарнинг мақсад ва вазифалари, уларнинг амалий фаолиятлари бир-бирлари билан чамбарчас боғланган бўлиши шарт. Бу борада мактабнинг энг муҳим вазифаси ота-оналар ўртасида ижтимоий тарбиявий муҳитни соғломлаштириш борасидаги ишларни жонлантириш, такомиллаштириш оила ва мактаб алоқасини мустаҳкамловчи омилдир. Мактаблардаги ота-оналар қўмитаси ота-оналар жамоатчилиги билан алоқа қилишда ўқитувчи ва тарбиячиларга яқиндан ёрдам берувчи бўғин саналади. Мазкур қўмита ота-оналар жамоатчилигини мактаб ҳаётига, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларга жалб қилиши лозим.

Болаларни тарбиялаш ота-онанинг муқаддас бурчи саналади. Катта ва кичикни ҳурмат қиладиган, ўзаро меҳрибон, бир-биридан ёрдамини

аямайдиган, бир-бирига иззат ва ҳурмат кўрстадиган, яхши хулқ ва атворга эга бўлган, билимли ва тарбияли болалар ахлоқан пок, маънавий дунёси бой оилаларда вояга етади. Демак, мактаблар барча тарбиявий ишларни мақсадга мувофиқ ташкил этиши лозим. Ўқитувчилар жамоасини уюштира олган, жамоатчиликни болалар тарбиясига фаол жалб қилган, ўқувчилари ота-оналари билан мустаҳкам алоқа ва ҳамкорлик ўрнатган мактаб маъмурияти нафақат таълим, балки тарбияда ҳам юсак ютуқларни қўлга кирита олади. Бундай мактаблар ўз атрофидаги завод, фабрика, жамоа ва давлат хўжаликлари, оталиққа олган корхоналар билан алоқани мустаҳкамлаб, ўқувчиларнинг мактабдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил этмоқда, қаровсиз, тарбияси оғир болаларни ўз назоратига олмоқда. Бундай хайрли ишларда кўплаб ота-оналар мактаб билан яқин алоқада бўлиб, ўқитувчилар билан бамаслаҳат иш олиб бoряпти.

Юқоридаги усулларнинг фаол қўлланиши, ота-оналар билан ўтказилган тарбиявий суҳбатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳақидаги билимлар, уларни ёшлар тарбиясига жалб этиш, миллий тарбияни маҳалла, маҳалла оқсоқоллари кенгашлари фаолияти йўналишига айлантириш ота-оналарнинг тарбиячи сифатидаги фаоллиги ошишига олиб келади. Бунинг натижасида ўқувчиларимизнинг ахлоқий тарбиясида ҳеч қандай ёт ғояларга ўрин қолмайди.

Таълим-тарбиянинг мана шундай ташкилий-методик тамойилларидан бири бу – педагогик ҳамкорликдир. Яъни оила, мактаб, маҳалла ва жамоатчилик ташкилотлари ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг миллий параметрлари, халқимизнинг узоқ асрлар давомида шаклланиб келаётган қадриятларини чуқур сингдириш, ватан шаъни ва обрўсини кўзлаши, ёшларимизни юксак марралар сари интилувчи муносиб фарзанд бўлиши учун ҳамкорлик дастурлари асосида иш олиб бориши муҳим.

Ҳамкорлик дастурлари ёшларни инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик

тамойиллари асосида юксак одамийлик ва фуқаролик бурчига садоқатлилик руҳида тарбиялаш, мустақил фикрига эга, тафаккури озод эркин шахсни замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўла олувчи, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қодир комил инсонларни камол топтириш ғояларини қамраб олиши зарур.



# ИКТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРДА ҚОБИЛЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛГИЯСИ



*Набижон ТЕМИРОВ ,*
*педагогика фанлари доктори,*
*профессор*

Бугунги кунда дунё миқёсида таълим соҳасида талабаларнинг таълим олишга қизиқишини ўрганиш, лаёқати, ижодий қобилияти, махсус қобилияти, истеъдодини ривожлантириш, ихтисослаштириш ва табақалаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. ЮНЕСКО томонидан белгиланган 2030-йилгача барқарор ривожланишни таъминлаш мақсадида талабаларни ижодий қобилияти ва тафаккурини ривожлантиришга ўқитишнинг STEAM тизими асосларини тадбиқ этиш, таълим хизматларини диверсификация қилиш, янги инновацион ва интерактив шаклларни жорий этиш, ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ташхис этиш, уларни маънавий-руҳий қўллаб-қувватлашнинг инновацион моделини яратишга алоҳида эътибор қаратилган.

Педагогика ва психология фанларида шахс қобилияти ва унинг даражаси, ижодий қобилияти маҳсулини ривожлантириш масалаларини тадқиқ этишга дунё миқёсида XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб киришилди. Америкалик олимлар ўқувчиларнинг ижодий қобилияти ва иқтидорини ривожлантиришда махсус дастурлар ишлаб чиқди. Россияда эса ўқувчилар ижодий қобилиятини ўстиришда инновацион ёндашув, яъни инновацион технологиялар ва интерфаол машғулотлардан фойдаланиш ўқувчиларни фаоллаштирадиган тизим,



деб эътироф этилди. Жанубий Корея эса бошланғич мактабдан университетгача бўлган барча таълим муассасаларини юқори тезликдаги интернет била таъминлаган биринчи мамлакат саналади. Коллежларда "Қўшимча таълим" "Касбий тайёргарлик", "Олий таълимга кириш учун тайёргарлик", "Касб-ҳунар таълимига кириш" курслари воситасида таълим олишга кучли эътибор қаратган давлат Буюк Британиядир. Сингапур давлатида эса мактаб, коллеж, олий таълим муассасаларини юқори даражада ривожлантиришда раҳбарларнинг креатив фикрлаши ва ёндашиши, мустақил фикрлаши, таълимни реал ҳаёт билан боғлашга алоҳида урғу берилгани дунёга танитди, таълим ва тарбия мазмунини бойитишга хизмат қилади.

Мамлакатимиз таълим муассасаларида бугунги кунда илғор давлатларнинг бу борадаги тажрибаларини ўрганиш ва амалга тадбиқ этиш тамойили асосида иш олиб борилмоқда. Ёшларни "Заковат" интеллектуал ўйини, "Беш ташаббус – беш имконият" шиори остида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти билан ҳамкорликда маънавият фестиваллари ташкил этилаётгани, олий таълим муассасалари, мактаб, коллеж ва техникумларда амалга оширилаётган бир қатор илмий-амалий лойиҳалар юқори малакали ва қобилиятли

мутахассис ҳамда кадрларни етиштиришга хизмат қилади. Ёшларга кенг йўл очиш, уларнинг ижодий қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, ҳаётда ўз ўрнини топишга ёрдам бериш давлатимиз, Президентимиз эътиборидаги масалалардан бирига айланган.



Ижодий қобилиятли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Республика миқёсида ташкил этилган "Ниҳол" ва "Зулфия" мукофоти танловлари, "Янги авлод", "Ёшлар овози", "Ёш китобхон" кўрик-танловлари ана шу эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Ижодий қобилият индивидуал хусусиятга эга. Шу боис иқтидорли ёшларни кашф этиш ва уларни рағбатлантириш алоҳида эътиборни талаб этади. Бу, ўз навбатида, мураккаб жараён бўлиб, унинг учун мутахассисларни жалб этиш, алоҳида ташкилий-техник ва педагогик тайёргарлик асосида иш олиб бориш лозим бўлади. Бу жараёнда қобилият замирида мужассам бўлган педагогик ва психологик хусусиятларни инобатга олиш муҳим саналади. Махсус адабиётларда шахс қобилияти ўз моҳиятига кўра учта, яъни билиш, ижодий ва ҳиссий гуруҳларга бўлиниши қайд этилган.

Билиш қобилияти сўнгги 25 йил ичида америкалик психологлар томонидан кенг кўламда ўрганилмоқда: у айни вақтда "ақлий-ижодий қобилият" сифатида ҳам эътироф этилмоқда. Гилфорд ва унинг издошлари шахс ақлий қобилияти даражасини белгиловчи 16 омилни асослаб берган. Улар, жумладан, кўчувчанлик, равонлик, тафаккур аниқлиги, ўзига хослилик, муаммони излашдаги зийраклик каби омиллардан иборат. Ўқувчи интеллект бўйича ҳам ижодий қобилиятга эга, зукко, зеҳни тез, масалани тез ва чуқур англаш, хотира ва ёдлаш қобилияти мустаҳкам, тез билим эгаллаш

ва тинимсиз изланишга қодир бўлиши керак. Уларда табиатан ўз ижодий қобилиятини намоён қила олиш, таълимга янгича ёндошиш, адабиётларни кўп ўқиш, илмий ижодий изланиш, миллий қадриятларни эъзозлаш, Ватанни севиш, шеъриятни чуқур тушуниш, эркин фикрлаш, мустақил фикрлай олиш каби қобилиятлар кучли бўлади. Бундан ташқари зийрак, топқир, диққатини тақсимлай оладиган, ахборотни тез қабул қиладиган, эслаш қобилияти кучли, ҳозиржавоб, чуқур фикр юрита олувчи, тасаввури кенг, барча билим, кўникма ва малакаларни эгаллай олган бўлиши лозим.

Олий ўқув юртларида ташкил этилаётган мақсадли машғулотлар ҳамда аудитория ва таълим муассасасидан ташқари шароитда талабаларнинг “Интеллектуал ринг”, “Заковат”, “Ўйла, изла, топ!”, “Иқтидорлилар орамизда”, “Ўткир зеҳнлилар” каби интеллектуал ўйинлар ёки амалий тренингларга фаол жалб этилиши уларнинг ақлий қобилиятини ўстиришга ёрдам беради, ижодий-ақлий мушоҳада юритиш малакасини ривожлантиради, тафаккурини бойитади. Юқорида санаб ўтилган машғулотлар ёки тадбирларнинг муайян мавзулар бўйича ташкил этилиши, ўқувчилар эътиборига ҳавола этиладиган топшириқлар мазмунининг имкон қадар ижтимоий-сиёсий воқеликлар, экологик жараён, педагогик таълим муаммолари, иқтисодий ривожланиш, технологик тараққиёт ҳамда ижтимоий-муносабатлар мавзуларига бағишланиши ўқувчиларда уларга нисбатан қизиқишни шакллантиради. Шунингдек, керакли илмий тушунчаларни ўзлаштириш, назарий билимларини амалиёт, ҳаётий вазиятларда самарали қўллай олиш



кўникмаларига эга бўлишлари учун пойдевор яратади. Билиш қобилиятининг ривожланиши натижасида талабалар муаммони кўтариб чиқиш, мақсадни белгилаш, улар ечимини таъминловчи воситаларни белгилаш, таҳлил (анализ), синтез, истиқболни белгилаш, хулосалар чиқариш ва янги мақсадни асослаш лаёқатига эга бўлиб боради. Зеро, қобилиятли болалар воқеа-ҳодисалар ўртасидаги сабаб-оқибат алоқаларини анча эрта англай олиш ва уларга мувофиқ хулосалар чиқариш лаёқатига эгалиги билан ажралиб туради. Улар одатда муқобил модел ва тизимларни яратишга қизиқади. Президентимиз таъкидлаганидек, энг катта бойлик - бу ақл-заковат илм. Энг катта мерос бу яхши тарбия. Энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир.

Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасида шахснинг ақлий қобилиятини намоён этиши ва унинг даражасини баҳолаш мақсадида турли методикалар қўлланилади. Уларнинг орасида “Ақлий ҳужум” ва “Интервью” энг оммавий саналади. “Интервью” ва “Кейс” методи онгнинг ташқи муҳитга кўникишини таъминловчи назорат механизмлари, ақлнинг ижодий имкониятлари намоён бўлишини ифодалайди, тўсиқ бўладиган механизмларни бартараф этишга хизмат қилади. Ижодий жараён икки, яъни ғояларни ишлаб чиқиш ва уларни танқидий баҳолаш, бир мавзуни ёритишда креатив савол-жавоблар асосида маълумот бериш орқали кейинги босқичга ўтилади. Илм-фан ёки билим олишнинг маълум йўналишларида юқори натижаларини қайд этиш академик ютуқларга эришишни кафолатловчи қобилиятлар сифатида эътироф этилган. Талабалар билиш (ақлий) қобилияти, шу жумладан, бевосита фикрий ва амалий ҳаракатлари билан академик ютуқларга эришишни кафолатловчи қобилият йўналишлари бўйича ҳам гуруҳларга бўлинади.

Математика, табиий (физика, география, биология) фанларини ўзлаштириш, ўқиш, шахматга бўлган кучли қизиқиш ва эҳтиёжга эга шахслар академик ютуқларга эришади ва ўзларида

математик қобилият – ҳисоб-китоб, ўлчаш ва предметларни тартибга солишга катта қизиқиш юзага келади, ёшига нисбатан математик қонуниятларни тушуниш лаёқти шаклланади, математик рамзлар (рақамлар ва белгилар)ни осон тушуниш ва ёдда сақлаб қолишини намоён этади, кўпайтириш ва бўлишга оид ҳар қандай мисолларни осонлик билан бажаради, йирик ҳажмдаги вақт ҳисоби ва пулларни ажрата олади, математикага алоқадор бўлмаган машғулотларда ҳам математик тушунча ва кўникмаларини намойиш этади. Табиий (биология, физика, география) фанларини ўзлаштиришга бўлган қобилият – предметлар ва ҳодисаларга нисбатан диққат-эътиборли, табиий фанлар ва табиатга дахлдор тушунча ва билимларни таснифлаш, табиий-илмий ва амалий тажрибаларга қизиқади, рўй бераётган воқеа-ҳодисалар сабаб ва оқибатларини тушуна олади, ўзига хос абстракт хотирага эга бўлади.

Ўқиш қобилиятига эга шахс кўп ўқийди, сўз бойлиги ортади, мураккаб синтаксис тузилмалардан фойдаланади, мутолаа жараёнида диққатини узоқ вақт сақлаб тура олади, ўқиётган нарсасини тушуниб, моҳиятини тўғри англайди, хотирасида рамз, ҳарф ва сўзларни узоқ вақт сақлайди, ифодали ўқиш орқали ижодий қобилиятини намойиш этади, алоҳида нотиқлик маҳоратига эга бўлади.

Билиш ёхуд ақл кенг маънода сезиш, идрок этиш, тафаккур ва ҳаётни ўз ичига оладиган билиш жараёнлари йиғиндисидан иборатдир. Киши ақли унинг асосий мақсадга эришишга қаратилган муваффақият билан бошланади. Инсоният пайдо бўлганидан бери барча олиму фозил, шоиру ёзувчиларнинг барчаси мукаммал илм эгаллаш орқали ўз даврининг эътиборли кишилари даражасига кўтарилган. Ақлнинг биринчи босқичи - ёдлай олиш. Иккинчи босқичи– таёқчалар билан чиза олиш, сўнгра қаламдан фойдаланиш. Учинчи босқичи эса ҳиссий образларни эгаллашдан иборат.

Ибн Сино ақл деганда инсондаги туғма истеъдод, билиш жараёнида шаклланадиган фикрлаш қобилияти тушунилади,

дейди.

Иқтидорли шахс қобилияти нинг яна бир кўриниши – бу ижодий қобилият саналади. Кузатувчанлик, хотира мустаҳкамлиги, образли тасаввур ҳосил қилиш, ижод-корлик, мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, янгиликлар яратишга интилиш, изла-нувчанлик, ўз-ўзини танқидий баҳолаш, фантазияга бойлик, энг оддий унсурларни ҳам илғай олиш ижодий қобилият сифатлари сирасига киради.

Фарғона давлат уни-верситети педагогика, психология ва санъатшунослик факультети 3 курс талабалари ўртасида “педагогик квалиметрия” фани мисолида хотираси кучли талабаларни танлаб олиш ва улар билан мақсадли ишлаш бўйича амалий машғулот ўтказилди. Танловда 52 нафар талаба иштирок этди Кучли хотирага эга бўлган 3 нафар талаба аниқланди. Бунда иштирокчиларнинг ўзи таёрлаган матнни ёддан айтиб бериш ва уни илмий таҳлил қилиш қобиляти инобатга олинди.

Талабаларнинг ўз қобилятини билиши уларнинг келгусида кучли ёки кучсиз томонларини таҳлил қила олишга ўргатади. Кўриш, эшитиш ва сезги органлари ҳар кимда ҳар хил ривожланган бўлади, лекин ҳар кимнинг ўз шахсий имкониятларини билиши келажакдаги педагогик фаолиятида муҳим роль ўйнайди.

Бу усул ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилади. Айниқса Хитой ва Японияда иқтидорли болаларни излаб топиш ва уларни қўллаб қуватлашга алоҳида эътибор қаратилади. Шу боис бизнинг мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қуватлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда, ихтисослаштирилган, Президент мактаблари ташкил қилинди, ҳалқаро танловларда юксак натижаларга эришаётган ёшларимиз ва уларнинг устозлари катта миқдорда моддий рағбатлантирлмоқда, ёш мутахассисларимиз ривожланган мамлакатларга ўқиш ва тажриба алмашишга юборилмқда.



"Ал-ҳосил тарбия бизлар учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат ё саодат, ё фалокат масаласидир"

Абдулла Авлоний

# ТАЛАБАЛАРДА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ОИД КОМПЕТЕНТЛИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАЗМУН-МОҲИЯТИ



*Озод АБДУҒАНИЕВ,*
*Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти Илмий котиби п.ф.б.ф.д.(PhD), к.и.х.*

**Аннотация:** Мазкур мақолада талабаларда умуминсоний қадриятларга оид компетентлиликни ривожлантириш мазмун-моҳияти, жамият ҳаётининг маънавий-маърифий фаолияти, интелектуал салоҳиятли баркамол ёш-авлодни тарбиялаш, узлуксиз таълим тизимида миллий ғояга доир билим ва тафаккурини юксалтириш, шунингдек, уларнинг умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни ривожлантиришнинг педагогик таъсир воситалари орқали ёритилган.

**Таянч сўзлар:** миллий ўзликни англаш, ташаббускорлик, ижтимоий – профессионаллик, баркамоллик, талаба, компетентлик, ислоҳот, маънавий-аҳлоқий фазилатлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида ёшлар масаласига тўхталар экан: “Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга нафақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновасия билан эришамиз. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур” деган мурожаати мазмунида ҳам олий



таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёш-авлодни маънавий баркамол шахс сифатида тарбиялаш педагоглар олдида турган энг муҳим муаммодир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг таълим-тарбия муаммосига доир бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Педагогик илмий тадқиқотлар кўлами кенгайди. Ш.Шодмонова ўқув-тарбиявий жараёнда талабаларнинг мустақиллик тафаккурини ривожлантириш, О.Мусурмонова ёшларнинг маънавий маданиятини шакллантириш муаммоларига доир тадқиқот ишларини олиб бордилар. Г.Махмутов талабаларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш қонуниятлари, шунингдек, сиёсий-ахлоқий сифатларни шакллантиришда талабалар онгига самарали таъсир этиш йўллари, маънавий-ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар, буюк аждодларимизнинг хулқ-одоб меъёрлари ҳамда муомала маданияти ҳақида ўз илмий қарашлари асосида ифодалаб ўтди. Мамлакатимизда амалга оширилаётганислоҳотлар замирида юксак интеллектуал, ижтимоий фаол, ташаббускор, маънавий-ахлоқий салоҳиятга

эга бўлган ёш авлодни етук кадрлар этиб тайёрлаш муаммоси тўғрисида изланишлар олиб боришган. Ёшларда соғлом турмуш маданияти ва ватанпарварлик, ёшлар фаоллигини ошириш ва уларнинг маънавий-аҳлоқий тарбияси, ижтимоий-педагогик қобилиятларини миллат ривожи руҳида тарбиялаш каби муаммоларга тўхталиб ўтган.

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳар тамонлама етук шахс сифатида вояга етишида жамият тараққиёти муҳим ўрин тутиши билан бирга, унинг умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи ҳам муҳим ўрин тутади. Талабаларни умуминсоний қадриятларга оид компетентлилигини ривож-лантириш бугунги кунда долзарб масала бўлиб бормокда. Чунки, қадрият масаласи унинг мазмун – моҳияти тўғрисидаги тасаввур билан боғлиқ ёндашувлар, турли дарвларда турлича талқин қилинган.

Талабаларни умумин-соний қадриятларга оид компетентлиликни ривожлан-тириш таълимининг мақсади, доимо инсонни жамиятда умуминсоний қадриятларга содиқлик, давлатнинг ижтимоий – маънавий ҳаётида доимо фаол иштирок этишга, миллий қадриятларни тарғиб қилиб боришга бўлган интилиши орқали наъмуна бўлиш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Демак, талабаларнинг умуминсоний қадриятларга оид компетентлилигини ривожлантиришнинг мазмун-моҳиятини биз қуйдагича такидлаб ўтишимиз лозим:

- талаба-ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашни жамиятининг асосий вазифаси сифатида белгилаш орқали маънавий-баркамол шахсни камол топтириш;

- талабаларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш орқали жамият ҳаётнинг барча соҳаларида умуминсоний қадриятларга содиқлигини намоён қилиб бориш орқали уларнинг фаол иштирокини таъминлаш;

- талабаларни миллий ифтихор, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, ижтимоий ҳамкорлик, халқ фаровонлиги, комил инсон

ғояларини сингдирган ҳолда умуминсоний қадриятларга йўналтириш орқали маънавий ҳаёт соҳаларида иштирокини таъминлаш;

- талабаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш ва уларга ижтимоий-сиёсий, маънавий-ҳуқуқий саводхонлигини ривожлантириш;

- талабаларда умуминсоний қадриятларга оид компетентлилигини ривожлантиришда таълим муассасаси ҳаётида ижтимоий

– маънавий жабҳаларда қадриятларга содиқлигини қарор топтиришда «Менторлик», “Талаба минбари” каби ижтимоий лойиҳаларда фаоллигини кўрсатиш орқали ошириб умуминсоний қадриятларга содилигини ошириб бориш;

- талабаларни олий таълим муассасаларидаги, “Ёшлар иттифоқи уюшмалари фаолиятида фаол иштирок этиш, ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятига кенг жалб этиш” орқали умуминсоний қадриятларга оид компетентлилигини ривожлантириш мумкин.

Жумладан, талабанинг таълим муассасасида миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлигини ривожлантишда унинг тарбиявий ҳолати ҳам асосий ўринга чиқади. Чунки, ёш авлод тарбияси хусусида тўхталар эканмиз, таниқли ўзбек



педагоги, маърифатпарвар олим А.Авлоний шундай дейди: "Ал-ҳосил тарбия бизлар учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат ё саодат, ё фалокат масаласидир". Ушбу фикрлардан хулоса чиқарсак, шахс тарбияси хусусий эмас, балки ижтимоий, миллий илмдир. Зеро, ҳар бир халқнинг тараққий этиши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Республикамиз олимлари томонидагн ушбу муаммонинг асосий жиҳатларига олимлар О.Мусурмонова таълим–тарбияда аҳлоқий онг, виждон, бурч, масъулят, ҳаё, ғурур каби инсоннинг феъл–атворини ички бошқариш қурилишига асосланади. Аҳлоқнинг мағзини ташкил қилувчи бош қоидалар инсонпарварлик, демократизм, ҳалол меҳнат, ўзаро ёрдам, дўстлик, ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат, байналмилалчилик ватанпарварлик, табиат ва атроф муҳитга диққат-эътибор, бурч ҳисси ҳамда камтарлик кўзбўямачилик ва ёлғизликни инкор этиш каби инсоний сифатларни ўз тадқиқотларида ифодалаган.

С.Жўраева ёш авлод масаласига тўхталар экан: “Ёшларнинг Ватан, миллат тақдири учун ўзларини масъул сезиб, даҳлдорлик туйғуси”ни ўзида ҳис қилиши тўғрисида тўхталгани, ҳар қандай жамиятда ёш-авлод тарбияси турли давларда ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

А.Бегматов таълим жараёнида шахс фаоллиги “жамият манфаатлари билан шахс манфаатлари ўртасида уйғунлик мавжуд бўлса, бундай ҳолат шахсни жамият манфаатлари йўлида, демак, шу орқали, ўз манфаатлари йўлида ҳам жонбозлик кўрсатишга ундайди” деб, инсон тарбиясида инсонпарварлик тамойилининг ўрни юқорилиги масаласига тўхталиб ўтган.

Тарбия жараёни ўқувчининг онгинигина эмас, балки ҳис-туйғуларини ҳам ўстириб бориши, унда жамиятнинг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келадиган хулқий малака ва одатларни ҳосил қилиши лозим. Бунга эришиш учун ўқувчининг онгига, ҳиссиётига ва иродасига таъсир этиб борилади. Агар буларнинг бирортаси

эътибордан четда қолса, мақсадга эришиш қийинлашади. Тарбия жараёнига ўқитувчи раҳбарлик қилади, ўқувчилар фаолиятини белгилайди, уларни ижтимоий жараёнда иштирок этишлари учун шарт- шароит яратади. Ижтимоий тарбияни ташкил этиш жараёнида бир қатор вазифалар ижтимоий тарбия мақсадидан келиб чиқиб белгиланади. Мустақил Ўзбекистон Республикасида айни вақтда ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишга қаратилган жараёнда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этмоқда:

а) ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, уларда кенг дунёқарашни таркиб топтириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашиш, режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиш;

б) ўқувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятлардан огоҳ этиш, чуқур билимга, тафаккурга эга ёшларни тарбиялаш малакаларини тобора бойитиш;

д) умуминсоний ахлоқ меъёрларини англашни (одамийлик, камтарлик, ўзаро ёрдам, меҳр-муҳаббат, мурувват, адолатни ёқлаш, ахлоқсизликка қарши нафрат ва ҳоказолар), муомала одоби, юксак маданиятни ўқувчиларда қарор топтиришга эришиш;

э) ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга ҳурмат руҳида ёндашиш, ўқувчиларда фуқаролик туйғусини, ижтимоий бурчга масъулликни қарор топтириш;

ф) тарбияни муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни юзага келтириш борасидаги масъулиятни таркиб топтириш;

г) ватанпарварлик ва байналминаллик туйғусини шакллантириш, ўзга миллат ва халқлар қарашларига ҳурматни, ҳуқуқ ва бурчларни камситмаслик туйғусини қарор топтириш;

ҳ) мустақил давлат-Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига тўғри ва холисона баҳо беришга ўргатиш;

о) инсонни олий қадрият сифатида қадрлаш, унинг шаъни, ор-номуси, қадр- қиммати, ҳуқуқ ва бурчларини ҳимоя қилишга ўргатиш ва бошқалар.

Хусусан, Янги Ўзбектистон шароитида талабаларда умуминсоний қадриятларга оид компетентлиликни ривожлантириш шиддат билан ривожланиб глобаллашиб

интеграцияланаётган дунё шиддат билан ўзгариб, миллий ўзликни англаши, умуминсоний қадриятларга содиқлиги, шахс маънавиятини мустаҳкамлаш жараёнларида турли ёт ғояларнинг салбий таъсири ортиб, одамларнинг онги-шуъури ва қалби учун кураш кучайиб бораётган бир даврда таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқот ишлари жараёнида умуминсоний қадриятларга содиқлик, миллий ғоя, миллат ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги масаласининг долзарблиги янада ошмоқда. Халқнинг маънавий ҳаётида ўзлигини англаш муҳим ўрин тутади. Шундай экан, талабаларда умуминсоний қадриятларга оид компетентлиликни ривожлантиришда айни маънавий-аҳлоқий тарбия-ланишини таълим-тарбия жараёнининг аввало, миллий ўз-ўзини англашининг мазмун-моҳиятини, халқ, миллат тушунчалари ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилмоқда. Талабаларда умуминсоний қадриятларга оид компетентлиликни ривожлантиришда педагогик-психологик жиҳатларини таҳлил этар эканмиз, биз томонимиздан олиб борилган тадқиқотларни ўрганиш доирасида аввал, маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг ишларидаги илмий имкониятларни таҳлилига тўхталиб ўтишни лозим деб топдик.

Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғатида ижтимоий тарбия – тарбиянинг муҳим бир шакли, бутун жамият, халқ, миллат ва табақага кўрсатилган мақсадга мувофиқ маънавий таъсирни ифода этади. Ижтимоий тарбия шахс онги ва тафаккури, маънавий-маърифий оламини жамиятнинг мақсад ва вазифаларига уйғун ҳамда ҳамоҳанг равишда шакллантириш ва ривожлантириш жараёни, кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда фаол иштирок этиш, эзгу таъсир ҳамда омиллар мажмуи. Ижтимоий тарбиянинг асосий мақсади фуқароларни инсонпарвар демократик жамият, ҳуқуқий давлат қуришга сафарбар этиш ягона умуммиллий ғоя

атрофида бирлаштиришдан иборат. Ижтимоий тарбияда ота-она меҳри, Ватан муҳаббати, устоз-шогирдлик анъаналари, миллий қадриятлар, маҳалла ва жамоати назорати ҳам катта таъсир кучига эга бўлиб, ёшлар камолатида муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Янги Ўзбекистон шароитида талабаларда умуминсоний қадриятларга оид компетентлиликни ривожлантиришда таълим жараёнида талабаларга, ватанпарварлик, миллий ифтихор руҳида шаклланадиган билишнинг ўзига хос шаклларидан биридир деб этироф этиш мумкин. Демак, шахснинг умуминсоний қадриятларга содиқлик, жамият, ижтимоий қатлами, сиёсий партия ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг муайян мақсадлари ифодаси, уларни бу йўлда бирлаштириши, уюштириши, фаолиятга ундаши, сафарбар қилиши» деб ифодалаб ўтган. Шунинг учун ҳам таълим жараёнида "фанга оид компонент"ларнинг алоҳида аҳамиятга эгалиги ўқитувчининг касбий компетентлиги ривожланишида алоҳида таъсир этиб боради. Яъни,

- ижтимоий компетентлик, ҳарбир замонавий одам учун муҳим бўлган индивиднинг турлича ижтимоий ўз қарашларини ифодалаш имконини берувчи;
- ижтимоий компетентлик ҳар бири мустақил компетентлик сифатида қаралиши мумкин бўлган кўплаб жиҳатлар – таркибий қисмларни ўз ичига олади (ижтимоий-фуқаролик, ижтимоий-коммуникатив, ахборот компетентлиги ва ижтимоий-индивидуал компетентлик) лар муҳим аҳамият касб этади.

Демак, Янги Ўзбектистон шароитида талабаларда умуминсоний қадриятларга оид компетентлиликни ривожлантиришнинг асосий мақсади ёшларда бунёдкор ғояларнинг мазмун-моҳиятан соғлом ёки носоғлом, эзгу ёки ёвуз, бунёдкор ёки бузғунчи ғояларнинг бўлиши мумкинлигини ёритиш ҳамда умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбияланиши муҳим аҳамият касб этмоғи лозим.

**Адабиётлар:**

1.А.Авлоний. «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» (нашрга

тайёрловчи Холиқов Л.) -Тошкент: Ўқитувчи, 1992. 160 б.

2.Мусурмонова О. Ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантириш. –Т.: Фан, 1993. – 28 б.

3.Жўраэва С.Н. Талаба шахсига касбий шаклланиш таъсирининг психологик жиҳатлари.: Авторефарат. Дис...пед.фан.ном. – Т., 2010 й.

4.Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. – Тошкент.: Шарқ, 2000 й. – 64-65 б.

5.Румий Ж. Маънавий маснавий. Муҳаммад таржимаси. Теҳрон, 2001 йил, 7-б. Форсча-ўзбекча луғат.

6.Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Ўзбекистон файласуфлари жамияти.: Т-2010 й. 188-б.

7. Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар.. (кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифалари доирасида). Т.: 2002.-19 б

8. Абдуғаниев О. Т. ЯНГИ О ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАРДА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ОИД КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ПЕДАГОГИК ҲАМКОРЛИК ОМИЛЛАРИ
//Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. Special Issue 12. – S. 52-56.

# ЗАМОНАВИЙ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА АХБОРОТ-ИНФОРМАЦИОН МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Хол *ХУДОЙҚУЛОВ*,.
*Мирзо Улуғбек номиданги ЎзМУ “Педагогика ва умумий психология” кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори.*

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди. “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги, “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларида ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан, зўравонлик, ҳаёсизлик ва шафқатсизликни тарғиб қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунда эса беҳаёлик, шафқатсизлик ва зўравонлик ҳақида ҳикоя қилувчи, инсон қадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этишларига сабаб бўлувчи адабиётларни тарқатиш, фильмларни намойиш этишнинг таъқиқланиши белгилаб қўйилган. 2014 йилдаёқ “Болаларни, уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қабул қилинганлиги ҳам фикримизнинг яққол исботидир.

Глобал ахборот маконида ишончли қалқон сифатида фаолият кўрсатаётган “Ўзбекистон Республикаси жамоат таълим ахборот тармоғи “Зиёнет” га асос солинганлигига қарийб 20 йилдан ошди. Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот маконини яратиш борасида

кўплаб сезиларли ишлар олиб борилди.

“Зиёнет” порталини ривожлантириш доирасида “Кутубхона” бўлимида ўтган вақт мобайнида ўзбек, рус, қорақалпок, қозоқ, тожик, инглиз ва бошқа тилларда ёзилган иктисодиёт, фан, маданият, санъат ва жамият ҳаётининг турли соҳалари буйича ёшларга мўлжалланган 59868 дан ортиқ ахборот ресурслари жамланган. Портал 2013 йилдан бошлаб инглиз тили ўрганувчилар учун бепул репетитор сифатида хизмат қилиб келмоқда. Порталда “Пистуре дистионарй” материаллари жойлаштириб келинмоқда. Уяли алоқа воситалари учун “Е-дарслик” мобил дастури ишга туширилди. Ўқувчиларга мобил қурилмалар ёрдамида электрон дарсликлардан фойдаланиш имкониятини беради.

Хавфсиз интернет доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилган бўлиб, 2015 йилдаёқ ўз ҳудудидаги фаол доменлар сони 19 мингдан ортиқни, umail.uz электрон почта хизматида очилган почта қутиларинг сони 91,3 мингни ташкил этган эди. Ҳозирги кунда ҳалқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш умумий тезлиги 12000 мобилидан зиёдни ташкил этмоқда. 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 ноябрдаги ПҚ-2069-



сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги инвестиция Дастури” га асосан, тегишли вазирликлар томонидан 228.01 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 9 та лойиҳа амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сон фармони ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикасининг “Электрон хукумат тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси қабул қилинган.

*ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР*

Бугунги кунда дунёда қадриятлар алмашинуви, интеграциялашув, глобаллашув, маданиятлар аралашуви, синтезлашуви жараёни кечаётган бир пайтда, маънавий қадриятларнинг, миллий тарбиянинг ўрни масаласи муҳим аҳамият касб этади. Кейинги йилларда кўплаб тадқиқодчилар ислоҳотларида кишилар онгини программалаштириш, ахборот экспанцияси, маданий гегемонлик, маданий империализим каби иборалар тобора кенг қўлланилмоқда. Унда янги маданий тамойилларга, ҳукмрон маданий тамойилларга кўр-кўрона эргашиш, ҳукмрон маданий аҳлоққа бўйсуниш майлини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ачинарлиси шундаки, бундай саъй-ҳаракатлар нафақат катталар, биринчи галда ёшлар онги ва қалбини забт этишга қаратилган. Фарзандларимиз маънавий дунёсини эгаллаш борасида барча мавжуд воситалар қўлланилмоқда, янги технологиялар ишлаб чиқилмоқда. Ёшлар онгу шуурини эгаллаш қуролларидан бири глобал тармоқ ҳисобланиб, у бошқа воситаларга қараганда етакчилик қилмоқда. Ёшларимиз тарбиясига бевосита ва билвосита таҳдид солмоқда. Хавф-хатарнинг ҳосиласи рақамли таҳдиднинг турли хил шакллари беозор кўринишда хаётимизнинг кўп жабҳаларида намоён бўлмоқда.

Бугун ахборот коммуникацион технологиялари ҳаётимизда мустаҳкам ўринга эга, компьютер саводхонлиги кўрсатгичи эса кўп ҳолларда инсоннинг юқори савиясини белгилаб берадиган омиллардан бирига айланиб улгурди. Оилада, жамиятда, фуқаролар олдида, ота-оналарнинг рақамли компетентлик маъсулиятини

янада кучайтириш лозимлиги заруратга айланди. Агар ўтган асрнинг 90 йиллари ўрталарида ёшларнинг энг севимли машғулотлари мусиқа тинглаш ва телекўрсатувлар кўриш бўлган бўлса, ҳозирги пайтда эса рақамли маълумотлар билан мулоқот қилиш ва уларни муҳокама қилиш уларнинг энг севимли машғулотига айланган. Глобал



дунёдаги ахборотлар - ёш авлодни аввалги қизиқишларни ҳаётида сиқиб чиқармоқда. Замонамиз ёшларининг аксарияти ўз қизиқиш ва севимли машғулотлари ҳақида сўз юритганда спорт, дўстлар билан суҳбатлашиш, маънавий ва маданий ҳордиқ чиқариш билан бир қаторда виртуал маконларга сайр-саёҳат қилишни биринчи ўринда тилга олади. Уларнинг бу виртуал макондаги сони дақиқалар сайин ошиб бормоқда, ўзларинг турли хил эҳтиёжларини шу маконларда қондирмоқдалар. Ахборотга бўлган чанқоқлик, илмга бўлган интилиш, сирларига сирдош дўстларни, яъни ўзларининг рақамли дунёларини яратиб бўлишган. Аксарият ҳолларда бу ҳолат биз ота-оналарни фарзандларимиз дарс, уй вазифасини тайёрлаяпти, замонавий тезкор билимларни ўз вақтида оляпти деган бир томонлама фикрга келишимизга сабаб бўлмоқда. Қайсидир жиҳатдан бу яхшидир, аммо масаланинг бошқа томони ҳам борки, унга чуқурроқ назар ташлаш лозим бўлади. Алоҳида эътибор талаб этадиган жиҳат –глобал тармоқ орқали вужудга келадиган хавф–хатар таҳдид (виртуал таҳдид) деб номланади.

Ҳозирда мактаб ёшдаги болалар мактаб ён-атрофидаги кафе ёки клубларга кириб, Интернетдан фойдаланиши мумкин. Шу боис улар уйида

ҳам интернетга уланиш имкони бўлишини ҳоҳлаши табиий. Лекин мутахассисларнинг фикрича, ёши ўнга етмаган бола одатда мустақил равишда интернетдан фойдаланиш учун зарур бўлган танқидий, таҳлилий фиклаш ва шу асосда маълумотларни фарқлаш, уларни ажрата билиш, бошқача айтганда «фильтрлай» олиш қобилиятига эга эмас.

Биз реал ҳаётда ёш болаларимизни асраб авайлашни одат қилганмиз. Бироқ улар виртуал оламда ҳам турли хавфу хатарларга учраб қолишлари мумкинлиги борасида ҳамма вақт ҳам қайғурмаймиз! Ҳар бир ҳавола ёки ижтимоий тармоқдаги аккаунтлар ортида болаларни турли хатарлар кутиши мумкин! Булар порнография, педофилия,



диний оқимлар ёки ўз жонига қасд қилишни ўргатувчи гуруҳлар ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Ёш болаларни бундай хавф хатарлардан иҳоталаш лозим. Бунинг учун дастлаб уйда компьютерни рисоладагидек қилиб ўрнатиш шарт. Сўнгги вақтларда ёш болалари бир бурчакда миқ этмай ўтиришлари учун ота-оналар томонидан уларнинг қўлларига айпад, ноутбук ёки смартфон каби қимматбаҳо ўйинчоқларни тутқазиш одат бўлган.

Компьютерни катталар назари доим тушадиган жойда ўрнатиш лозим. Уни шундай жойда қўйиш керакки, узоқдан туриб бўлсада, бола интернетда нималарни излаётганини катталар кузата олсинлар.

Замонавий технологияларнинг тез суръатларда ўсишига қарамай, баъзан одамлар улардан оқилона фойдаланиш қандай кечиши кераклигини тўлиқ англаб етмайди. Компьютер ва интернетгача бўлган даврда ўсиб-улғайган кўплаб ота-оналар ва муаллимларнинг катта қисми, агар бола интернетдан фойдалана бошласа, бунинг, албатта,

фойдасидан зарари кўпроқ, деб ўйлайди. Болани компьютер ёки интернетдан чалғитиш ҳаракати замирида аслида бошқа бир муаммо, яъни катталарнинг бу масалада нисбатан саводсиз (компитентлиги пастлиги) экани аниқланди. Бироқ агар улар ўзлари аввал технологиялар саводсизлиги масаласига жиддийроқ ёндашиб, уни бартараф этишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Негаки, саводсизлик масаласидан қочиш орқали болани технологиялардан ажратиб қўйиш тўғри эмас.

Бунинг устига яна бир жиҳат эътиборга лойиқ: айнан катталарнинг тутган йўлидан келиб чиққан ҳолда болаларда кибернетик дўстига нисбатан муносабат шаклланади.

Бугунги кун олимлари қайғураётганидек, “Жаҳон ахборот майдонида тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз”. Демак, инсоннинг ахборот соҳасидаги



хавфсизлигини таъминлаш учун фуқароларнинг ахборот маданиятини юксалтириш, яъни уларга ахборотни саралаш ва ундан онгли фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш зарур. Ахборотни танлаш ва ундан унумли, тўғри фойдаланиш эса инсоннинг онг даражаси билан боғлиқ. Бу масалада ота-оналар олдига “Мен фарзандимга ахборотни танлай олишни ўргата оламанми?, ундан қай мақсадда, қандай фойдаланилади, қачон, шу ахборот тўғрими?” деган саволлар билан мурожат этиш ўринлидир.

Аслида қандай йўл тутиш керак?

Машҳур Google қидирув тизимига “Болалар учун сайтлар” топшириғини берсак, 150 минг дан ортиқ ўзбек тилида, 23 миллиондан ортиқ рус тилида, 1 миллиардга яқин инглиз тилида иловаларни топади. Улардан кераклисидан қаерда, қандай фойдаланиш фойдаланувчи ҳоҳишига қолади.

Статистик маълумотларига кўра аксарият ота-оналар фарзандларини интернетда ишлашини хавфсиз деб билишар экан. Ҳозирги ёшларнинг ярмидан кўпи интернет ва компьютер технологияларни ота-оналаридан яхшироқ билиши сир эмас. Уларнинг 80 фоизи мустақил равишда интернетга уланишини, ота-оналари компьютерга ҳимоя воситаси бўлган «фильтрлаш» дастурини ўрнатиб қўймаганликлари ва фарзандлари қандай сайтларга киришини назорат қилмаслигини тан олишган. Умуман олганда, ота-оналарнинг аксарият қисми, аниқроғи, 90 фоизга яқини фарзандлари интернетдан фақат уй вазифасини тайёрлаш учун фойдаланади, деган фикрда. Улар асосан интернет орқали мусиқа тинглайди, электрон манзилни текширади, хуллас, вақтини чоғ ўтказади. Ёшларнинг учдан икки қисми интернетга янги дўстлар орттириш ва ким билан дир суҳбатлашиш мақсадида уланади, уларнинг 15 фоизи кейинчалик бу муносабатларни реал ҳаётда давом эттирар экан.

Албатта, глобал тармоқда болаларнинг хавфсизлиги учун биринчи навбатда ота-оналар жавоб беради. 92% ота-оналар болаларни интернетда ишлаши учун аниқ кўрсатмалар берганлигини таъкидласа, 34% болалар ота-оналари улар учун хеч қандай фойдаланиш учун тўсиқ ёки меъёрлар белгиламаганликларини айтишган. «EU kids online» лойиҳасининг онлайн-ресурслар доирасидаўтказилгантадқиқотлар шуни кўрсатдики, зўравонлик, ҳаёсизлик ва шафқатсизликни тарғиб қилишга қаратилган ахборотларни мавжудлиги «You tube»да (32%)ни, веб сайтларда (29%)ни, социал тармоқларда (13%)ни ва ўйинларда (10%)ни ташкил этган. «You tube»даги видео лавҳаларнинг (30%)

шафқатсизлик, (27%) порнография ва (30%)дан ортиғи номақбул контентлардан иборат эканлиги, социал тармоқлардаги хавфни (48%)ни ножоиз ҳаракатли ва (30%) номақбул контентлардан, веб сайтлардаги ахборотларнинг (43%) порнография, ўйинларда (39%) зўравонлик, шафқатсизлик билан ёритилган саҳналар мавжудлиги аниқланган.

Интернет муаммоси тобора чуқурлашиб бораётган бир пайтда, экстримистик характердаги секта ва уюшмалар сайтларни фойдаланишга очиқлиги, виртуал фирибгарликка кенг йўл қўйилганини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Болаларнинг қизиқувчан табиати уларни юқорида тилга олинган турдаги сайтларга етаклаши, бу веб сайтларда уларнинг руҳий ёки жисмоний соғлиғига хавф солувчи маълумотларни кўришига олиб келиши табиий. Банк ёки кредит карточкасидаги ҳисоб рақамларни билган болакайлар онлайн савдоларида қатнашиб кичик уйинчоқдан тортиб, энг сўнгги русмдаги автомобиль сотиб олиш ҳуқуқига ҳам эга бўлмоқда. Бу эса уларни виртуал фирибгарларнинг нишонига айлантиради.

Виртуал оламда кечаётган зўравонлик, беҳаёлик, ўғрилик, бузуқлик эртага реал ҳаётга кўчмайди деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Интернет кафеларда, уйдаги компьютерларда сайтларни «ковлаётган» болаларнинг ота-оналари ўйлаб мулоҳаза юритсалар, фарзандларининг тарбиясига озроқ вақт ажратсалар яхши бўлар эди. Юқорида таъкидлаганимиздек, бунинг учун ота-оналарнинг ўзлари компьютер буйича саводхонликларини янада ошириш фойдадан холи бўлмас эди. Бу фарзандларига тўғри йўл кўрсатишга ёрдам беради. Чунки, юқоридаги ҳолатлардан нафақат ўзлари, балки бутун бир жамият зарар кўради.

Интернетдан оқилона фойдаланиш, оқни қорадан ажрата олиш ва тўғри хулосалар чиқариш кўникмасини шакллантириш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Бу борада таъқиқлаш йўлидан бориш кутилган самара бермайди. Чунки бирор нимани

таъқиқлашдан аввал унга муқобил бошқа яхши нарсани таклиф қилиш мақсадга мувофиқдир. Биз ўқитувчилар ҳамда ота-оналар фарзандларимизга бераётган тарбияда юқоридаги фикр-мулоҳазалар нечоғлик муҳим эканлигини тушуниб етмоғимиз лозим. Чунки мукаммал тарбия учун замонавий билимларни билиш ҳам ота-оналар учун муҳим бўлиб қолмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги глобал тармоқнинг ёшлар маънавий-аҳлоқий тарбиясига таъсирини камайтириш, олдини олиш учун ота-оналар олдида рақамли компетентлик даражасини ошириш масаласини кўндаланг қўймоқда. Жамиятдаги барча фуқаролар, ўзларида рақамли таҳдидга жавоб бера оладиган, маънавий иммунитетни шакллантиришлари давр талабидир. Бу эса замонавий ёшлар тарбиясида ахборот-информацион маданиятини шакллантириш учун барча назорат ва имкониятлар жамият талабларига мос бўлишини талаб этади. Шундай экан тарбиянинг бу ҳолатига барча жамият аъзолари маъсулдирлар.



Ёш болаларни бундай хавф хатарлардан иҳоталаш лозим. Бунинг учун дастлаб уйда компьютерни рисоладагидек қилиб ўрнатиш шарт.

# НУТҚ ОДОБИ ВА МАДАНИЯТИ: УНИ ЮКСАЛТИРШ —ТАРБИЯ



*Musurmonkulov Oybek Urolovich*
*Bo'lim yetakchi ilmiy xodimi, pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)*

Одоб-ахлоқ инсонга зийнат бағишлайди. Ахлоқ илми яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги мураккаб муаммолар ҳақида баҳс юритади. Ҳар бир одамнинг ўзи бир олам бўлгани каби унинг одоб-ахлоқи эса иккинчи олами, десак адашмаймиз. Шу боис жамиятдаги ҳар бир шахснинг хулқи-одобига, нотиқлик маданиятига алоҳида эътибор берилади ва бу маммолар бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Яхшининг ёмон бўлиши осон, лекин ёмоннинг яхши бўлиши қийин. Тўғри йўлдан борган одам, албатта, орзу-ниятига етади .



Инсонга туҳфа этилган “ақл” неъмати шундай қудратли кучки, у билан одам ўзини истаган ҳолатда тарбия эта олади, ҳар қандай азобу машаққат, ёмонликни, энг мураккаб муаммоларни ҳам “ақл” неъмати билан енгади. Ақл-заковат камоли ўқиш, ўрганиш, таҳлил қила билиш, идрок эта олиш, эътиқод ҳамда ҳаёт тажрибасини эгаллаш билан белгиланади.

Ёш ниҳолнинг барваста дарахтга айланиши парваришига боғлиқ бўлганидек, одам боласини ҳам комил инсон бўлиб етишиши учун уни мурғаклигидан тарбиялаб бориш лозимлигини унутмаслигимиз лозим. Инсон яшар экан, фақат еб-ичиш, яхши кийиниш, фаровон турмуш кечириш билангина ҳаёт кечиролмайди, унга маънавий-

маданий озиқ ҳам керак. Бу илм-фан, ақл-заковат, санъат-адабиёт, касб-ҳунар, ҳиммат-ибратдан иборат бўлиши керак. Инсон - ақлли хилқат, шунинг учун у кўп хислат ва фазилатлар соҳибидир. Унинг энг гўзал хусусиятларидан бири одамлар билан чиройли муомала ва муносабатда бўлиш, нотиқлик санъатини қай даражада эгаллашига ҳам боғлиқ.

*Ширинсўзлик ва нотиқлик - инсон қалбининг дуру гавҳари.*

“Юзига боқма, сўзига боқ“, деган халқ ҳикмати бор. Агар инсон покиза, ҳасаддан йироқ, меҳру шафқатли бўлса, унинг ташқи жиҳати ҳам гўзал ва ёқимтой бўлиб кўринади. Борди-ю, ташқи тузилиши хушбичим, қиёфаси кўркам, ҳусну жамолда ягона бўлса-ю, лекин табиатан заҳар-заққум, қўпол-сўз, дилозор, худбин, ўзига бино қўйган, такаббур бўлса, ундай одам эл кўзига хунук, ёқимсиз бўлиб кўриниши табиий. Ҳусайн Воиз Кошифий айтади: “Гўзал феъл-атворнинг нишонаси ўн икки нарсадир: биринчи нишонаси - яхшилик; иккинчи - инсофли бўлиш; учинчиси - бошқа одамдан айб қидирмаслик; тўртинчиси - бирор одам ножўя ҳаракат қилса, уни яхши йўлга солиш; бешинчиси - бир одам ўз айбига иқрор бўлиб, узр айтса, узрини қабул қилиш; олтинчиси - бошқалар учун машаққатни ўз устига олиш; еттинчиси - фақат ўз манфаатини кўзламаслик; саккизинчиси - очиқ юзли, ширин сўзли бўлиш; тўққизинчиси - муҳтожларнинг ҳожатини чиқариш; ўнинчиси - мулойим ва тавозели бўлишдир”.

Одатда, одобли ва маданиятли кишилар бошқаларга нисбатан эътиборли ва сезгир бўлади. Ҳалқимизда “Сухандонлик саломдан, иш интизомдан бошланади”, деган ҳикматли ибора бор. Дарҳақиқат, салом билан бошланган суҳбат, ёмон ниятни қайтариб, ёпиқ эшикларни очар ва нифоқларни йўқотар экан. Очиқ юзли, хушхулқ, хушмуомала одам андиша ва фаросат эгаси бўлади. Шундай гўзал сифатларга эга бўлган одам билан ҳамсуҳбат бўлиш - ёмон хулқли, қўрс бир олим билан ҳамсуҳбат бўлишдан кўра яхшироқдир.

Донишманд ота-боболаримиз қадимий урф-одатларимизга амал қилиб фарзанд тарбиясида уларнинг

хулқ-атворлари, гап-сўзлари, кишилар олдида ўзларини қандай тутиши, фикрлаш тарзи, кўрслик қилиш, кишилар суҳбатига аралашиш, гап сўрамаганда ҳам маҳмадоналик қилиб, ўзларини ақлли кўрсатмоқчи бўлиш каби ножўя ишларга зинҳор-базинҳор йўл қўймаганлар. Айни шу нарсаларга фарзанд тарбиясининг энг муҳим жиҳати деб қараганлар.

Очиғини айтганда аксар ёшларимизнинг муомаласи, маданияти ва маънавияти кўнгилдагидек эмас. Чунки айни шу хонадонларда Шарқ тарбияси, шарқона удумлар деярли унутилган ёки унга эскилик сарқити, деб қаралади.

Инсон кўрки, қадр-қиммати унинг одамийлиги, ширинсуханлиги, нотиқлиги, меҳрибончилиги, бошқаларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсата олиш каби фазилатлари билан ўлчанади. Ҳалқимизда "Буғдой нонинг бўлмаса ҳам, буғдой сўзинг бўлсин", деган гап бор. Ҳа, дарҳақиқат, агар инсоннинг тили ширин бўлса, уни катта-ю кичик ҳурмат қилади, гапига қулоқ солади. Ширин тиллик инсонни бахту саодатга элтади, кишининг қалбига, дилу-жонига маънавий озуқа беради. Шунинг учун ширинсуханликка ёшликданоқ ўрганиш керак. Ширин сўз ҳам, ёмон сўз ҳам бир оғиздан чиқади. Оғизни ширин сўзга мойил қилиш лозим. Сўз - қудратли куч. Ундан ўринли фойдаланиш эзгулик сари, ноўрин фойдаланиш эса ёмонлик сари олиб боради. Кичик бир оиланинг тинч бўлиши ҳам, бутун ер куррасининг тинчлиги ҳам сўзнинг қудратига боғлиқ. Кишилар ноаҳил бўлсалар уйдан ҳам, юртдан ҳам барака кўтарилади. Уруш-жанжал келиб чиқади. Бир донишманддан шогирдлари:

- Нима қилсак тинч ва роҳатда умр кечирамиз? - деб сўрашади.

Донишманд:

- Ҳеч қаерда ҳеч кимга бирорта сўз сўзламанг, сукут этинг, - деб жавоб беради. Шогирдлари:

- Ахир, доим сукут этиб юраверамизми, бу мумкинми? Бошқача йўл кўрсатинг? - дейишади. Донишманд уларга шундай маслаҳат беради:

- Сукут эта олмасангиз, сўзланг, лекин қисқа ва маъноли



сўзланг, оғзингиздан сира ҳам ножўя сўз чиқмасин. Ёмон сўз тингловчи кўнглини хира қилади, бундан сақланинг. Байт:

Яхши сўздан кўрсанг меҳру вафо,

Номуносиб сўзласанг, еткай жафо.

Сўз орқали инсон тафаккури, фикри англашилади, сўзлаш маданияти орқали одоби, наслу насаби, ота-онаси ва устозлари берган таълим-тарбияси намоён бўлади. Инсон яшаши учун сув билан ҳаво қандай зарур бўлса, унинг маънавий камол топишида ширинсуханлик, нотиқлик ҳам шунчалик аҳамиятлидир. Ширинсуханлик, нотиқлик-- инсон қалбининг дуру гавҳари. Ҳазрати Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Абдуқодир Бедил ана шундай хислатлари билан халқлар ўртасидаги низоларни бартараф этиб, уларни якдил қилганликларига тарих гувоҳ. Шунинг учун ҳам инсонлар ёшликдан ширинсўзликка, кам гапириб, кўп ўйлашга ўрганишлари, бир оғиз сўзнинг улкан, қудрати буюк эканлигини тушунишлари лозим. Қадимдан маълумки, бир оғиз ширин сўз билан муродга етганлар, аччиқ сўз билан боши кетганлар бор. Доно ота-боболаримиз ширинсўзлик, ўринли сўзловчилар ҳақида шундай деганлар: “Ўз вақтида сўзлаб, фурсатни ғанимат билган, ўринсиз сўздан сақланиб, саломат юрган кишига Тангри раҳму шафқат қилади”. Ширинсуханлик, нотиқлик, яхши сўз инсон ҳис-туйғуларига майинлик, қалбига

ором бағишлайди, обрў-эътибор, бахт-саодат, ҳузур-ҳаловат ато этади. Шунинг учун ҳам донишмандлар: “Ширин сўз -- жон озиғи”, дейишган. Нотиқлик саънатига эга киши айтар сўзини ўзгалар дили, қалбига озор бермайдиган қилиб, одоб билан ифода этади. Айни вақтда у ўз одобини, тарбиясини ва хулқини намоён этади.



Тил-инсон тафаккурининг маҳсули. У инсон маданияти, фикрий гўзаллигини, яхши, ибратли, ҳавас қилса арзийдиган фазилатларини юзага чиқарувчи воситадир. Ҳа, сўзда ҳам сўз бор, албатта. Сўзлар борки, кишида қанот пайдо қилиб кўкларга кўтаради. Сўз борки, уни қора ер қилиб, ўз қаърига тортади.

Сўз киши руҳиятига турлича таъсир этади. Инсон ҳар доим навқирон, бардам бўлиши учун бошқа одамларни ранжитмаслиги, дилини вайрон қилмаслиги ҳамда ўзи ҳам хуштабиат бўлиши лозим. Инсон икки нарса туфайли қарилик нималигини билмайди. Уларнинг бири хушхулқ, иккинчиси эзгу сўздир. Ер юзида инсондан қоладиган мерос - яхши сўздир. Унинг ўзи оламдан ўтиб кетади, ширин сўзи эса мангу қолади. Гапни етти ўлчаб, бир айтиш керак. Мулоҳаза билан камгаплик ҳам бир фазилатдир. Гапирганда ҳам одоб сақлаб, суҳбат мазмуни ва суҳбатдошлар табиатига қараб, маъни-мантиқли, фойдали сўзларни топиб, дона-дона гапириш эса эл орасида кишининг обрўсини оширади, азизу мўътабар қилади. Улуғ туркман шоири Махтумқули: "Оз е, оз ухлагин, яна оз сўзла, Кўп сўз охир эл ичида хор айлар", -деб ёзганида ана шуларни назарда тутган.

Нутқ маданиятининг ёшлар тарбиясида ўрни жуда катта. Яхши сўзлаш ҳам буюк санъатдир.

Ҳар нарсанинг чегараси бўлгани каби, киши фаолиятининг барча қирраси, жумладан, нотиқлик санъатининг ҳам одоб ва тарбия доираси бор. Яхши, ширин, одобли сўзлашиш учун қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1. Сўзнинг мантиқи, гўзаллиги ва бойлиги инсоннинг жамиятда ўз ўрнини топишида, кишилар ҳурматини қозонишида муҳим аҳамият касб этади. Сермазмун, мулойим кишилар гапи мириқиб тингланади, ҳатто уни қўмсашади ҳам.

2. Ширинсуханлик, гўзал нотиқлик санъатига эга бўлиш ҳам бахтдир - нутқи ширин кишиларнинг дўсти, ёру биродари кўп бўлади. Ширин ва оқил сўз - умр озиғи ва дўстликнинг мустаҳкам калитидир.

3. Ширинсўзлик –нотиқлик киши умрини узайтиради.

4. Сўзлашиш меъёрини ҳам билиш керак. Кўп гапириш одобдан эмас. Сукут сақлаш яхши одоб, сўзни қисқа, аниқ ифодалаш - катта санъатдир. Сўз - гавҳардир. Гавҳар эса оз нарсадир.

Ҳусайн Воиз Кошифий айтади: ” Гўзал хулқ-атворга эга бўлган ва суҳбат одобларига риоя қилган одам ҳамманинг муҳаббатини ўзига жалб этади, қаерга борса, иззат ва ҳурматда бўлади”. Тил - қудратли нарса, нутқ эса унинг асосини ташкил этади. Бу билан аллома нутқимизни қашшоқликка олиб келган сабабларини очиб беришга интилади. Бу гаплар анча олдин айтилган бўлса-да, лекин ҳали-ҳануз ўз қадрини йўқотмаган. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда нутқ маданиятининг пасайиши, айниқса, ёшлар орасида кенг кўзга ташланади. Телевизор ёки радио орқали чет эл сўзларнинг кириб келиши оқибатида баъзан уларнинг қайси тилда сўзлашаётганини ҳам тушуниб бўлмайди. Чунки улар нутқида бемалол инглиз, рус, ўзбек тилининг қоришмасини кўриш мумкин, шу билан бирга нутқимизнинг салбий томонга ўзгариши бизнинг асрлар давомида яшаб келаётган ўзбек тилимизнинг таназзулга юз тутишига сабаб бўлиши мумкин.

Тил - миллат кўзгуси. Тилни асраб-авайлаш ҳар бир кишининг инсонийлик бурчидир. Шукрлар бўлсинки, республикамизда ўз она тилимиз - ўзбек тилига

давлат тили мақоми берилди. Бу ўзлигимизни танишга олиб келди, келгусида ўзбек тилининг янада тараққий этишига йўл очмоқда. Ҳар бир инсон ўз тилини мукаммал ўрганиши, билиши лозим, чунки, тилга эътибор - элга эътибор. Бугун ўзбек тили жаҳон ва БМТ миқиёсида ўз мавқени юксалтирмоқда. Лекин нутқнинг ўзгариши тилимизнинг ўзгаришига сабаб бўлади. Нутқ қанчалик ривожланса, тил шунчалик гўзаллашади. Афсуски, ҳозирги даврда айрим ёшларнинг тилга бўлган эътиборсизлиги, улар нутқининг пасайишига олиб келяпти. Инкор этиб бўлмайди, ахборот технологияларининг ривожланиши, радио ва телекоммуникация соҳасида ҳам маълум ютуқлар қўлга киритмоқда ва уларнинг халқ орасидаги аҳамияти катта. Лекин радио ва телевизорда чиқадиган айрим сухандонлар, бошловчилар билим даражаси етарли бўлмаганидан, тили ва нутқига бефарқ бўлганидан, ўзларининг ноўрин сўзлари, қилиқлари орқали миллионлаб одамларга таъсир ўтказмоқда. Донолар айтибдурлар: “Эй, фарзанд… Сўз тўрт хил бўлади: биринчиси, билишга ва айтишга ҳожати йўқ сўзлар; иккинчиси - билишга ва айтишга зарур бўлган сўзлар; учинчиси - билишга зарури йўқ, аммо, айтса бўладиган сўзлар; тўртинчиси - билса бўладиган, аммо, айтишга хожати йўқ сўзлар”.

Аммо, айтиладиган сўз шундай бўладики, дунёнинг яхшилиги шу сўзга боғлиқ. Бундай сўзни айтувчига ҳам, эшитувчига ҳам кўп манфаати бор. Билиш мумкину, гапириш мумкин бўлмаган сўзлар шундай бўладики, бир дўст кишининг айби сенга маълум бўлади. Ақл томондан ўйлаган вақтда уни айтиш беҳаёликдир.

“Эй, фарзанд, ҳамма вақт тўғри сўз гапир. Шошилишдан қочгин. Ҳар бир сўзга қулоқ сол, тезлик қилма. Ўйламасдан сўзлама, ҳар бир сўзни ўйлаб гапир, то айтган сўзингдан пушаймон бўлмагайсан. Совуқ сўз сўзлама. Совуқ сўз бир уруғ, ундан душманлик ҳосил бўлади” -деган эди Кайковус.

Давлатимиз ўз олдига малакали, мутахассисларни етиштиришни мақсад қилиб қўйган экан, биз, энг аввало,

уларнинг тилига, нотиқлик санъатига эътиборни кучайтириш лозим. Ҳар бир инсон ўз нутқига эътибор қаратиши керак. Ўз нутқимизни яхши сўзлар билан бойитмоғимиз зарур.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, ҳар бир сўз, ҳар бир иборани киши қалбига сингдирадиган тарзда етказа билиш ҳам санъатдир. Бу хусусият - олижаноб мақсад йўлида - келажак авлодни умуминсоний руҳда тарбиялашга катта ёрдам беради. Нотиқдик маданияти ҳар бир мутахассисни эл орасидаги обрўи,тарбияси ва салоҳиятини оширади.

# ТАРБИЯДА АНЪАНАВИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ

*Мусаллам АБДУЖАББОРОВА,*
*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти, педагогика фанлари номзоди*



Бугунги ўзгараётган янги Ўзбекистонда умуминсоний қадриятлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланиб, унинг асосий мақсади - ўзликни англаш, миллий қадриятларни тиклаш, кўп миллатли халқимизни бирлаштириш, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган ҳолда маънавий-аҳлоқий фазилатларга эга бўлган ёшларни тарбиялашдан иборат. Маълумки, юртимизда миллий ва умуминсоний қадриятларни юксалтиришга кенг шароит яратиляпти, илмий тадқиқотлар, маънавий-маърифий тадбирлар, халқаро фестиваллар ўтказилмоқда. Буларнинг барчаси юртимизда миллий ва умуминсоний қадриятларга катта эътибор берилаётгани, ҳурмат кўрсатилаётганидан далолат беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон истиқлоли ва истиқболини, буюк келажаги, умумжаҳон цивилизациясига қўшаётган ҳиссасини бутун дунё қадрламоқда ва тан олмоқда. Умуминсоний қадриятлар нафақат бизнинг мамлакатимиз, балки бутун жаҳонда кенг амал қилмоқда. Давлат таълим стандартларида қадриятлар ҳақидаги билимларга алоҳида аҳамият қаратилган. Мамлакатимизда янгича уйғониш ва ривожланиш даври кечаётган бугунги кунда оилада “ота–она”, таълим муассасасида “педагог” деган улуғ ва масъулиятли касб эгаси олдида жуда катта вазифалар турибди. Бугун ҳар бир ёшни маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришда бадиий адабиётга иштиёқ

уйғотиш, уларни шеъриятга қизиқтириш, чолғу асбобларидан ҳеч бўлмаганда биттасини чалишни ўрганиш, қўшиқ айтиш, рақс тушиш, расм чизиш, меъморчилик, театр тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш, тарихга қизиқтириш, оилавий маросимлар, халқ оғзаки ижоди, анъанавий меҳмондўстлик ва ҳурмат каби қадриятларни тушунтириш ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш, иқтисодий билимлар бериш, қизларимизни оилада тежамкорликка, "йўқдан бор қилиш" га ўргатиш, фаросатли қилиб тарбиялаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда, шубҳасиз, катталарнинг шахсий намунаси муҳим роль ўйнайди. Халқимизда "Тарбияда танаффус бўлмайди", деган гўзал ибора бор. Жуда тўғри ва ҳақ гап. Бугун ёшларни маънавий-аҳлоқий тарбиялашда миллий қадриятларга таяниш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки глобаллашув жараёни, ахборот хуружи ва турли ёт ғоялар таъсири ортиб бораётган бир пайтда ёш авлоднинг руҳияти, ахлоқи ва дунёқарашини миллий асосда шакллантириш муҳим



аҳамиятга эга.

Бола шахсининг камол топишида муҳит муҳим рол ўйнайди. Муҳит - бу инсонга таъсир этувчи ташқи воқеа-ҳодисалар йиғиндиси ҳисобланади. Айниқса оила муҳити бола тарбияси асоси, негизини, ташкил этади. Оилада ота-онанинг бола билан фаол мулоқот олиб бориши, уларни тинглаш ва фикрларини инобатга олиш – фарзандларда ишонч ва масъулият туйғусини шакллантиради. Шу ўринда фарзанд тарбиясида замонавий ота-онанинг вазифалари нималардан иборат, деган табиий савол туғилади. Тан олиш керак, бугунги ота-оналарнинг кўпчилиги доимий иш билан банд. Улар давлат корхоналари ходими, хусусий тадбиркор, бозорда савдо ходими, хорижда ишчи, хизматчи ва бошқа ҳ.к.

Бир педагог сифатида айтадиган бўлсам, фарзанднинг шахсий салоҳиятини ривожлантириш бу асосий масала саналади. Ҳар бир бола ўзига хос қобилият ва истеъдод эгасидир. Ота-оналар боланинг қизиқишларини эрта аниқлаб, шу йўналишда қўллаб-қувватлаши керак. Боланинг ижодий, интеллектуал, жисмоний имкониятларини ривожлантириш учун тегишли муҳит яратиш лозим. Ота-она фарзанди билан теппа-тенг мулоқот қилишга интилиши керак. Болани тинглаш, унинг фикрига ҳурмат билан ёндашиш, ғоя ва ташаббусларини сўз ва амалий жиҳатдан рағбатлантириши лозим. Айниқса, оилада ота-она шахсий намуна бўла олиши керак. Чунки ота-она ҳар қандай фарзанд учун ҳаётдаги энг биринчи ўрнак ва намуна ҳисобланади. Оилада катталарнинг ҳар бир ҳаракати, гап-сўзи, одоб-аҳлоқи фарзандга бевосита таъсир қилади. Агар ота-она китоб, газета, журнал ўқиса, бола билан шахмат, шашка ўйнашни одат қилса, биргаликда бошқотирма ечса, ҳалол меҳнат қилса, бировга ёрдам кўрсатса — бола ҳам ўз ҳаётида ана шундай йўлни танлайди, одат тусига айлантиради, кўникма ҳосил қилади.

Замонавий ота-она — бу фақат болага бошпана ва овқат берувчи эмас, балки унинг ҳаёт йўлидаги биринчи устоз, маслаҳатчи ва раҳнамодир. Бугунги тез ўзгараётган, ахборот ва таъсирлар оқими катта бўлган замонда фарзанд тарбиясига масъулият билан ёндашиш нафақат ота-онанинг шахсий бурчи, балки жамият олдидаги муҳим вазифаси ҳамдир. Шу сабабли, ҳар бир ота-



она мунтазам ўрганувчи, ўзини такомиллаштириб борувчи, замон билан ҳамнафас бўлиб, фарзандига замонавий билим олиш ва миллий тарбияни сингдиришда кўмаклашиши лозим.

Шу ўринда фарзанд тарбиясида миллий қадриятлар, урф-одатларнинг ўрни қанчалик зарур ва улар асосан нималардан иборат, деган савол туғилади.

Миллий қадриятлар — халқнинг ҳаёт тарзи, дунёқараши, маънавияти, ахлоқий меъёрлари ва маданиятини ифода этувчи тарихий-маданий ҳодисалар мажмуасидир. Улар, асосан, каттага ҳурмат, кичикка иззат, ота-онага садоқат, меҳрли бўлиш, меҳнатсеварлик, оилавий анъаналарга содиқлик, меҳмонга эҳтиром, бағрикенглик, инсонпарварлик каби фазилатлардан иборат бўлиб, авлоддан авлодга ўтиб келади.

Урф-одатлар — бу халқнинг узоқ йиллар давомида шаклланган турмуш тарзи ва маданиятини ифода этадиган амалий анъаналардир. Миллий байрам ва маросимлар, хусусан, Наврўз, Мустақиллик куни, Қурбон ва Рамазон ҳайити каби миллий байрамлар воситсида ёшлар оилавий бирлик, яхши ахлоқ ва инсонийлик қадриятларини ўрганадилар. Миллий байрамлар, тарихий хотиралар ёшларда ўз халқининг ўтмишига нисбатан фахр туйғусини уйғотади, ватанпарварлик туйғуси оширади. Айниқса халқимизнинг энг қадимги удуми -- “ҳашар” болаларни меҳнатсеварлик ва бирдамлика ундайди, ёшлар ўртасида бир-бирига меҳр, ҳурмат, содиқлик фазилатларини кучайтиради.

Урф-одатлар орқали ёшлар маънавий қадриятларни ўзлаштиради, ўз ҳаётини яхшилаш ва одамларга ёрдам беришни ўрганадилар. Бундай фазилатлар бугунги замон ёшларида ижтимоий масъулият ҳиссини ривожлантиришда ўта муҳим омил саналади.

Хулоса қилиб айтганда, тарбияда анъанавий ва маънавий қадриятларнинг уйғунлиги болалар ва ўсмирлар учун руҳий барқарорлик, ахлоқий камолот ва жамият учун фойдали фаолиятга олиб келади. Бу икки қадрият тури инсон ички ва ташқи дунёси билан уйғунлашса ёш авлоднинг холис, ўзига ва бошқаларга ишончи баланд, маънавий юксак, жамиятга фойда келтирадиган шахслар бўлиб шаклланишида устувор манбалардан бири бўлиб хизмат қилади .

**Урф-одатлар — бу халқнинг узоқ йиллар давомида шаклланган турмуш тарзи ва маданиятини ифода этадиган амалий анъаналардир.**

# АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ТАРБИЯГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ

*Нурбой ЖАББОРОВ,*
*филология фанлари доктори, профессор*

Шахс камолотида тарбиянинг ўрни беқиёс. Кўҳна Шарқда тарбияга ҳаёт-мамот масаласи сифатида қаралгани боиси шунда. Модомики авлодлар камолоти тарбия билан чамбарчас боғлиқ экан, жамият тараққиётини ундан айри тасаввур этиб бўлмаслиги аён. Мутафаккир аждодларимиз шунинг учун ҳам бу масалага ҳаёт-мамот масаласи деб қараган. Уларнинг жаҳон бадиий тафаккури хазинасидан муносиб ўрин олган асарларида тарбиянинг шакс камолоти, эл равнақи, юрт истиқболида тутган ўрни юксак баҳоланган. Жумладан, ҳазрат Алишер Навоий асарларида барча замонлар учун долзарб саналган бу муаммо оҳорли бадиий образ ва тимсоллар воситасида бетакрор талқин этилган.

“Ҳайрат ул-аброр” достонида буюк шоир тарбиянинг аҳамиятини мана бундай васф этади:

Қатраға чун тарбият этти садаф,
Эл бошиға чиққуча топти шараф.

Халқимизда “Садафсиз дур бўлмас, тикансиз – гул”, деган нақл бор. Ушбу байтда қатранинг гавҳарга айланиши ва бошга қадалиш даражасига етиши садафнинг тарбияси туфайли экани бетакрор поэтик ифодасини топган. Садаф – ота-она ва устоз, қатра эса – фарзанд ёки шогирд тимсоли. Достонда асосан ота-она мазмунида келган. Садаф тарбият этмаса, қатра ҳеч қачон гавҳарга айланмайди. Яъни ота-она ҳамда устоз таълимини олмаган фарзанд камолга етмоғи маҳол. Бу жараён муайян вақт ҳамда меҳнат ва заҳмат талаб қилиши аён. Гавҳарни қўлига олган ёки бошига қадаган одам унинг кўзни шунчалик қувонтирадиган,

қимматбаҳо ашёга айланмоғи учун қандай жараёнларни бошдан кечиргани хусусида ўйлаб ҳам ўтирмайди. Ҳаётда ҳам шундай. Комил инсонни кўрганда ҳамма ҳавас қилади. Лекин у ана шу даражага қандай машаққатлар билан, қай бир меҳридарё ота-она ёки фидойи устоз тарбияси эвазига эришгани ҳар доим ҳам мушоҳада этилавермайди. Буюк шоир бу образли тасвир орқали шахс тарбиясида ана шу сиймоларнинг хизмати беқиёс эканига урғу беради.

Қуёшдин тарбият гар топса хоро,
Қилур ёқут ила лаъл ошкоро.

Ёқут – турли рангда, лаъл эса, қизил тусда товланадиган қимматбаҳо маъдан. Хўш, улар кўзни қувонтирадиган, одамларда эстетик завқ уйғотадиган бу рангларни қаердан олади? Ҳазрат Навоийнинг фикрича, бу – қуёшдан тарбият топгани самараси. Агар қуёшдан ранг олмаса эди, улар оддий тошлигича қолар, одамларнинг қизиқишига сабаб бўлолмас эди. Табиийки, бу ўринда ҳам улуғ мутафаккир ёқут ила лаъл ҳақида сўз юритар экан,



байт замирига шахс камолоти хусусидаги теран фикрларини жойлаган. Яъни инсон камолотини белгиловчи асосий мезон – тарбия. Чинакам тарбиягина одамнинг имкониятларини оширади, жамиятга наф етказиш борасидаги салоҳиятини юксалтиради.

Улуғ мутафаккир “Маҳбуб ул-қулуб” асарида тарбияга доир мана бундай муҳим фикрни билдиради: “Қобилға тарбият қилмамоқ зулмдур ва ноқобилға тарбият – ҳайф. Ани адами тарбият била зоеъ қилма ва мунга тарбиятингни зоеъ қилма”. Яъни, ҳазрат Навоий фикрича, қобил болани муносиб тарбия қилмаслик – зулм. Ноқобилни тарбия этишга сарфланган вақт ва қувват – ҳайф. “Адами тарбият” – тарбия фурсатини бой бериш, тарбия бермаслик. Демак, вақтни ғанимат

билиб, қобилни тарбия қилмоққа ғайрат қилиш зарур. Ноқобилга эса тарбияни зое қилмаслик керак, барибир фойдасиз. Асарда ушбу фикрлар исботи учун бир қитъа келтирилади:

Қобилға тарбият эрур ул навъким, гуҳар

Тушса нажосат ичра юғай кимса ани пок.

Гар ит узумиға киши май бирла берса сув,

Бу тарбият била қила олғайму ани ток.

Қитъада қимматли фикр ифодаланган: нажосатга тушган гавҳарни бир кимса ювса, пок бўлгани сингари қобил фарзанд тарбия туфайли камолга эришмоғи мумкин. Лекин нечоғлиқ парвариш қилинмасин, итузумни токка айлантиришнинг иложи йўқ.

Буюк ижодкор тарбиянинг аҳамиятини ана шундай оҳорли талқин этиш баробарида ушбу фазилатларни мужассам этган бетакрор образлар яратди. Бу образлар, беш ярим асрдан ошяптики, авлодларга камолот сабоқларини бериб келади. Ҳазрат Алишер Навоий асарларида куйланган, бугунги кун учун ҳам муҳим бўлган ана шундай фазилатлардан айримларига тўхталиб ўтиш зарурати сезилади:

*Ватанпарварлик*

Буюк ижодкор Ватанни севмоқ комилликнинг, иймоннинг муҳим шарти эканини таъкидлайди. “Садди Искандарий” достонида бу ҳақдаги машҳур ҳадис мазмунини гўзал бадиий талқин этар экан, авлодларга: “Ватан ҳубби иймон нишонидурур”, дея таълим беради. Шундай бўлгач, Ватанни ғанимлардан ҳимоя қилмоқ, зарур бўлса, бунинг учун курашмоқ ҳар бир фарзанд учун бурчдир. Бу ғоя мазкур достонда қуйидагича ифодаланган:

Иёлу ватан узра то жони бор,

Киши ҳарб этар токи имкони бор.

“Иёл” сўзига “Навоий асарлари луғати”да: “Хотин, бола-чақа; оила”, дея изоҳ берилган. Демак, улуғ бобокалонимиз фикрича, ватанпарварлик оиланинг осойишталиги, Ватанининг тинчлиги учун бор имконини ишга солиб, жони борича курашмоқ, зарур бўлса ҳарб этмоқ – қурол кўтармоқдир. Чунки Ватан ҳимояси – бурч ва

масъулият, шон-шараф ва ор-номус масаласидир. Барча замонлар учун долзарб бундай фикрлар улуғ ижодкор асарларида кўп учрайди. Мана, шундай фикрлардан яна бири:

Ватан таркини бир нафас айлама,

Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама.

Ватандан айри тушмоқ – улкан фожиа. Ватанни тарк этмоқ ўзини машаққатлар гирдобига ташламоқ билан баробардир. Буни ҳазрат Навоий “ранжи ғурбатни ҳавас айлаш”, дея ифода этади. Тарих шоҳид, не-не тақдирлар гувоҳлик беради: инсон Ватандан йироқда ҳеч қачон бахтиёр бўла олмайди. “Ҳайрат ул-аброр”да шоир айни шу моҳиятни “Ғурбат аро ҳоли ёмондин ёмон, Ҳар не йўқ андин ёмон, андин ёмон”, дея талқин этгани бежиз эмас.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг мана ўгити ҳам авлодлар учун алоҳида қимматга эга:

Мусофир бўл, аммо ватан ичра бўл,

Тила хилвату анжуман ичра бўл.

Бу фикрлар буюк шоир асарларида Ватанга муҳаббат туйғуси теран мазмун ва гўзал бадиий шакл уйғунлигида, авлодлар қалби ва шуурига чақмоқдек таъсир қиладиган тарзда ифодаланганидан далолат беради.

*Элпарварлик*

Ўзи мансуб бўлган улуғ элга меҳр қўйиш, эл-улус бахтини ўз бахти, ғамини ўз ғами деб билиш шахс камолотининг муҳим шартларидандир. Ёш авлод қалбида ана шу туйғуни тарбиялаш – муқаддас бурч. Буюк Навоий асарларида бу ғоя етакчи мавқеда туради. Биргина мисол:

Эрур чун олам ичра жоҳ фоний, яхши от боқий,

Бас эл комин раво айла ўзунгни комрон кўргач.

Яъни мансаб-мартабаю мол-дунё – вақтинчалик, яхши ном эса абадий. Шундай бўлгач, ўзингни комрон кўргач, яъни баланд мавқега эришган чоғингда эл ҳожатини раво айламоқни одат қил – мана, улуғ донишманд нима демоқчи! Аслида, ҳақиқий элпарварлик ҳам шуни тақозо этади. Лекин одамзод ҳаёти бир текисда кечмайди. Ҳазрат Навоий ҳар доим ана шундай бир хил фикрлаган, мудом бир хил

туйғуни ҳис этган десак, тўғри бўлмас. Ҳаёт деганлари анчайин мураккаб, зиддиятларга бой. Улуғ мутафаккир гарчи ҳаммага баравар яхшилик қилишни орзу этган, имкон қадар бунга эришган бўлса ҳам, аксар яхшилиги эвазига ёмонлик ҳам кўрган. Табиийки, бундан изтироб чеккан, руҳан эзилган, қарама-қарши туйғулар гирдобида қолган. Мана бу мисралар ушбу фикрни тасдиқлайди:

Онча юзсизлик улустин кўрмишам, гар берса даст,
Истарамким, кўрмасам ҳаргиз бани одам юзин.

Ҳатто бир шеърида улуғ шоир "Парим бўлса учиб қочсам, улусдин то қанотим бор", дейишгача борган. Лекин ҳазрат Навоийнинг буюклиги шундаки, оний кайфиятдаги бундай кечинмаларни ирода кучи, матонат қуввати билан енга билган; ҳаёт синовларига ҳикмат назари билан қарай олган. Айтишга осон, бунга эришмоқ ўз-ўзидан бўлмагани аён. Буюк мутафаккир зиддиятли кечинмалар гирдобидан чиқиш учун ҳикматни наинки топган, теран мазмун ва бетакрор бадиият уйғунлигида шеърга ҳам айлантирган:

Давр элида гар вафо йўқ, сен вафо қилғил, валек
Кимни хушҳол этсанг, андин тут ўзунгга юз малол.

Вафо кўрмаганинг ҳолда вафо қилмоқ осонми? Сендан кўп яхшиликлар кўриб, хурсандчиликдан неча бор кўзларида ўт чақнаган одамдан юз малол келса, буни қандай қабул



қилиш керак? Бу саволларга жавоб бермоқ анчайин мушкул экани рост. Ҳазрат Алишер Навоий неча бор ана шундай қийин вазиятларга тушгани ҳолда “Давр элида гар вафо йўқ, сен вафо қилғил”, деган тўхтамга келган. Таъкидлаш керак, фақат буюк сиймоларгина бундай хулоса чиқариши мумкин. Фақат улуғларгина ҳеч бир эвазсиз яхшилик қилмоққа қодир. Юрак ёлқини билан битилган мана бу сўзлар ҳам улуғ мутафаккирларгагина тан:

Улусқа ўт солур эрсанг мени бурун ўрта,
Нединки ўтни туташтурғоли керак хошок.

Элпарварликнинг бундан ҳам юксакроқ даражаси бўлиши мумкинми? Улусга фидоийликнинг мезони бўла оладиган бундай фикрга келиш учун элга муҳаббатнинг миқёси қанчалар баланд бўлиши керак ахир! Мана бу мисралар моҳиятан юқоридаги байтга ҳар жиҳатдан ҳамоҳанг:

Юз жафо қилса манга, бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам.

Ўзи мансуб бўлган халққа меҳр қўймоқ қандай бўлишини ҳазрат Навоийдек улуғлардан ўрганиш керак. Элпарварлик бобида ҳам буюк бобокалонимиз авлодларга мудом сабоқ бериб келаётир.

*Маърифат*

Шахс камолоти, маърифат ва тарбия тушунчалари ўзаро шу даражада боғлиқки, уларнинг бирини иккинчисидан айри тасаввур этиб бўлмайди. Ҳазрат Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонида қушлар сафари тимсолида инсон камолотининг етти босқичи ҳақида сўз юритилади: талаб, ишқ, маърифат, истиғно, тавҳид, ҳайрат, фақру фано. Достоннинг махсус боби “Маърифат водийсининг васфи” деб номланган. Маърифат водийсини “дашти бепоён”га қиёслаган ҳазрат Навоий унда “ҳоллар мухталиф” (ихтилофли, бирбиридан кескин фарқ қилувчи – қавс ичидаги барча изоҳлар бизники – Н.А.) эканини таъкидлар экан, “Водиедур юз туман минг онда йўл” дея одамларнинг маърифий даражаси турлича бўлишига ишора қилади. Улуғ шоирнинг “жузв ила кулл” – бўлак ва бутун, тараққий ва таназзул ихтилофи ҳақидаги фикрлари ҳам

буни тасдиқлайди.

Муаллиф фикрича, бу водийда “юз туман раҳрав”ни (йўловчини) кўриш мумкин. Пашша ҳам, фил ҳам, Жибрил ҳам йўлда. Мусою Фиръавн, Маҳдийу Дажжол, Аҳмад ва Абу Жаҳл ҳам раҳрав. Шундай бўлгач, улуғ шоир таъбири билан айтганда: “Мухталиф бўлмай не бўлсун мунда иш”. Ушбу мулоҳазалари тасдиғи учун ҳазрат Навоий Ҳаққа элтувчи йўллар сони халойиқнинг нуфуси билан баробар экани ҳақидаги ҳадисни келтиради. Бошқача айтганда, маърифати даражасига кўра, ҳар бир одам ўз йўлини тўғри деб билади. Улар ўртасидаги ихтилофнинг сабаби ҳам шунда. Танлаган йўллари эгри ёки тўғри, яқин ёхуд йироқ, кўпраги дурд (қуйқа), озроғи соф бўлса-да, аслида ҳаммасининг мақсади, тўғрироғи, даъвоси бир – ҳақиқат.

Гарсулукатворидатағйирэди,

Мақсади лекин борининг бир эди.

Достоннинг мазкур бобида ҳазрат Навоий бир ҳикоят келтиради. Унда ёзилишича, бир неча кўзи ожиз кимса маълум муддат мусофирлик сабабми, асир тушибми, Ҳиндистонда бўлади. Тақдир инояти билан ўз юртларига қайтиб келганида бир киши улардан сўрайди: “Филни кўрдиларингми?” Кўрлар тасдиқ ишорасини қилади. Бунга далил келтиринг, дейди. Табиийки, улар филни кўрмаган, у ҳақда сўраб ҳам олмаган эди. Кўрларнинг ҳар бири филнинг қайси аъзосини пайпаслаган бўлса, шунгагина асосланиб жавоб бера кетади. Оёқларини силагани фил бу – “сутун” деса, қорнини пайпаслагани “бесутун” дейди. Хартумини ушлаб кўргани филни аждаҳога, тишларига қўли теккани уни суякка менгзайди. Қуйруғини силагани илонга, бошига қўл ургани қиянинг тумшуғига, қулоғини ушлагани эса елпиғичга қиёслайди.

Гарчи кўрларнинг сўзи фил ҳақида эмас, унинг муайян аъзолари хусусида эканини билса-да, “пилбонлиғ шевасида устод” бўлган ҳакими комил уларнинг сўзини рад этмайди.

Деди: “Ҳар бир улча воқиф эрдилар,

Пил ҳолидин нишоне бердилар”.

Қиссадан ҳисса шуки, маърифатда комил бир мақомга

эришмаган киши бамисоли ўша кўрларнинг ҳолига тушади. Ўзи “ушлагани”нигина ҳақ деб билиб, бошқалар билан ихтилофга боради, мунозара қилади.

Ҳаёт – инсонга чинакам маърифатга, камолотга эришмоқ учун берилган имкон. Бунинг асосий омили эса – тарбия. Ҳар ҳолда, мутафаккир аждодларимиз шундай деб ҳисоблаган. Камолга эришмай, “жаҳондин нотамом ўтмак”ни ҳазрат Навоий бамисоли ҳаммомга кириб нопок чиқишга менгзайди. Камолга эришмоқ эса юксак маънавий-маърифий тарбия самараси. Биз жаҳоннинг тарбия борасида ҳам беқиёс меросга эга саноқли халқларидан биримиз. Бу соҳада буюк мутафаккир Алишер Навоий мероси ҳаётбахш манба бўлиб хизмат қилмоқда.

# ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ СИНГДИРИШДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

*Ҳусниддин НОРҚУЛОВ,*
*педагогика фанлари номзоди, доцент*
*norqulov.h69@mail.ru*

**Аннотация:** Ушбу мақолада оилавий қадриятларнинг аҳамияти ва уларни замонавий жамиятдаги роли муҳокама қилинади. Махсус эътибор қаратилган масала - оилавий қадриятларни сингдиришда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрнидир. Маълумки, оила ҳар бир инсоннинг маънавий ва ахлоқий асоси ҳисобланади, шунингдек, у миллатнинг маданияти, урф-одатлари ва қадриятларини ўзида акс эттиради. Мақолада миллий ва умуминсоний қадриятларнинг оиладаги ўрни, уларнинг бир-бирига таъсири ва интеграциялашуви тарзи таҳлил этилган. Мақола натижалари оилавий қадриятларнинг тарбия беришдаги аҳамиятини ёритиб, уларни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш борасидаги муҳим истиқболларни кўрсатиб беради.

**Калит сўзлар:** Оилавий қадриятлар, миллий қадриятлар, умуминсоний қадриятлар, тарбия, ахлоқ, оилавий муносабатлар, маънавий тарбия, миллий маданият, урф-одатлар, қадриятларни сингдириш, маънавий асос, инсон ҳуқуқлари, умумжамият, қадриятларни мустаҳкамлаш.

## РОЛЬ НАЦИОНАЛЬНЫХ И ОБЩЕОБЩЕСТВЕННЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ИММИГРАЦИИ СЕМЕЙНЫХ ЦЕННОСТЕЙ

**Аннотация:** В статье рассматривается важность семейных ценностей и их роль в современном обществе. Особое внимание уделяется роли национальных и общечеловеческих ценностей в формировании семейных ценностей. Известно, что семья является духовной и нравственной

основой каждого человека, а также отражает культуру, традиции и ценности нации. В статье анализируется роль национальных и общечеловеческих ценностей в семье, их влияние друг на друга и их интеграция. Результаты статьи проливают свет на важность семейных ценностей в образовании и показывают важные перспективы их защиты и укрепления.

**Ключевые слова:** Семейные ценности, национальные ценности, общечеловеческие ценности, воспитание, мораль, семейные отношения, духовное воспитание, национальная культура, традиции, привитие ценностей, нравственные основы, права человека, общество, укрепление ценностей.

## THE ROLE OF NATIONAL AND UNIVERSAL VALUES IN IMMIGRATION OF FAMILY VALUES

**Abstract:** This article discusses the importance of family values and their role in modern society. Special attention is paid to the role of national and universal values in inculcating family values. It is known that the family is the spiritual and moral basis of every person, and it also reflects the culture, traditions and values of the nation. The article analyzes the role of national and universal values in the family, their influence on each other and their integration. The results of the article shed light on the importance of family values in education and show important prospects for their protection and strengthening.

**Key words:** Family values, national values, universal values, education, morals, family relations, spiritual education, national culture, customs, inculcation of values, moral basis, human rights, community, strengthening of values.

**Кириш.** Оила одамлар ва жамият орасидаги энг асосий ва муҳим институтлардан бири бўлиб, оилада тарбия олиш ва ҳаётнинг илк сабоқларини қабул қилиш, инсоннинг ахлоқий, маънавий ва ижтимоий асослари шаклланади. Оилавий қадриятлар, ўз навбатида, бу жараёнда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ушбу қадриятлар нафақат оила аъзоларининг ўзаро муносабатларини, балки уларнинг жамиятдаги ўрни ва

маънавий-ахлоқий савиясини ҳам белгилайди. Оилавий қадриятлар ҳар қандай жамиятнинг маънавий асосларини, ижтимоий муносабатларини ва инсоннинг шахсини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, оилавий қадриятлар жамиятдаги барқарорлик ва тинчликнинг асосий омили сифатида муҳим роль ўйнайди.

Маълумки, зардуштийликнинг муқаддас китоби "Авесто"дан тортиб ҳозирги кунгача барча ижод аҳлларининг асарларига назар соладиган бўлсак, юксак ахлоқий фазилатларни камол топтириш ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш масаласи асосий ўринни эгаллаб келмоқда. Ўзбек оиласи ўзида қадимий маънавий қадрият ва анъаналаримизни, удум ва расм-русумларимизни, маънавий, маданий меросимизни сақлаб келган ва келмоқда.

Шарқ халқлари ўзлигини англаш учун ўз миллий қадриятлари ва миллий маданиятини асраб-авайлабгина юксак маънавиятга эга бўлади. Ўзбек халқида ўз қадриятлари ва ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда оила етакчи ҳисобланади. Оила ҳар бир фарзанд қалбида энг покиза туйғулар шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Фарзанд айнан оилада дастлабки ҳаётий кўникмаларни эгаллайди. Дарҳақиқат, қадимдан миллий урф-одат ва анъаналаримизни ёш авлод онгига сингдиришда, уларни жисмонан баркамол, маънан етук, меҳр-оқибатли, саховатпеша, ўзгалар дардини ҳис қила олувчи, йиқилганга тиргак бўла оладиган инсонлар қилиб тарбиялашда соғлом оила муҳити муҳим ўринга эга бўлиб келган.

Илмий манбаларда ҳам қадрият масаласи бўйича: "Қадрият инсон ва жамият маънавиятининг таркибий қисми, оламдаги воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар, талаб ва тартибларнинг қадрини ифодалаш учун ишлатиладиган тушунчадир", [1. б.707] – деб келтирилган.

Қадриятлар ўзбек халқининг бебаҳо бойлиги сифатида маданий-маърифий ҳодисалар, урф-одатлар, анъаналар замирида инсон қадр-қимматининг ошишига хизмат қилади. Оилада

болага саломлашишдан тортиб тўғри овқатланиш, кийиниш, катталар ва тенгдошлар билан ўзаро мулоқот, жамоатчилик ичида ўзини тутиш, сувга тупурма, нон устига нарса қўйма,ноннинг увоғи ҳам нон, ёши улуғларнинг йўлини кесиб ўтма, ота-онангнинг гапини икки қилма, устозингни ҳурмат қил, атрофингга бефарқ бўлма каби маънавий-маърифий насиҳатларни эшитиб турли ривоят, мақол, ҳикмат ва насиҳатларни тинглаб, хотираларида сақлаб воьга етадилар ва бу орқали қадриятлар сингдириб борилади.

Ўзимизга хос бўлган меҳнатсеварлик, садоқат, самимият, ишонч, ватанни севмоқлик, адолат, поклик, тўғрилик сингари фазилатлар шахсий намуна сифатида ота-она орқали фарзандга берилади. Урф-одат ва анъаналар оилавий қадрият сифатида ҳам фарзандларнинг ҳаёт тарзига ёшликларидан ота-оналарига кўмак бериш, сўнгра ўз оилалари учун қайғуриш ҳиссини сингдириб боришда асосий ролни бажаради.

Шунингдек, кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган эҳтиром замирида пир-у бадавлат онахонлар-у отахонларимизни эъзозлаш, уларнинг ўгитлари, панд-насиҳатларига амал қилиш, кексайган чоғларида таянч бўла олиш сингари қадриятлар ҳам мавжуд. Дастурхон атрофидаги йиғинларда кекса авлод вакиллари халқимизнинг нодир ижод намуналари мақол, маталлар, ривоятлар-у ҳикматлар орқали турли хил маиший масалалар ва муаммоларга ечимлар кўрсатилади. Кексайган ота-оналарга моддий ашёлар эмас,



Миллий қадриятларга - одатлар, удум ва қоидалар, расм-русумлар, атроф-муҳитга муносабат ҳамда тарбияни ташкил этувчи тамойиллар киради.

балки оила аъзоларининг ширин сўзи ва табассуми, қалбини кўтариш ва далда беришдан ортиқроқ нарсанинг ўзи йўқ.

Ғуломхон Ғофуров миллий анъаналарга бағишланган мақолаларидан бирида миллий қадриятларнинг қуйидаги кўринишларини тилга олган: 1) табиий қадриятлар; 2) иқтисодий қадриятлар; 3) ижтимоий-сиёсий қадриятлар; 4) маънавий қадриятлар; 5) ахлоқий



қадриятлар [2. б.2.]. Жумладан, “Ота-боболаримиз илм ўргатиш билан бирга фарзандларимизга авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий-маънавий, ахлоқий қадриятларни сингдирганлар” [3. б.13.]; “Ўзбекларнинг аксарияти... яқин одамларнинг, қўшниларнинг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражадаги маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир” [4. б.22.]; “Иқтисодий қадрият – иқтисодий муносабатлар жараёнида шахслар ўртасидаги ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш, ҳалоллик, поклик, бағрикенглик, ишончлилик каби фазилатларнинг амал қилинишини англатадиган тушунча” [5. б.241.].

Бизга маълумки абадий, ўзгармас нарса бўлмайди, вақт ўтиши билан инсонлар ўзгаргани сингари қадриятлар ҳам трансформацияга учрайди. Трансформация (лот. transformatio – қайта ўзгариш, қайта ҳосил бўлиш) ўзгаришдир. Қадриятлар трансформацияси ўзидан-ўзи рўй берадиган ҳодиса эмас, унинг негизида шаклланган нормалар, қарашлар, қадриятлар ижтимоий тараққиёт талабларига жавоб беролмай қолиши мумкин.

Миллий қадриятлар фақат миллий таъриф билан чегараланмайди. Уларнинг мазмуни ана шу миллатнинг тарихи, маданияти, урф-одатлари, халқ ичидаги муҳаббат, меҳр ва ҳурматнинг ифодасидир.

Миллий қадриятлар ҳар қандай миллатнинг турмуш тарзи, миллий яратувчилик, урф-одатлари ва табиатига хос хусусиятларни ўз ичига олади. Бу қадриятлар ҳар бир халқнинг шахсият, ахлоқ, маданият ва ижтимоий муносабатларини белгилайди.

Миллий қадриятларнинг асосий компонентлари қуйидагилардан иборат:

1. Ахлоқий қадриятлар: Миллий қадриятларнинг асосий қисмларидан бири ахлоқий қоидалар ва принциплардир. Бу қадриятлар оилада, жамиятда ва ижтимоий алоқаларда адолат, ҳурмат, меҳрибонлик, садоқат ва ишонч каби тушунчаларни ўргатади. Ахлоқий қадриятлар жамиятда барқарорлик ва тинчликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

2. Маданий қадриятлар: Миллий қадриятлар ўз халқининг маданияти, урф-одатлари ва тарихий тажрибаси билан яқин боғлиқдир. Миллий маданият ўз ичига санъат, адабиёт, мусиқа, таомлар, рақслар ва ёшлар тарбиясини қамраб олади. Бу қадриятлар халқнинг маънавий ривожланишини таъминлайди ва келажак авлодларга маданиятни мустаҳкамлашни ўргатади.

3. Диний қадриятлар: Миллий қадриятлар кўпинча халқнинг дин ва маънавият системасига асосланади. Диний қадриятлар адолат, яхши ва ёмоннинг ажратилиши, сабр-тоқат ва одамларга ҳурмат кўрсатишга ёрдам беради. Миллий қадриятлар ва диннинг ўзаро боғлиқлиги халқнинг ижтимоий ҳаётида ва маънавий тарбиясида муҳим ўрин тутади.

Миллий қадриятлар халқни ягона этник ва ижтимоий бирликка айлантиради, уларнинг келажак авлодларга ёрдам бериши ва жамиятда тинчликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Миллий қадриятлар оила, давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва барқарорликни сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу қадриятлар жамиятдаги ҳар бир аъзонинг ўз ролини, шахс сифатида ривожланишини ва унга хос бўлган вазифаларни аниқ белгилайди. Буларга:

1. Жамиятдаги барқарорлик. Миллий қадриятлар жамиятда барқарорликни сақлаш ва



тинчликни таъминлашга ёрдам беради. Инсонлар ўз қадриятларига асосланган ҳолда, адолат ва ўзаро ҳурмат принципларига амал қилиб, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қиладилар. Бу қадриятлар, шунингдек, жамиятдаги ижтимоий ва иқтисодий барқарорликка асос солади.

2. Шахснинг ривожланиши. Миллий қадриятлар инсоннинг маънавий ва ахлоқий камолотини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Оилада олинган тарбия, миллий анъаналар ва урф-одатлар ҳар бир инсоннинг ҳаётида асосий роль ўйнайди. Миллий қадриятлар ёшларнинг яхши инсон сифатида шаклланишини ва жамиятга фойда келтиришини таъминлайди.

3. Маданий меросни сақлаш. Миллий қадриятлар халқнинг маданий меросини сақлаш ва уни келажак авлодларга етказишга ёрдам беради. Бу қадриятлар миллий маданиятнинг, урф-одатлар ва тарихнинг аҳамиятини ёшларга ўргатиш ва уларнинг миллий ўзликни англашини таъминлашга ёрдам беради.

4. Инсон ҳуқуқлари ва тенглик. Миллий қадриятлар инсоннинг ҳуқуқлари ва тенглигига ҳурмат билан қарашни тарғиб қилади. Миллий қадриятларнинг асосида, одамлар ўртасида тенг ҳуқуқлар ва

имкониятлар тақсимлашишга йўл қўйилади. Бу, ўз навбатида, жамиятдаги ижтимоий адолатни ва иқтисодий барқарорликни таъминлашга ёрдам беради.

Миллий қадриятларга - одатлар, удум ва қоидалар, расм-русумлар, атроф-муҳитга муносабат ҳамда тарбияни ташкил этувчи тамойиллар киради. Ўзбек миллатининг олий қадриятла-рига яна кўп минг йиллардан бери давом этиб келаётган халқимизнинг ҳашар тадбири, яъни қўни-қўшни, маҳалла томонидан ободонлаштириш ишларида, иморат солишда, жамоат ишларида холисона фаол иштирок этиш ишлари ҳам киради.

Ўз она тилидан фахрланиш ҳиссиётини уйғота олиш - шахснинг кенг дунёқарашга эга бўлган, зиёли ва маданиятли, ўз Ватанини севадиган, қадриятларни улуғлайдиган комил инсонни тарбия қилиш демакдир.

Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти ҳамда маданияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Ўзбек халқининг асрлардан асрларга ўтиб келаётган миллий қадриятлари ҳам узоқ тарихий жараёнда шаклланган. Жумладан, ўзи туғилиб ўсган она юртига эҳтиром, ўз тақдирини мана шу юртсиз тасаввур қила олмаслик, ўтган аждодлар хотирасига садоқат, катталарга доимий ҳурмат кўрсатиш, ҳар қандай шароитда ҳам ҳаё ва андишани сақлаш, турмушда покликка алоҳида эътибор бериш сингари кўплаб фазилатлар бизнинг миллий қадриятларимиз асосини ташкил этади [6].

Миллий қадриятларни ҳам моҳиятига кўра, табиий, моддий, маънавий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ахлоқий қадриятларга ажратиш мумкин. Масалан, минглаб йиллар давомида шаклланган бой маънавий хазинамиз биз учун маънавий қадрият, ҳалоллик, поклик, ишончлилик эса иқтисодий қадриятдир. Шундай бўлса-да, кўпчилик мутахассислар инсоннинг ўзи, ҳаёти, ҳуқуқи ва эрки, соғлом ва фаровон турмушини қадриятларнинг энг олийси, деб ҳисоблайди.

Халқимизнинг минглаб йиллик бой тарихи, маънавий

мероси, турмуш тарзи, ҳаётий қарашлари ва эътиқодидан келиб чиққан ҳолда муҳим миллий қадриятларимиз рўйхати сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: ота-онага эҳтиром, тозалик, ҳаракатда барака, ўзбек тили, диний бағрикенглик, сўз эркинлиги, лафз (қонун, бурч ва келишувга садоқат), елкадошлик, меҳмондўстлик, рози-ризолик ва бошқалар.

Шу ўринда миллий қадриятлар:

– кишиларнинг табиий, тарихий ва ижтимоий бирлигини таъминлайдиган этник маконда шаклланади, ранг-баранг тарзда, турли шаклларда намоён бўлади, кишиларнинг онгига, ҳаёт тарзига ўзига хос тарзда таъсир қилади;

– кишиларнинг ўзаро муносабатларида, ижтимоий фаолиятларида кўзга ташланиб туради ҳамда ана шу муносабат, фаолият, мақсад, эҳтиёж ва интилишлар учун маънавий асос бўлади;

– моддий, маънавий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда муайян натижа сифатида юзага келишлари, кишилар учун зарурият сифатида ўзига хос аҳамият касб этишлари, уларга фойда келтиришлари ҳам мумкин;

– ижтимоий ривожланиш жараёни ўзгариб, такомиллашиб, ранг-баранг жиҳатлар авлоддан-авлодга ўтади, мерос қолади.

Миллий қадриятлар тушунчаси муайян миллатнинг табиий, тарихий ва ижтимоий ривожланиш жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларигина эмас, балки улар яшаётган ҳудуд маданий-маънавий мерос, миллий маданият, тил, миллий онг, миллат руҳи, тарихи, ўтмиши, турмуши ва яшаш тарзи, миллат ҳаётининг тартиб-қоидалари ҳамда улар билан боғлиқ миллий хусусиятлар, жиҳатлар ва бошқаларнинг аҳамиятини ифодалайди. У умумий қадрият-лар тизимида миллатга хос бўлган қадриятларнинг энг умумий жиҳатларини акс эттиради.

Умуминсоний қадриятлар. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадини ҳаётга татбиқ этиш билан ҳамоҳанг тарзда бозор иқтисодиётига ўтиш, демократик қадриятларни эгаллаш, фуқаролар

ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, шахс эркинлигини амалда жорий этиш, сиёсий жараёнларни эркинлаштириш, кўппартиявийлик тизимини демократик меъёрлар асосида такомиллаштириш каби янгидан-янги долзарб вазифалар пайдо бўлди. Янги жамият қуришдаги бу омилларнинг барчаси умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан қараганда кўпроқ маънавиятга яқин мезонлардир. Демак, умуминсоний қадриятлар қуйидагилар:

1. Содиқлик;
2. Халқимиз маънавий савиясини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
3. Инсонни ўз имкониятларини эркин намойиш қилиши;
4. Ватанпарварлик, инсонпарварлик, толерантлик.

Умуминсоний қадриятлар қуйидаги уч жиҳати билан ажралиб туради:

1. Қадриятларнинг барча инсонларга тааллуқлилиги, яъни чақалоқдан тортиб, то кекса ёшдаги одамгача бирдек таъсир кучига эгалиги.
2. Қадриятларнинг барча инсонлар, қолаверса, инсоният учун муҳимлик ва зарурият сифатида аҳамиятга эгалиги.
3. Барча давлатлар умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда ўзининг кўп йўналишли сиёсатини амалга ошириши ва унга таяниши.

Умуминсоний қадриятларнинг энг олий мақоми сифатида тараннум этган буюк мутафаккир Алишер Навоийдир. У “Ҳайрат ул-аброр” асарида маънавиятли инсонни қуйидагича тасаввур қилган: “Сен инсонларга фойда етказишни ўзингга шиор этдинг, шундан келадиган нафни ўзингга ёр айладинг. Сенинг халққа кўрсатган фойданг шак-шубҳасиздир лекин билиб қўйки, бундан ўзингга тегадиган наф кўпроқдир. Кимки бошқаларга зарар етказишни одат қилса, бундан элга эмас, аввало, ўзига жабр этган бўлади. Кимнинг халқ ғамидин ғами бўлмаса, ҳақиқий одам бўлсанг, уни одам дема” [7. б.261.]. Инсониятнинг жамиятга уюшиб яшаши, кишиларнинг ўзаро ҳамкорлиги, жамият ҳаётининг барқарорлиги ва фаровонлигини таъминлашнинг ички манбаи ҳам маънавийлик

ҳам маърифийликдир.

Бизнингча умуминсоний қадриятларни намоён бўлиш хусусиятларини ўрганишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

• бутун инсониятга хос бўлган табиий-тарихий жиҳатлар – инсон вужудининг тириклиги, сиҳат-саломатлик, ижтимоий фаолиятга қобиллиги, онги, билими, муомала воситаси;

• жамият тарихи, ўтмиши, келажаги, умргузаронликнинг асосий талаблари, тартиблари, қонун-қоидалари, авлоддан-авлодга ўтадиган анъаналар, урф-одатлар, маросимлар ва бошқалар;

• жамият аъзоларининг энг юксак орзу-умидлари, эзгу-ниятлари, идеаллари, ғоялари, мақсадлари, эҳтиёжлари, қизиқишлари, улар билан боғлиқ хатти-ҳаракати, фаолияти, ўзаро муносабатлари;

• маданият, маънавият, фан, дин, ҳуқуқ, сиёсат, мафкура ва ижтимоий онгнинг бошқа шакллари билан боғлиқ ютуқлар, кашфиётлар, яратилган бойликлар, таълим-тарбия ва маънавий камолотнинг йўналишлари, усуллари,



воситалари;

• инсоният ривожининг ҳозирги даври билан боғлиқ минтақалар, ижтимоий тузумлар, давлатлар олдида турган ва бутун жаҳон аҳамиятига молик энг умумий оламшумул муаммолар, долзарб вазифалар, келажакнинг истиқболлари;

• сайёрамиз ҳудудлари, давлатлари ва ижтимоий тузумларидан қатъий назар, ҳамма учун умумий фойдаланиш имконини берадиган универсал технологиялар, ишлаб чиқариш, бошқаришни ташкил қилиш, космонавтика, ЭҲМ, кибернетика ва бошқа йўналишлардаги умумжаҳон жамиятига эга бўлган жараёнлар.

Умуминсоний қадриятлар инсоният тарихининг яхлит-лигини ифодалайди, у даврлар

ўтиши ва ижтимоий ҳаётнинг ўзгариши билан бир қаторда такомиллашиб, ривожланиб, тобора кўпроқ халқларни, миллатларни, инсонларни яқинлаштирувчи, бирлаштирувчи ва камол топтирувчи кучга айланиб боради. Инсонпарварлик ва ижтимоий адолат, эркинлик ва озодлик, барқарорлик ва фаровонлик, эзгулик ва тараққиётга бўлган интилиш умуминсоний қадриятларнинг муҳим жиҳатидир [8. б.2.].

Умуминсоний қадриятлар жамиятнингижтимоийтузилиши, унга мансуб турмуш, оила, уруғ,



қабила, элат, миллат, халқ, давлат ва бошқаларнинг ижтимоий ҳолати, маънавий ҳаёти, ахлоқ, ҳуқуқ, дин, маданият, нафосат, санъат, илм-фан соҳалари билан боғлиқликда ҳам намоён бўлади. Бу борада улар ўз табиатига кўра амалий фаолиятнинг ҳақиқий мақсадларини ифодалайди, муайян аҳамиятга эга бўлади, керакли ахборот беради, жамият қоидаларидан ижодий фойдаланиш, кундалик хатти-ҳаракатларнинг маънавий асосларини тўғри белгилаш имконини яратди.

Умуминсоний қадриятлар қайси ҳудудда ривожланган бўлса, ўша жойда маънавиятнинг униб-ўсиши учун муҳит, ҳар томонлама шарт-шароитлар туғилади. Бу борада Н.Темирова: “Умуминсоний қадриятлар -жаҳон халқлари учун ижобий аҳамият касб этувчи инсониятнинг умумий манфаатларига мос келувчи моддий ва маданий ҳамда мезонлар мажмуаси мақсад ва интилишларини ўзида ифода этади” [9. б.26.]– деб таъкидлайди.

Хулоса ўрнида келтириш мумкинки, жаҳон маданияти турли ўлка ва минтақаларнинг ўзига хос маданиятлари мажмуидан иборат. Қандай миллат, қандай халқ бўлмасин, барибир, уни муайян инсонлар ташкил этади. Инсонларнинг ҳар бири ўз қиёфаси, ўз феъл-атвори, фикр-андишалари, ўз ҳаёт йўли ва орзу-ниятларига эга. Аммо

уларнинг барчаси бани одамга мансуб бўлгани туфайли уларнинг барчаси учун умумий бўлган муайян қадриятлар мажмуи ҳам мавжуддир. Бу қадриятлар ҳар бир миллат, ҳар бир инсон учун алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг кўр-кўрона инкор этилиши, тан олинмаслиги бутун башарият учун ҳалокатли бўлиши мумкинлигини жаҳон тарихи тажрибаси кўп марта исботлаган. Албатта, бундай қадриятлар барча инсонлар, барча миллатлар томонидан бирданига, азал-ибтидодан англаб етилган, идрок қилинган деб бўлмайди. Умуминсоний қадриятлар ҳар бир миллатнинг маънавий мулкига айланиши учун асрлар, балки минг йиллар керак бўлди. Ҳатто бугун ҳам барча инсонлар, барча элат ва тоифалар уларни тугал англаб етган, дейиш қийин.

Кези келганда миллий ва умуминсоний қадриятларимиз ўзаро чамбарчас боғланиб кетганини, уларни бир-биридан ажратиш мушкуллигини таъкидлаш жоиз. Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданият, турмуш тарзимиз, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлаш муҳим омил бўлиб келмоқда. Зеро, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр-шафқат сингари халқимизга хос бўлган фазилатлар айнан ана шу заминда илдиз отади ва ривожланади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

